

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ


ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ИЛМИЙ ФАОЛИЯТГА
ТАЙЁРГАРЛИК АСОСЛАРИ**

Ўқув–услубий қўлланма

Тошкент – 2010

ИЛМИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРГАРЛИК АСОСЛАРИ



**I қисм.
Илмий ахборот билан ишлаш:
ўқиши, ёзма ва оғзаки шаклда баён қилиш**

**II қисм.
Илмий тадқиқот методологияси**

**III қисм.
Магистрлик диссертациясини
расмийлаштириш ва ҳимоя қилиш**

Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, М.Р.Болтабаев, Л.В.Голиш,
О.Б.Гимранова. Илмий-тадқиқотчилик фаолиятига тайёргарлик асослари:
Ўқув-услубий қўлланма - Тошкент: Экономика, 2010. 138 бет.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Ўқув-услубий кенгашининг қарорига
биноан нашр этилган. Магистратурунинг “Илмий тадқиқотлар методологияси” курсини
ўрганаётган талабалар учун ўқув қўлланмаси сифатида тавсия қилинади.

Профессор Б.Ю.Ходиевнинг умумий таҳрири остида

Рецензентлар:
и.ф.д., проф. Н.М.Махмудов
и.ф.н., доцент Б.Б.Усмонов

Ушбу китоб магистрантларни илмий-тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш
бўйича Ўзбекистонда нашр қилинаётган ilk ўқув - услубий қўлланмадир.

Қўлланма иқтисодиёт олий ўқув юртларининг магистрантлари ва ўқитувчилари,
шунингдек магистрлик диссертацияларининг илмий раҳбарлари учун мўлжалланган. Бу
китоб шунингдек бошқа олий ўқув юртларининг магистрантлари ва ўқитувчилари,
аспирантлар ва талабгорлар учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Ўқув – услубий қўлланмада илмий адабиётларни ўқиши, ахборотларни оғзаки
тарзда тақдим этиши, илмий услубдаги матнларни ёзиши бўйича тавсиялар баён қилинган;
магистрлик диссертациясини ёзиши, расмийлаштириши ва ҳимояга тайёрлаш юзасидан
амалий маслаҳатлар берилган.

Китоб ўқув-услубий қўлланма сифатида ёзилгани сабабли унинг муаллифлари
ҳамкасларининг конструктив таклифлари ва фикр-мулоҳазалари учун миннатдорчилик
 билдиради, бундай таклифлар ва фикр-мулоҳазалар қўлланма устидаги кейинги ишлар
жараёнида албатта ҳисобга олинади.

Таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни қўйидаги манзилга юборишингизни
сўраймиз: Тошкент – 1000003, Ўзбекистон кўчаси, 49-йй, Тошкент Давлат иқтисодиёт
университети, Ўқув-услубийёт бошқармаси.

© Б.Ю.Ходиев ва бошқалар. ТДИУ, 2010

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	6
I ҚИСМ. Илмий ахборот билан ишлаш: мутолаа қилиш, ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш	9
 Илмий адабиётларни мутолаа қилиш.....	10
Мутолаа турлари ва қоидалари. Ахборотларни маркировкалаш. Китоб, илмий журнал, илмий мақолалар, тезислар тўплами билан ишлашнинг процессуал тизими. Китобнинг таркибий тузилиши.	
 Ахборотларни ёзма шаклда етказиш	16
Илмий матнларнинг функциялари ва турлари. Режа. Тезислар. Конспект. Реферат. Аннотация. Мақола. Эссе. Илмий услубдаги матнларни ёзиш бўйича тавсиялар.	
 Ахборотларни оғзаки шаклда етказиш	40
Маъруза билан чиқиши. Тақдимот (ахборот).	
II ҚИСМ. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ.....	48
 Илмий тадқиқот дебочаси	49
Илмий тадқиқот: асосий категориялар ва тушунчалар. Илмий тадқиқотнинг муваффақиятли якунланиши шартлари. Тадқиқотчилик фаолиятининг процессуал тузилмаси. Магистрлик диссертацияси ишининг процессуал тузилмаси. Магистрлик диссертацияси: умумий тушунча. Магистрлик диссертацияси ишининг процессуал тузилмаси Магистр илмий ишининг натижалари, кўрсаткичлари ва уни баҳолаш мезонлари.	
 Магистрлик диссертацияси мавзунинг танланиши ва ифодаланиши.....	57
Илмий тадқиқот мавзуини танлаш учун асослар. Мавзунинг танланишини белгиловчи омиллар. Мавзуни танлаш усуллари ва воситалари. Мавзунинг ифодаланишини белгиловчи тамойиллар ва талаблар. Магистрлик диссертацияси номини ифодалашнинг процессуал тузилиши.	
 Тадқиқотнинг долзарблиги, янгилиги ва амалий аҳамиятини белгилаш ва асослаш	68
Тадқиқот долзарблигини белгилаш ва асослаш. Тадқиқот янгилигини белгилаш ва асослаш. Тадқиқотнинг амалий аҳамиятини белгилаш ва асослаш.	
Муаммонинг изланиши ва ифодаланиши.....	76

«Илмий тадқиқот муаммоси» тушунчаси мазмуни. Илмий адабиётлар таҳлили – муаммонинг қўйилишини асослаш. Тадқиқот муаммосини ифодалашнинг процессуал тузилмаси.

Фаразнинг илгари сурилиши ва ифодаланиши	82
«Фараз» тушунчаси мазмуни. Фаразлар турлари. Фаразларни илгари суриш қоидалари. Фаразни қуришнинг процессуал тузилмаси.	
Тадқиқот мақсадининг белгиланиши ва вазифаларининг қўйилиши. тадқиқот услубларининг танланиши.....	87
«Тадқиқот мақсади» тушунчасининг мазмуни. «Тадқиқот вазифалари» тушунчасининг мазмуни. Диссертация тадқиқоти вазифалари қўйилишининг процессуал тузилмаси. Тадқиқот мақсадлари ва типи, янгилик элементлари асосидаги вазифалар доираси. Муаммони ҳал этиш вазифаларининг қўйилиши. Илмий тадқиқот услублари.	
Илмий - тадқиқотчилик ишининг режалаштирилиши.....	98
«Илмий иш режаси» тушунчаси мазмуни. Фаолиятни режалаштиришнинг процессуал тузилмаси. Магистрлик диссертацияси режасини тузиш. Магистрлик диссертацияси режасининг тузилиши ва мазмуний кўрсаткичлари. Режага талаблар. Режалаштириш турлари Илмий тадқиқот (магистрлик иши)нинг намунавий тақвимий режаси.	
ІІІ ҚИСМ. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ.....	105
Диссертация ишининг тузилиши ва асосий мазмуни.....	106
Диссертация ишининг тузилиши. Титул вараги ва мундарижа. Кириш Асосий қисм. Хулоса. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати. Иловалар.	
Ишни расмийлаштиришга доир асосий талаблар	115
Диссертацияни ёзиш ва расмийлаштиришнинг асосий қоидалари. Боблар ва сарлавҳалар номларини расмийлаштириш. Титул варагини расмийлаштириш. Матндан қайдлар, кўчирмалар ва ўзлаштирилган парчаларни расмийлаштириш. Иловаларни расмийлаштириш. Фойдаланилган манбаларни баён қилиш қоидалари.	
Диссертация ҳимояси.....	124
Магистрлик диссертациясини ҳимояга тайёрлаш тартиби. Магистрлик диссертациясига тақриз ва баҳоларга талаблар. Магистрлик диссертациясининг оммавий ҳимоясини ўтказиш тартиб-қоидалари.	
ГЛОССАРИЙ.....	131

КИРИШ

Магистратура магистрларни, яъни илмий-тадқиқотчилик ва илмий-педагогик фаолиятга тайёрланган мутахассисларни тайёрлаш шаклидир. Ҳозирги олий таълим тизимида магистр даражаси мавқеи жиҳатидан бакалавр даражасидан кейин ва фан номзоди даражасидан олдинги ўринда туради. Бу даража илмий эмас, балки академик даража ҳисобланади, чунки у аввало олий мактаб битирувчининг таълимий даражасини акс эттиради ва унда бошловчи илмий ходимга хос бўлган қобилият ва малакалар борлигидан далолат беради.

Магистр учун илмий тадқиқот малакалари диссертация тадқиқотини юритиш ва муайян лавозимларда юқори малакали ишларни бажариш учун зарур, деб фараз қилинади.

Магистратуранинг бош мақсади – бу олий ўқув юртларининг илмий-тадқиқотчилик фаолиятини юритишга (аспирантура, адъюнктурага ўқишига кириш ёки талабгор сифатида диссертация тадқиқотини бажаришга) қобилиятили битирувчиларини тайёрлашдир.

Иқтисодиёт магистри – бу кенг билимли мутахассис бўлиб, у:

- илмий ижод методологияси ва услубиётини, замонавий ахборот технологияларини эгаллаган;
- турли хил иқтисодий ахборотларни таҳлил этиш ва синтез қилиш малакасига эга;
- илмий-тадқиқотчилик фаолиятини юритишга қодир;
- лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқаришни яхши биладиган;
- педагогик фаолият олиб боришга тайёр бўлади.

Магистрлар қўйидаги қобилиятларга эга бўлади:

- тадқиқот вазифаларини ифодалаш;
- тадқиқот режасини тузиш;
- ахборот технологияларини жалб қилган ҳолда библиографик ишларни бажариш;
- зарур тадқиқот услубларини танлаш, аниқ тадқиқот вазифаларига асосланиб, мавжуд услубларни ўзгартириш ва янги услубларни ишлаб чиқиш;
- олинган натижаларни ишлаш, уларни адабиётлардаги мавжуд маълумотларни ҳисобга олиб таҳлил қилиш ва мушоҳада юритиш;
- бажарилган ишлар якунларини таҳрир қила олиш ва матбуотнинг замонавий воситаларини қўллаб, талабларга мувофиқ расмийлаштирилган ҳисботлар, рефератлар, мақолалар, маъruzалар тезислари шаклида тақдим эта олиш.

Ихтисослаштирилган тайёргарлик дастурининг илмий-тадқиқотчилик қисми юзасидан магистранинг билимларига қўйиладиган талаблар:

- тадқиқот режасини аниқ ифодалай билиш, тадқиқот муаммоси, фараз ва вазифаларини белгилаш;
- ахборот технологияларини жалб қилган ҳолда библиографик ишларни бажариш;
- замонавий ахборот технологиялари ва илмий тадқиқотларнинг автоматлаштирилган воситаларини жалб қилган ҳолда зарур тадқиқот услугларини танлаш;
- бажарилган ишлар якунларини таҳрир қилиш ва матбуотнинг замонавий воситаларини қўллаб, талабларга мувофиқ расмийлаштирилган ҳисоботлар, рефератлар, мақолалар, маъруза тезислари шаклида тақдим этиш.

Магистрлик диссертациясини ёзиш ва ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот ишининг пировард натижаси ҳисобланади.

Китоб З қисмдан иборат.

1 – қисмда илмий ахборот билан ишлаш усуллари ва воситалари: мутолаа қилиш, ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш ҳақида гап боради. 2-қисмда – илмий тадқиқот методологияси берилган. 3 – қисмда магистрлик диссертациясини расмийлаштириш ва ҳимоя қилиш қоидалари баён қилинган.

Глоссарийда илмий-тадқиқотчилик фаолияти билан боғлиқ асосий категориялар ва тушунчалар тақдим этилган.

Ҳар бир боб материалнинг аниқ бир қисмини ўзлаштиришга муайян якун ясадиган ўқув ахборотларини ва мустақил ишлаш учун топшириқларни ўз ичига олади.

Матнда қуидаги шартли белгилар қўлланилган:



- бобнинг мақсади



- асосий тоифалар ва тушунчалар



- мисоллар, қоидалар, талаблар.



- амалий маслаҳатлар ва тавсияномалар



- мушоҳада юритиш учун саволлар



- мустақил ишлаш учун топшириқлар.

Муаллифлар ўзларининг талаба ёшлар билан ишлашда орттирган тажрибалари магистрантлар учун керакли ва муҳим бўлган ушбу ўқув қўлланмасини ёзишга ёрдам берди ва бу қўлланма сизнинг фан ва илмий тадқиқотларнинг мураккаб сўқмоқларидан муваффақиятли тарзда илгари боришингизга кўмаклашади, деб умид қилишади.

Муаллифлар

I ҚИСМ.

Илмий ахборот билан ишлаш: мутолаа қилиш, ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш

- 1.1 Илмий адабиётларни мутолаа қилиш**
- 1.2 Ахборотларни ёзма шаклда етказиш**
- 1.3 Ахборотларни оғзаки шаклда етказиш**

ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАРНИ МУТОЛАА ҚИЛИШ

1.1



- ❖ Мутолаа турлари ва қоидалари
- ❖ Ахборотларни маркировкалаш
- ❖ Китоб, илмий журнал, илмий мақолалар, тезислар тўплами билан ишлашнинг процессуал тизими.
- ❖ Китобнинг таркибий тузилиши

ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАРНИ МУТОЛАА ҚИЛИШ

✓ *Бу бобда Сиз мустақил билим олиши, илмий дунёқарашиңгизни кенгайтириши ниятида матндан таълим мавзуи, ўзингизни қизиқтирадиган илмий қизиқшилар ва тадқиқотлар мавзулари бўйича зарур ахборотларни олиши мақсадида илмий адабиётлар – журналлар, илмий асарлар ва мақолалар тўпламлари, китобларни мутолаа қилиши йўллари ва улар билан ишланиш кераклигини билиб оласиз.*

МУТОЛАА ТУРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

Мутолаа – бу нутқий фаолиятнинг мураккаб тури бўлиб, соф техник жиҳати – мутолаа қилиши ва тез ўқиши малакаларини орттириши ва ижодий жиҳати – матндан зарур ахборотларни олишдан иборат.

Мутолаа турлари

Мазмунга кириб бориш даражасига кўра мутолаа қуйидаги турларга бўлинади:

- **кўз югуртириб чиқиш** – умумий таассурот олиш учун;
- **матн билан танишиб чиқиш** – умумий мазмунни билиб олиш учун;
- **ўрганувчи мутолаа** – мавжуд маънонинг энг кўп ҳажмини ўзлаштириш учун.

Матн билан танишиб чиқиш ва ўрганишдан олдин одатда китобга **кўз югуртириб чиқилади**. Китобнинг мазмуни, боблар ёки параграфлар номлари, асар муаллифи билан танишиб олиш учун шундай қилинади.



Кўз югуртириб чиқшида одатда китобнинг титул вараги, мундарижаси, аннотация, матннаги айрим парчалар ва гаплар билан танишиб олинади. Ана шу ахборотнинг ўзи ушибу манбанинг қанчалик зарур бўлишини белгилашга ёрдам беради.

Матн билан танишиб (танланган жойларни ўқиш) бир неча манбалардан айрим масалаларни ажратиб олиш, шунингдек мазкур масала бўйича ўзининг нуқтаи назарини ҳосил қилиш мақсадида олинган ахборотларни қиёслаш ва солиштириш учун қўлланилади.

Ўрганиш учун мутолаа – мутолаанинг фаол тури. Ўқувчи томонидан асарни диққат билан, айрим жойлари устида бироз тўхталиб ва ахборотларни мушоҳададан ўтказиб ўқиш ҳолларида бундай тур ишлатилади.

Ўрганиш учун мутолаа матндағы асосий мазмунни, унинг мақсадини ўзлаштириш, далиллар мантиқини англаб олиш, олдингизга қўйган саволларга жавоб топишга қаратилган.

Мутолааининг бу тури материални ўрганишда уни параграфлар, боблар, қисмлар бўйича изчил ўқиб чиқиши талаб қиласди, матн ҳақида ўз фикрингизни ҳосил қилишга ундейди, ахборотларни танқидий нуқтаи назардан идрок этиш малакасини шакллантиради.



Илмий адабиётларни мутолаа қилиш қоидалари

1. Мутолаа ғоят жиддий ва сермулоҳазали бўлиши керак.
2. Илмий адабиётларни мутолаа қилишда:
 - ўқиб чиқилган матнни таҳлил этиши керак;
 - нотаниши атамалар ва тушунчалар маъносини билиб олиш лозим,
 - ўзингизга аҳамиятли бўлган саволларга жавоб излаш зарур;
 - ахборотларни маркировкалаш – белгилар қўйши керак.
3. Сизнинг илмий ишингизда аскотадиган жойларини: қизиқарли фикрлар, фактлар, рақамлар, ҳар хил нуқтаи назарларни қўчириб олиш лозим.
4. Ўқиб чиққандан кейин олинган ахборотларни уларга танқидий нуқтаи назардан, шунингдек сизнинг тадқиқотингиз учун аҳамиятини ҳисобга олиб ёндашган ҳолда баҳолаш.

АХБОРОТЛАРНИ МАРКИРОВКАЛАШ УСУЛЛАРИ

Керакли
ахборотларни
излаш ва ажратиш
усуллари

- Белгилар қўйилган хатчўплар
- Қалам билан тагига чизиш
- Алоҳида белгили тизим

Ахборотларни маркировкалашнинг алоҳида белгили тизимиға мисоллар

- ? -шубҳаланиш, савол бериш;
- !!! -муҳим, эътибор бериш;
- NB!** - яхши, қайд қилиш;
- кўчириб олиш ва ҳоказо.

- ✓ – билганимни тасдиқлайди,
- + – янги ахборот,
- (-) – билганимнинг акси,
- ? – мени ўйлантириб қўйди. Менга бу борада кўшимча ахборот керак.




Сиз китобдаги ахборотни белгилаб қўйишнинг қандай усулини ишлатасиз? Сизнинг алоҳида белгили тизимингиз борми?

МИ


Агар Сиз ахборотларни маркировкалашнинг алоҳида белгили тизимини ишлаб чиқишга улгурмаган бўлсангиз, унда бу ҳақда ўйлаб кўринг ва бир неча ўзингизга маъқул усулларни таклиф қилинг

КИТОБ, ИЛМИЙ ЖУРНАЛ, ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР, ТЕЗИСЛАР ТҮПЛАМИ БИЛАН ИШЛАШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТИЗИМИ



КИТОБНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

Китоб билан ишлаш маҳорати қўп жиҳатдан китобнинг тузилмавий элементларининг ролини билиш ва тушунишга, китобни ўқиб чиқишидан олдин ундан зарур ахборотни ола билишга боғлиқдир.



Сарлавҳа: илмий адабиётда мавзуни билдиради.

Аннотация: титул варағининг орқасида жойлашади; мазмуннинг қисқача тавсифи ва кимга мўлжалланишини англатади.

Мундарижа: мавзу баёнининг режаси, китобнинг кўрсаткичи.

Сўзбоши: муаллиф қўйган вазифалар баёни; нашр ёки қайта нашрнинг заруратини асослайди.

Сўнгсўз (хотима): яқун, қисқача хулосалар.

Билдиригичли тузилма: тушунтирилиши лозим бўлган тушунчалар, атамалар, фактлар ва шу кабиларга изоҳлар.

МИ

1. Битта илмий ишни – китобни танланг, унинг таркибий тузилишини ўрганинг. Китобнинг мазмуни ва тузилиши ҳақида ўз фикрингизни айтинг.
2. Тўплам ёки журнални танланг. Уни таҳлил қилинг. Таҳлилда қўйидаги жиҳатларни акс эттиринг:
 - 1) тўплам, журналнинг номи; ихтисослиги, йўналиши;
 - 2) нашриёт;
 - 3) нашрлар сони, ушбу нашрнинг бошқа шунга ўхшаш нашрлар орасидаги ўрни;
 - 4) рукнлари, тўлимлари, мавзулари;
 - 5) эълон қилинган материалларнинг ўзига хос хусусиятлари;
 - 6) энг қизиқарли ишлар, улардаги муаммолар;
 - 7) таҳлил этилган нашрнинг баҳоси.

АХБОРОТЛАРНИНГ ЁЗМА ШАКЛДА ЕТКАЗИЛИШИ



1.2

- ❖ Илмий матнларнинг функциялари ва турлари
- ❖ Режа
- ❖ Тезислар
- ❖ Конспект
- ❖ Реферат
- ❖ Аннотация
- ❖ Мақола
- ❖ Эссе
- ❖ Илмий услубдаги матнларни ёзиш бўйича тавсиялар

АХБОРОТЛАРНИНГ ЁЗМА ШАКЛДА ЕТКАЗИЛИШИ



Бу боб ахборотларни ёзма шаклда етказишнинг ўзига хос хусусиятлари ва қоидаларига бағишиланган. Сиз илмий матнларнинг режса, тезислар, конспект, реферат, аннотация, мақола, эссе каби турлари билан танишасиз.

ИЛМИЙ МАТНЛАРНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ ВА ТУРЛАРИ



РЕЖА

Режа – энг қисқа ёзув:

- фикр баёнининг изчилигини акс эттиради ва умумлаштиради;
- матннинг мазмунини очиб беради;
- манбанинг мазмунини хотирада қайта тиклайди;
- конспект ва тезислар ўрнини босади;
- ҳар хил ёзувларни (маъруза, ахборот, ҳисобот) тузишга ёрдам беради;
- бажарилган ёзувни яхшилайди;
- ўзини ўзи назорат қилишни тезлаштиради;
- эътиборни жамлайди;
- яхши таниш бўлган матнни хотирада жонлантириш учун ишлатилади.



Бироқ: фактик мазмунни бермайди, балки факат уни ва мазмунни берии схемасини кўрсатади.


Режани тузиш тамойиллари

Тайёр илмий матннинг режаси учун

- 1) матннинг мазмуний бўлакларга бўлинишини белгилаш;
- 2) бўлинган ҳар бир мазмуний бўлакнинг асосий фикрини белгилаш;
- 3) режанинг бандини матннинг бошқа қисмлари билан мантикий яхлит қилиб боғлайдиган муҳим жиҳатини фарқлайдиган бандини ифодалаш.

Яратилаётган илмий матннинг режаси учун

- 1) яратилаётган матннинг тузилмасини унинг учта қисми (кириш, асосий қисм, хулоса) орқали башорат қилиш;
- 2) ҳар бир қисмнинг асосий фикрини белгилаш;
- 3) режанинг умуман мантикий бирликни ташкил этадиган муҳим масалалари доирасини белгилаш.




МИ

1. Матнни танланг ва ўқиб чиқинг.
2. Ҳар бир хатбошига асосий фикрни аниқлаштирадиган саволлар тузинг.
3. Матннинг – оддий ёки мураккаб режасини тузинг. Бу ҳолда нима учун режанинг у ёки бошқа типи танланганлигини тушунтииринг.
4. Режа бандларини тузилган саволлар билан солишириинг. Шакли ва мазмуни бўйича улар ўртасида қандай фарқ борлигини кўрсатинг.


ТЕЗИСЛАР

Идеал ҳолатда режанинг ҳар бир бандини тезисга (таъкид, қоидага) айлантириш мумкин:

- ўқиб чиқилган (ёки оғзаки баён қилинган) матнни такрорлайди, лўнда ифодалайди ва хулосалайди;
- ҳар доим далилларга эга бўлади;
- мазмун моҳиятини аниқлайди;
- материални умумлаштиришга имкон беради;
- мақола, маъруза, диссертация ва шу кабиларни танқидий таҳлил этиш учун қимматлидир.




1-схема.



2-схема.

Кириш			Асосий қисм						Хулоса		
Тезис			Кўп сонли далиллар						Хулоса		
T	D	O	T	D	O	T	D	O	T	D	O



 *Ахборот, маъруза, мақола материали 1-схемага мувофиқ уч қисмли тузилма асосида тузилади.*

- *Илмий матн жанри сифатидаги тезис 2-схема бўйича тузилади. Тезисларнинг бандлар бўйича тузилишида фикрлар қўйидаги тарзда расмийлаштирилади:*

- 1.ТД
- 2.ТД
- 3.ТД
- 4.О

Диссертация тадқиқотидаги қоида сифатидаги тезис таъкид сифатида ифодаланаади.

 МИ

Тезисни ўз ичига оладиган фикрнинг тузилиши схемасини кўриб чиқинг. Таклиф қилинган мавзулардан бири бўйича шу схемалардан бирига асосланиб, ўз фикрингизни тузинг.

Фикрни тузиш учун мавзулар:

- Банк хизматларини ривожлантириш.
- Рақобатбардошликтининг маркетинг тадқиқоти.
- Дистанцион таълим.
- Талабаларнинг тил маданияти.
- Талабаларнинг касбий тайёргарлигига жисмоний тарбия.


 МИ

Сизнинг илмий асарлар тўплами учун тезисларни тақдим этишингиз керак. Сиз схемалардан қайси бирини қўллайсиз.

Нима учун?

КОНСПЕКТ

- | |
|--|
| <p>- режа, кўчирмалар ва тезисларнинг бирлаштирилишини назарда тутади;</p> <p>- баённинг ички мантиқига қурилган;</p> <p>- асосий хуросалар ва қоидалар, фактлар, далиллар, усулларни ўз ичига олади;</p> <p>- тузувчининг материалга нисбатан муносабатини акс эттиради;</p> <p>- нафақат тузувчи, шу билан бирга унинг бошқа ўқувчиси томонидан ҳам ишлатилиши мумкин.</p> |
|--|


Конспектда қўйидагиларни акс эттириш керак

- Гап нима ҳақида;
- Нима таъкидланаяпти;
- Қандай далилланаяпти



Конспектда сўзлар кўп бўлиши, ҳаддан ортиқ кўчирма олии, матннинг мантиқига путур етказиб, унинг услубий хусусиятини сақлаб қолишига уринишидан ўзингизни тийинг.



Матнни ўқиб чиққандан кейин конспект қилиш усуллари

1-вариант.

Асосий сўзлар	Моҳият, асосий фикр	Асосий фикрнинг очиб берилishi	Хуроса, саволлар, шахсий муносабат

2-вариант.

Асосий масалалар	Масалаларнинг очиб берилishi

?

Шу турдаги конспект қилиш нима беради? Сиз ўзингиз учун конспект қилишнинг қандай турини танладингиз?

МИ

Ўзингиз учун конспектнинг ҳар хил турлари: режали, матнли, эркин, тематик (тахлилий ва хронологик) турларига эҳтиёжни аниқланг.

Конспектнинг у ёки бошқа туришга зарурат нима билан изоҳланади?

||| **Реферат** – бир ёки бир неча манбаларда мавжуд бўлган гояларнинг қисқача ёзуви, у ҳар хил нуқтаи назарларни қиёслаш ва таҳлил қилиш маҳоратини тақозо этади.

РЕФЕРАТ

Реферат – асосий матн ёки бир неча манбаларни талқин қилиш шаклларидан бири. Шунинг учун *реферат*, *конспектдан фарқли равишда*, *янги*, *муаллифнинг матни ҳисобланади*. Бундай ҳолдаги янгилик янгича баённи, материалнинг бир тизимга солиниши, ҳар хил нуқтаи назарларни қиёслашда муаллифнинг алоҳида позициясини назарда тутади.

||| **Рефератлаш** қандайдир масаланинг бир ёки бир неча манбаларнинг таснифланиши, умумлаштирилиши, таҳлили ва синтези асосида баён қилинишини назарда тутади.



Рефератнинг ўзига хослиги:

- кенг миқёсли далиллар, қиёслашлар, мушоҳадалар, баҳоларга эга бўлмайди,
- матнда қандай янги, муҳим жиҳат бор, деган саволга жавоб беради.

Рефератлар турлари



Реферат диққат-эътиборни янги маълумотларга қаратади ва бошлиғидан матнга мурожсаат этишининг мақсадга мувофиқлигини белгилайди!

Ўқув фани бўйича рефератларнинг тайёрланиши ўқища
қуидаги натижаларга эришишни назарда тутади:

- Ўқув фанининг долзарб назарий масалалари бўйича билимларнинг чукурлашуви, ушбу билимларнинг Сиз танлаган мавзуга ижодий қўлланилиши.
- Танланган касбий соҳадаги хорижий тажрибанинг ўзлаштирилиши, ундан мамлакат шароитида, Сизнинг келгусидаги касбий фаолиятингизда амалда қўлланиш имкониятлари ва муаммоларининг ўрганилиши.
- Танланган мавзу бўйича турли адабий манбаларни (монографиялар, даврий матбуотдаги мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш маҳоратини такомиллаштириш ва уларни танқидий таҳлил этиш асосида материални мустақил ва саводли баён қилиш, далилланган хуносалар чиқариш ва таклифлар бериш.
- Ёзма ишни тўғри расмийлаштириш малакаларини ривожлантириш.



Реферат материалнинг шунчаки бир оддий тақрорланиши, бир ёки бир неча манбалардаги материални ўзлаштириб олишдан иборат бўлиб қолмаслиги, яъни кўчирмачилик ва компиляция маҳсулни бўлмаслиги керак. Унда референт танлаган мавзуга оид ва ишлаб чиқилган адабиётларда мавжуд бўлган жамики материал таҳлил қилиб чиқилиши лозим.

Реферат устида ишлаш бўйича йўриқнома

1. Мавзунинг танланиши

Кафедра таклиф қиласиган рефератлар мавзулари намунавий бўлади. Сизнинг ўзингизнинг қизиқишлигиниз ва майлларингизга мос келадиган мавзуни танлашга мустақил ёндашишингиз мақсадга мувофиқ. Сиз ўз қизиқишлигиниз доираси асосида танланган муаммога амал қилиб ва уни асослаш билан кафедра тавсия қилган мавзулар рўйхатига кирмаган реферат мавзунини таклиф қилишиниз ҳам мумкин. Бундай вазиятда таклиф қилаётган реферат мавзунингизни илмий раҳбарингиз билан албатта келишиб олишингиз керак бўлади.

2. Тайёргарлик ишлари: Асосий манбаларни ўрганиш

Сиз реферат мавзунин танлагач,

1) танланган мавзуга тегишли масалалар доираси билан танишиб чиқинг:

- лекция материалларини кўздан кечиринг,
- фан бўйича ўкув дастурига қўра тегишли мавзу учун тавсия этилган адабиётларни яна бир бор таҳлил қилинг.

Бу Сизнинг мавзунинг моҳияти, унинг ўрганиладиган курсдаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида аниқ тасаввур олишингизга имкон беради.

2) ТДИУнинг ахборот-кутубхона мажмууда, шунингдек Тошкент шаҳар кутубхоналарида мавжуд бўлган каталоглардан фойдаланиб, реферат мавзуи бўйича адабиётлар манбалари доирасини кенгайтиринг.

Ўкув ва монографияли адабиётлар билан бир қаторда даврий нашрларда, шу жумладан: «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», «Экономический вестник Узбекистана», «Маркетинг», «Лизинг ревю», «Бозор, пул ва кредит», «Компания», «Эксперт», «Секрет фирмы», «Деньги», «Искусство управления», «Проблемы теории и практики управления», «Экономист», «Вопросы экономики» каби ва бошқа журналларда эълон қилинган мақолалардан ҳам фойдаланиш зарур.

 *Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг тадқиқот мавзуига тегишили соҳадаги қонунчилик ҳужжатлари ва қарорларини билиш ҳам реферат сифатини оширишига ёрдам беради.*

Ишнинг дастлабки босқичи якуни библиографиядан иборат бўлади.

3. Зарур материалнинг конспект қилиниши

Конспект қилиш конспектлашнинг бир тури: режали, матнли, тематик, хронологик, таҳлилий ёки эркин турига мувофиқ амалга оширилади.

4. Муаммони тадқиқ қилиш мантиқини ишлаб чиқиш, реферат режасини тузиш

Реферат режаси қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- кириш,
- асосий қисм,
- хуолоса,
- фойдаланилган адабиётлар рўйхати,
- иловалар (рефератнинг шарт бўлмаган қисми).



Рефератнинг режаси танланган мавзуда кўрилиши лозим бўлган масалалар доираси ва рефератнинг асосий мазмунини белгилайди. У референтнинг мавзу материалида умумий йўналиши олишига имкон беради, унинг тўғри танланиши ва баён қилиши мантиқини таъминлайди.

Ҳар бир банди қатъий танланган материал билан таъминланган пухта ўйланган режа рефератнинг муваффақиятли ёзилишининг ғоят муҳим шартидир.



Рефератнинг асосий қисми ўзининг лўнда ва аниқ номига эга масалаларга ва кичик масалаларга (бандларга) бўлининиши зарур.

5. Тўпланган материалнинг бир тизимга солиниши ва рефератнинг ёзилиши

Киришда танланган мавзунинг назарий ва амалий жиҳатлардан долзарблиги асосланади, реферат қилиш мақсади ва вазифалари ифодаланади.

Агар реферат монографик бўлса (бир манба ёки муаллиф реферат қилинаётган бўлса), унда киришда қуидагилар кўрсатилади:


- 1) муаллиф ҳақидаги қисқача маълумотлар (илмий даражаси, унинг ихтисослиги, бошқа ишлари);
- 2) манба мавзуининг қисқача баёни;
- 3) ишнинг мақсади;
- 4) ишнинг руқнлари;
- 5) муаллифнинг устувор йўналиши ва бошқалар.

Асосий қисмда барча муҳим қоидалар акс эттирилиши керак.

Реферат асосий қисмининг матни тўпланган материалнинг тегишлича тақсимланиши билан масалаларга ва кичик масалаларга (бандларга) бўлининиши зарур.



Ҳар қандай масала, кичик масала (банд)нинг ажратилиши, умуман рефератнинг тузилмага солиниши қуидагича алгоритм бўйича бажарилиши лозим:



Баён қилиш шакли – референтнинг танлаши бўйича: конспектли, парчали, таҳлилий бўлади.



Реферат матнидаги клишеланган иборалар ва сўз бирималари

«Иида Тизим кўриб чиқилади...»

(Муаллифнинг Ф.И.Ои.) «.....» асарида ... берилган.

«Кириша кўрсатилишича, ...»

«Муаллифнинг ҳисоблашича, ...»

Муаллиф шунга асосланади,

Шу билан бирга у ... шундай деб ҳисоблайди.

«1-бобда ... масаласи ёритилади»

«2-бобда ... тадқиқ қилинади»

« ... ҳақида гапирганда, муаллиф ... деб таъкидлайди»

«Иида, шунингдек ... га эътибор қаратилади»

«Шундай қилиб, муаллиф... деган холосага келади»

« 3-бобда... тадқиқ қилинади, ... кўриб чиқилади»

«... зарурлиги белгиланади»

«Холосада муаллиф: «...» деб ёзади.

Материал қуруқ баён қилиб берилмаслиги керак. Тегишли холосаларга, шу жумладан матн билан чамбарчас боғланадиган статистик материалга эга таҳлил зарур.

Кенг ҳажмдаги статистик маълумотларни жадвалларга йиғиш мақсадга мувофиқ. Статистик маълумотлар асосида у ёки бошқа ижтимоий-иктисодий ҳодисалар ва жараёнларни анча яққол тасаввур этиш ва ривожланиш динамикасида акс эттиришга имкон берадиган диаграммалар, графикларни қуриш мумкин.

Рефератда келтириладиган барча жадваллар, *диаграммалар, графиклар, схемалар* сарлавҳаланиши ва рақамланиши керак. Статистик маълумотлар олинган манбаларнинг сарлавҳалари кўрсатилгани ҳолда қайд қилиниши лозим.

Матнда бериладиган барча *ракамли материалнинг тегишли манбалари кўрсатилиши керак*.

Шунингдек, бошқа муаллифлар асарларидан олинган матндан кўчирмалар, фикрлар, қоидалар, холосалар сўзма-сўз кўчириб олинганида ҳам албатта сатр остида қайдлар берилиши зарур.



Мунозарали масалалар бўйича ҳар хил нуқтаи назарларнинг таҳлили, қўшиладиган ёки ўзининг позициясининг далилланиши ҳам рефератнинг афзаллиги ҳисобланади.

Рефератнинг холосаси референт танланган мавзуни ўрганиш натижасида килган аниқ ифодаланган холосаларни, шунингдек ҳал

этилмай қолган ва кейинчалик ишлаб чиқишини талаб қиласидиган масалаларни ўз ичига олади.

6. Адабиётлар рўйхатининг расмийлаштирилишини текшириш

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати қатъий белгиланган тартибда тузилади:

1. ЎзР қонунлари.
2. ЎзР Президенти фармонлари.
3. ЎзР Ҳукумати қарорлари.
4. Меъёрий ҳужжатлар, йўриқномалар.
5. Китоблар, даврий нашрларда эълон қилинган мақолалар.
6. Интернетдан олинган ахборот манбалари.

Манбаларнинг библиографик баёнида қўйидагилар кўрсатилади: муаллифнинг фамилияси ва исми-шарифи, китоб номи, нашр қилинган жойи, нашриёт номи ва нашр йили. Агар мақола журналда (газетада) босилган бўлса, унда журнал (газета) номи, чиқсан йили, журнал (газета) саҳифаси рақами.

7. Матннинг таҳрирли тузатилиши. Матннинг саводхонлик ва услубиёт жиҳатидан текширилиши

Реферат саводли тарзда ёзилиши ва тоза кўринишда бўлиши керак. Умумий қабул қилинган сўзлардан бошқа сўзларнинг қисқартирилишига, шунингдек хатолар, ноаниқликлар, услубий нуқсонларга йўл қўйилмайди. Реферат илмий раҳбарга тақдим этиладиган вақтга келиб ҳамма жиҳатдан маромига етказиб ишлаб чиқилган бўлиши лозим.

8. Рефератнинг расмийлаштирилиши

Илмий раҳбарга тақдим этиладиган реферат компьютерда 12-шрифт билан, 1,5 интервал орқали стандарт А 4 форматли қоғозда, чап томонидан 2,5 см, ўнг томонидан 1,5 см, юқориси ва пастидан камида 2 см лик ҳошиялар билан терилиши керак.

Матн саҳифалари албатта рақамланиши лозим. Ишнинг рақамланиши узлуксиз бўлади ва 3-саҳифадан бошланади (биринчи ва иккинчи саҳифалар - бу титул вараги ва иш режаси бўлиб, улар

рақамланмайди). Сахифа рақами юқорида ўртага ёки ўнг томонга кўйилади.

Реферат ҳажми 16-20 сахифадан ошмаслиги керак.

Рефератнинг тузилиши:

- 1) титул вараги;
- 2) ҳар бир масала, кичик масала (банд) сахифалари кўрсатилган иш режаси;
- 3) кириш;
- 4) материалнинг масалалар ва кичик масалалар (бандлар)га бўлинган матнли баёни, муаллиф фойдаланган манбаларга зарурий қайдлар ҳам кўрсатилади;
- 5) хулоса;
- 6) фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
- 7) жадваллар, диаграммалар, графиклар, расмлар, схемалардан иборат иловалар.



Иловалар улар мазмунини кўрсатадиган сарлавҳаларга мувофиқ тарзда изчиллик билан тикиб қўйилади.

Реферат илмий раҳбар томонидан рефератни баҳолаш бўйича кафедра белгилаган кўрсаткичлар ва мезонлар асосида баҳоланади.

Рефератнинг баҳоланиши
(Баҳолашнинг намунавий кўрсаткичлари ва мезонлари)

Баҳолаш кўрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари
1. Реферат қилинган матннинг янгилиги Макс.- 20 балл	- муаммо ва мавзунинг долзарбилиги; - муаммонинг қўйилиши, таҳлил учун танланган муаммонинг янги жиҳатини ифодалашдаги янгилик ва мустақиллик; - муаллиф позициясининг мавжудлиги, фикрларнинг мустақиллиги.
2. Муаммо моҳиятини очиб бериш даражаси Макс.- 30 балл	- режанинг реферат мавзуига мувофиқлиги; - мазмуннинг реферат мавзуи ва режасига мослиги; - муаммонинг асосий тушунчаларини очиб беришнинг тўлиқлиги ва чуқурлиги; - материал билан ишлаш усуслари ва услубларининг асосланганлиги; - адабиётлар билан ишлаш, материални бир тизимга солиш ва таркиблаштириш маҳорати; - кўриб чиқилаётган масала бўйича ҳар хил нуқтаи назарларни умумлаштириш, қиёслаш, асосий қоидалар ва хуносаларни далиллаш маҳорати.
3. Манбаларни танлашнинг асослилиги Макс.- 20 балл	- муаммога доир адабий манбалардан фойдаланиш доираси, тўлиқлиги; - муаммо бўйича энг янги асарлардан фойдаланиш (журнал мақолалари, илмий асарлар тўпламлари материаллари ва ҳоказо).
4. Расмийлаштириш талабларига риоя қилиниши Макс. - 15 балл	- фойдаланилган адабиётларга қайдларнинг тўғри расмийлаштирилиши; - баённинг саводлилиги ва маданияти; - муаммо атамалари ва тушунчалар аппаратини эгаллаганлик; - реферат ҳажмига талабларга риоя қилиниши; - расмийлаштириш маданияти: хатбошиларнинг ажратилиши.
5. Саводлилик Макс.- 15 балл	- орфографик ва синтактик хатолар, услубий нуқсонларнинг йўқлиги; - хатолар, умумий қабул қилинган сўзлардан ташқари сўзларни қисқартиришларнинг йўқлиги; - адабий услуби.

Натижада реферат қўйидаги тарзда билимларни баҳолашнинг 100 баллик ва 5 баллик тизимида баҳоланади:

- 86 – 100 балл – «каъло»;
- 70 – 75 балл – «яхши»;

- 51 – 69 балл – «қониқарли”;
- 51 баллдан кам – «қониқарсиз».

Баллар дастурий материални билишни жорий баҳолаш жараёнида ҳисобга олинади.

МИ

1. Ўқитувчи билан маслаҳатлашинг ва реферат мавзуини танланг.

2. Танланган мавзу бўйича библиографияни тузинг.

3. Танлаб олинган адабиётлар билан ишланг. Улар бўйича режа ёки конспект шаклида ёзувлар тузинг – ишчи ёзувларининг ўзингизга энг маъқул вариантини танланг.

4. Танланган материаллардан фойдаланиб, ҳамма талабларни ҳисобга олиб реферат ёзинг.

АННОТАЦИЯ

Аннотация - қандайдир нашр ҳақидаги қисқа ахборот; ҳужжат, унинг бир қисми ёки ҳужжатлар гуруҳининг мақсади, мазмuni, шакли ва бошқа ўзига хос хусусиятлари нуқтаи назаридан тавсифномаси.

Аннотация бошланғич ҳужжатда сўз борадиган саволга жавоб беради.

Аннотация турлари

Мазмuni ва мақсадли вазифаси бўйича



- **билдиргичли** (матннинг танқидий баҳосиз тавсифномасини беради)
 - **тавсияли** (матннинг истеъмолчиларнинг муайян аудиторияси учун яроқлилиги жиҳатидан тавсифини ва баҳосини беради)

Мазмунни тўлиқ қамраб олиши бўйича



- **умумий** (кенг аудиторияни ҳисобга олиб умуман матннинг тавсифини беради)
 - **ихтисослашган** (матннинг тор доирадаги мутахассисларни ҳисобга олиб муайян жиҳатлардаги тавсифини беради)
 - **гурухли** (мавзуи бўйича яқин бир неча матнлар тавсифини беради)

МИ

1. Қуидаги аннотациялар қандай турда бўлиши кераклигини белгиланг:
 - диплом ишиники;
 - диссертацияники;
 - китобники.
2. Аннотацияларга мисоллар келтиринг.

Аннотация – Ниманики? Нимага?

Аннотация тузилмаси

1. Библиографик баён

Ф.И.Ои. Асар
номи.- Нашриёт
– йил - № - бет.

2. Аннотация матни

Матн типи ва вазифаси ҳақидаги маълумотлар; муаллиф қўйган вазифалар; услублар; аннотация қилинаётган асар тузилмаси баёни; предмети ва мавзуи, матннинг асосий қоидалари.



Аннотация матни стандартлаштирилмаган!

Аннотацияни тузишга қўйиладиган асосий талаблар

1. Композицияси мазмунан мантиқий бўлади ва дастлабки матн композициясидан фарқланиши мумкин.
2. Маълумотларнинг танланиши, уларнинг ифодаланиши ва жойлашуви аннотация тулага боғлиқ бўлади.
3. Тили лўндалиги, соддалиги, аниқлиги билан ажралиб туради.
4. Диссертация, мақолага аннотация библиографик ва рақада расмийлаштирилади, хатбошиларсиз берилади.
5. Ўртacha ҳажми - 500 босма белги, кам ҳолларда – 800 – 1000.



Аннотацияни тузишдаги асосий хато – ахборотнинг кўплиги, фикрларни ифодалашида гапларнинг узунлиги, даврларнинг ишлатилиши!

Ортиқча нарсалар: кириши сўзлари ва гаплари, мураккаб гаплардан қочинг!

МИ

“Клишелаштирилган” иборалардан фойдаланиб, бир қатор мақолаларга аннотациялар тузинг:



Аннотация матнидаги клишелаштирилган иборалар ва сўз бирималари:

Мақолада...лар кўриб чиқилган.

...кўрсатилган.

...нинг тавсифномаси катта ўрин эгаллайди.

...кенг материал келтирилган.

Тадқиқот ...каби муҳим муаммоларни кўриб чиқиши орқали юритилади.

... нинг моҳиятини очишида

Муаллиф ...нинг илмий таърифини биринчи марта беради ва ҳоказо.

ИЛМИЙ НАШРГА МАҚОЛА

||| **Мақола** – бу мустақил *илмий тадқиқот* бўлиб, у долзарб илмий муаммо бўйича ўз фикрларини баён қилишдир.



Мақола ёзишига киришишидан олдин қўйидаги саволларга жавоб беринг:

- материалдан қандай хуроса чиқарииш керак?

- иши мазмуни нимадан иборат бўлади?

- мақола нима учун ёзилади?


Агар Сиз ўз мақолангиз якунини «кўриб турган бўлсангиз», унда иши нухта бўлиши керак.

Мақоланинг тузилиши


I. Кириш қисми



II. Асосий қисм



III. Яқунловчи қисм





Матнни расмийлаштиришидаги характерли нұқсанлар

1. *Мавзудан четга чиқиши, уни бошқаси билан алмашилаш.*
2. *Ҳаддан ортиқ ҳажсмли кириши қисми, аниқ холосалар йүқлиги.*
3. *Фикрни баён қилишидеги муайян босқичларни күрсатадиган хатбошиларни ажратта билмаслик.*
4. *Материални баён қилишининг узунлиги ва ҳаддан ортиқ күпсүзлилик.*
5. *Ҳар хил нутқий ва услугубий хатолар.*

МИ

Илмий асарлар түпламида мақола шаклида берилған материални ўқинг. Нуқсанларини топинг. Қуйидаги саволларга жавоб беріб, матнни тузатинг:

- мазмун мавзуга мувофиқми?
- мақоланинг асосий тезиси нимадан иборат ва ишнинг ҳамма қисмлари унга бўйсундирилганми?
- мақоланинг қисмлари бир-бирига нисбатан пропорционалми?
- мантиқликнинг бузилишлари йўқми?
- иш илмий услуг талабларига жавоб берадими?
- нутқий хатолар борми?
- ишнинг умумий савиялиги қандай?

ЭССЕ

Эссе ҳажми таклиф қилинган мавзудаги 1000 сўздан 5000 сўзгача бўлган асардир.

||| Эссе – бу муаллифнинг алоҳида индивидуал позициясига эга эркин шаклдаги баён бўлиб, қандайдир буюм ёки қандайдир сабаб бўйича умумий ёки олдиндан билдирилган фикр-мулоҳазалардан иборатдир.

||| Далилланган эссе бу қўйилган саволга далилланган жавоб мавжуд бўлган ёзма ишдир. Муаллиф муайян позицияга эга ва уни ҳимоя қиласи, ўз позициясини қувватлаш учун бир қатор далилларни тақдим этади. Мақсад – муаллиф ўзи қўллайдиган нуқтаи назарга бошқаларни ҳам ишонтиришни хоҳлайди.



Агар Сиз ўқувчиларни фикран тасаввур қила олсангиз ва эссени ёзиши жараёнида фикран улар билан мулоқот юрита олсангиз, унда далилланган эссени ёзиши осонлашади.

Далилланган эссеңинг тузилиши:

- Масала юзасидан муаллифнинг нисбий нуқтаи назарини билдириш (1 хатбоши).
- Айтилган позициянинг далилланиши – муаллифнинг шу позицияни қўллаш учун ишонарли далиллари бундай позицияни қабул қилишга ишонтиради.
- Холоса – резюме (1 хатбоши).



Далилланган эссени баҳолаши кўрсаткичлари ва мезонлари:

- мазмуннинг мавзуга мувофиқлиги;
- муаммони кўриш, унга муносабат, ўзининг нуқтаи назари, далилларнинг ишончлилиги;
- услуг: баённинг аниқлиги, очик-равшанлиги;
- ёзии қоидаларига риоя қилиши.

МИ

«Менинг фикримча, агар ... бўлса, мамлакатимиз иқтисодиёти гуллаб-яшайверади» мавзууда далилланган эссе ёзинг.

ИЛМИЙ УСЛУБДАГИ МАТННИ ЁЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Тайёргарлик босқичи

Бу босқичда қўйидағиларни бажариш зарур:

- ахборотларни тўплаши (ўқиши, кузатиши, сұхбатлашиши, сўровнома ўтказиши ва ҳоказо);
- Сиз ушбу мавзу бўйича айтишингиз мумкин бўлган масалага доир гояларни тўплаши ва таҳлил этиши;
- бу ҳақда қандай қилиб яхшироқ ёзии мумкинлиги ҳақида бош қотириши (кластер, концептуал схема ва бошқаларнинг қурилиши).

1-босқич
Ишининг қоралама нусхаси – вариантини тузилиши

Бу босқичда қуидагиларни бажариш зарур:

- қораламаларда ёзиш;
- фақат ўзининг ғояларига эътибор қилиш, ҳозирча шакл ва орфография, баён қилиш қоидалари ҳақида бош қотирмаслик;
- орада қатор қолдириб ёзиш: тузатиш пайтида янги матнни ёзиш учун жой қолади.

2-босқич
Тузатиш

Бу қоралама вариантни яхшилаш босқичи. У қораламага қайдлар қилиш, тузатишларни киритишдан иборат бўлади. Бунда Сиз қораламанинг тузатиш киритиш керак бўладиган жойларини белгилаш учун кўрсаткичлардан фойдаланишингиз, қўшимча варақчалар қистириш ва бошқа усуllардан фойдаланишингиз керак бўлади.

Тузатиш пайтида ўзингизга қуидаги саволларни беришингиз керак:

- Матннинг бутун мазмуни бош мавзуга тегишлими?
- Унда қўшимча ахборот талаб этиладиган жойлар йўқми?
- Асосий фикрни таъкидлаш учун қайсиdir сўзларни қўшиш/тушириб қолдириш керак эмасми?
- Фикрлар аниқ ёки юзаки баён қилинган эмасми?
- Матн мантиқан тузилганми?
- Кириш қисми аниқ ёзилганми?
- Хулоса ишонарлими, у моҳиятга мосми?
- Якуний қисм матннинг бошланиши билан боғланганми?

3-босқич
Таҳрир қилиши ёки корректурани ўқии

Ушбу якунловчи босқич матнинг қоралама ваиантини тузиш ва тузатишдан кейин бошланади. Сизнинг вазифангиз матнда орфографик, грамматик ва услубий хатолар бўлмаслигидан иборат. Бунинг учун Сиз ўзингизга қуидаги саволларни беришингиз керак:

- Ҳамма сўзлар ҳам тўғри ёзилганми? (Ёзилишига ишончингиз комил бўлмаган сўзларнинг тагига чизинг ва уларни луғатга қараб текширинг).
- Ҳамма гаплар ҳам тугалланган фикрни билдирадими?
- Чўзилиб кетган гаплар йўқми, уларни алоҳида гапларга бўлиш керак эмасми?
- Тиниш белгилари: вергуллар, тире, икки нуқта, нуқтали вергуллар тўғри қўйилганми?
- Барча хатбошиларда чекиниш қўйилганми? (Ҳар қандай янги фикр хатбошидан бошланиши керак).

МИ


1. Қуидагича илмий матнлар типларини айтинг:

- а) сиз қийналмасдан ёзадиган;
- б) сиз бироз қийналиб ёзадиган;
- в) сиз кўп қийналиб ёзадиган.

2. Сиз у ёки бошқа илмий матнларни ёзишда қандай қийинчиликларга дуч келасиз:

- а) тил бўйича (грамматик, лексик);
- б) мазмунни бериш билан боғлиқ қийинчиликлар (мантиқийлик, баённинг боғлиқлиги);
- в) матн асосий функционал типларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни ташкил этиш қоидаларини билмаслик билан боғлиқ қийинчиликлар;
- г) матнни расмийлаштириш қоидаларини билмаслик билан боғлиқ қийинчиликлар.

АХБОРОТНИНГ ОҒЗАКИ ШАКЛДА ЕТКАЗИЛИШИ



1.3

- ❖ **Маъруза билан чиқиш**
- ❖ **Тақдимот (ахборот)**

АХБОРОТНИНГ ОҒЗАКИ ШАКЛДА ЕТКАЗИЛИШИ



Бу бобда илмий ахборотни оғзаки ёки маъруза шаклида, шунингдек ўқув топширигини бажарииш натижаларини тақдим этиши - тақдимот усуллари кўриб чиқилади.

МАЪРУЗА БИЛАН ЧИҚИШ

Илмий ахборот билан сўзга чиқишига тайёргарликнинг процессуал тузилмаси



Маърузада ахборотларни тақдим этиш усулларини танлаш бўйича тавсиялар

1. Маърузани нимадан бошлиш керак?

Кўйидаги усуллар билан эътиборни қаратиш мумкин:

Нутқ мавзуи бўйича муаммоли ёки ўзига хос савол бериш билан

*Мумкини ...? Бу саволларга жавоб бершидаги муваффақиятли уринишлардан бири ...
Афсуски...*

Нутқ мавзуи бўйича қизиқарли кўчирмани айтиш билан

*Гапни мақолдан бошлайман:
Бу иборада....*

Аниқ ҳаётий мисол айтиш билан

*Шундай вазиятни тасаввур қиласайлик.....
Бундай вазиятда.....
Қандай....? Қайси...?*

Нутқ предметини аниқ ҳодиса билан образли қиёслаш билан

...билин қиёслаш мумкин....Шундай муаммони тасаввур қилиши мумкин...

Холат тарихидан бошлиш билан

*...да ...юз берган
Холбуки, ...бўлиб чиқсан.
Бундай натижани қандай изоҳлаш мумкин?*

Маъруза илмий мақолага тўла мувофиқ бўлиши ҳам мумкин. Бироқ оғзаки нутқнинг афзаллиги шундаки, бунда нутқни турли хил қилиш, уни анча жонлироқ чиқариш, илмий баён қатъийлигидан чекиниш ҳам мумкин. Маъруза муайян «экспромт»га йўл қўяди, бу билан тингловчилар эътиборини тортади ва нутқни эсда қоладиган қиласди.



Шуни эсдан чиқармангки, маъruzанинг ўзига хос бошланишидан кейин мавзу ва унинг долзарбилигини асослаш, шунингдек илмий қоида - тезис айтилиши керак!

2. Асосий баён жараёнида тингловчиларни қандай қилиб қизиктириш мумкин?

- ўзгача фактларни келтириш;
- ҳамма тингловчиларга тегишли нарса ҳақида гапириш;
- аниқ ва белгили ҳикоя қилиш;
- образли қиёслашлар, солиширишларни қўлланиш.



Келтириладиган образлар, қиёслашлар, солиширишларнинг ўринли бўлиши ва улардан фойдаланиши меъёри ҳақида эслаб туринг!

3. Нутқни қандай тугаллаш керак?

Нутқ охирида унинг мақсадига қараб:

Маъруза давомида тегиб ўтилган асосий фикрларни қисқача баён қилиш

Шундай қилиб, асосий тавсифномаларни яна бир бор тақрорлаймиз...

Маъруза мавзуи бўйича қандайдир кўчирма келтириш

Хулоса тарзида шундай иборани айтишига ижозат беринг...

Тингловчиларни кўйилган муаммо устида мушоҳада юритишга мажбур қилиш

Хуллас, ушибу назариянинг барча “плюс” ва “минус”ларини кўриб чиқиб ва таҳлил этиб, биз кўйилган муаммони ҳозир ҳал қилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги хулосага келдик.

Резюме чиқариш бу якун ясашдир. Резюме қилувчи ибора – бу нотиқнинг «ёпик» тусдаги нутқи, унинг бош ғояси.



Резюмедаги «клишелаштирилган» иборалар ва сўз бирикмалари:

- «Шундай қилиб, ...»
- «Хуллас, таъкидлаш мумкинки...»
- «Бинобарин, асосий гоя қўйидагилардан иборат ...»
- «Айтиб ўтилганларга якун ясаймиз...»

Нутқдаги типик хатолар:

- 1) Асосий фикрнинг идрок этилишини қийинлаштирадиган хорижий атамалар ва тушунчаларни суисстеъмол қилиши.
- 2) Паразит-сўзлар: «мана», «демак», «мисол учун» кабиларнинг ишлатилиши;
- 3) Овознинг жуда баландлиги: тингловчилар 8 – 10 минутдан кейин бундай нутқни тингламай қўйишиади.
- 4) Таркибидаги сўзлар 14-15 дан ошадиган мураккаб гапларни ишлатиш: бундай иборалар идрок қилинмайди, грамматик конструкция мураккаблиги сабабли маъно узоқлашади.

МИ

Гурӯҳда ўқитувчи берган мавзу бўйича 10-15 минутлик маъruzали (2-3 тадан) чиқишлиар ўтказинг.

1. Маърузалар пайтида ҳар бир нотиқни қўйидаги жадвал бўйича баҳоланг.
2. Ҳар бир маърузадан кейин жадвалнинг ҳар бир банди бўйича муҳокама ўтказинг. Маърузачиларга умумий баҳо беринг.
3. Улар учун жадвалнинг қониқарсиз баҳо қўйилган бандлари бўйича тавсиялар тайёрланг.

Маърузачиларни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Баҳолаш кўрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари		
	«ҳа» (2 балл)	«қисман» (1 балл)	«йўқ» (0 балл)
<i>Нутқ мавзуи ва мақсади:</i>			
1. Маъруза мавзуи аниқми?			
2. Мақсад аниқ ифодалаганми?			
<i>Мазмуни:</i>			
1. Қизиқарлими?			
2. Мантиқий ва аниқми?			
3. Ишонарлими?			
4. Ахборот янгими?			
<i>Нутқ ва тил:</i>			
1. Икки хил маъноли сўзлар йўқми?			
2. Гаплар қисқами?			
3. Матнда мужмал конструкциялар йўқми?			
4. Кўп сўзлийк йўқми?			
5. Нутқда уни идрок этишини қийинлаштирадиган хатолар йўқми?			
<i>Ташқи кўриниши, имо-ишоралар, ўзини тутиши:</i>			
1. Бемалол ва ишонч билан ўзини тутдими?			
2. Нутқ ҳаммага қаратилганми?			
3. Қатнашувчиларга қарайдими?			
4. Эркинсизлик бўлмадими?			
5. Имо-ишоралар ўринлими?			
Бошқа мезонлар (қўшиш мумкин)			
1.			
2.			

?

Маърузани ёзишда Сизда аввало нима қийинчилик туғдиришини белгиланг:

- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса?

Сиз бундай қийинчиликлар сабабини тушунтириб бера оласизми?

ТАҚДИМОТ (АХБОРОТ)

Тақдимот – ўқув (илмий) иш якунлари ҳақидағи оғзаки ахборот.

Тақдимотни ўтказиш шакллари

- Интерактив диалог (консалтинг фирмаси – масалан, компания вакиллари).
- Гурухнинг барча иштирокчилари сўзга чиқадилар.
- Гурух етакчиси сўзга чиқади.



Муваффақиятли тақдимот сирлари

- Ҳамиша сўзлаётган гапингизга ишончингиз комил бўлсин.
- Аниқ, лўнда қилиб гапиринг.
- Фикрни тугалланган иборалар билан баён қилинг, муҳим жойларини таъкидлаб гапиринг.
- Бир хилда ва секин гапирманг, лекин жуда баланд ҳам сўзламанг.
- Хушмуомала ва эътиборли бўлинг, агресив бўлманг, вазминлик намоён қилинг.
- Ҳамиша гапни табассум билан бошлаб, табассум билан тугатинг, лекин ҳадеб илжаяверманг.
- «Эҳтимол», «Ким ҳам билади дейсиз?», «Балки.....» каби ибораларни ишлатманг. Бундай иборалар нутқингизга ишончсизлик бағишлийди.
- Тингловчилар билан алоқани йўқотманг – уларга тез-тез қараб туринг (ҳар бир иштирокчига 3 сек. дан).
- Оғирлигингизни бу оёғингиздан нариги оёғингизга ташлайверманг, қўлингизни орқангизда ушлаб турманг, стол, минбарга суяниб олманг, кескин имо-ишоралар қилаверманг, қўлингизни, маркерни ҳадеб силтайверманг, елпигич, қоғозларни силкитаверманг.
- Ҳамиша жавоблар ва таклифлар учун миннатдорчилик билдиринг!

Тақдимотда бўлиши керак?

- Нутқлар регламентига риоя қилиши.
- Нотиқлар навбатлилигига амал қилиши.
- Гурух аъзолари ўртасидаги функцияларнинг аниқ тақсимланиши ва улар ҳатти-ҳаракатларининг келишувланилиги.
- Ахборотлар график шаклда ҳам тақдим этилиши керак (схемалар, жадвалларда, графиклар ва ҳоказо).
- Барча график ахборотларга изоҳ берилиши лозим.

Тақдимотда нима бўлмаслиги керак:

- Вазиятнинг баёни ва ҳикояси.
- Қатнашчилар нутқларида зиддиятлар.
- Ноҳуши, тушунарсиз, ноаниқ ифодалар.

МИ

1. Гурухда тақдимотни баҳолаш күрсаткичлари ва мезонлари устида фикр юритинг ва муҳокама қилинг.
2. Муваффақиятли тақдимот қоидалари ва “сирлари”га амал қилиб, иш натижалари тақдимотини ўтказинг.

П ҚИСМ. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

- 2.1 Илмий тадқиқот дебочаси.**
- 2.2 Магистрлик диссертацияси мавзуини танлаш ва ифодалаш.**
- 2.3 Тадқиқотнинг долзарблиги, янгилиги ва амалий аҳамиятини белгилаш ва асослаш.**
- 2.4 Муаммонинг изланиши ва ифодаланиши.**
- 2.5 Фараз (гипотеза)ларнинг илгари сурилиши ва ифодаланиши.**
- 2.6 Тадқиқот мақсадининг белгиланиши ва вазифаларнинг қўйилиши. Тадқиқот услубларининг танланиши.**
- 2.7 Илмий-тадқиқотчилик ишининг режалаштирилиши.**

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ДЕБОЧАСИ

2.1



- ❖ Илмий тадқиқот: асосий категориялар ва тушунчалар
- ❖ Илмий тадқиқотнинг муваффақиятли якунланиши шартлари
- ❖ Тадқиқотчилик фаолиятининг процессуал тузилмаси
- ❖ Магистрлик диссертацияси ишининг процессуал тузилмаси
- ❖ Магистрлик диссертацияси: умумий тушунча
- ❖ Магистрлик диссертацияси ишининг процессуал тузилмаси
- ❖ Магистр илмий ишининг натижалари, кўрсаткичлари ва уни баҳолаш мезонлари

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТГА КИРИШИШ

✓ Магистрантларнинг илмий-тадқиқотчилик фаолияти XXI аср фани муваффақиятининг гаровидир. Қадимги даврлардан то бугунги кунгача фан умуман жамиятга ва алоҳида ҳар бир кишига хизмат қилади. Бугунги кунда бизни ўраб турган жамики нарсалар – бу инсон илмий фаолиятининг амалий шакллари бўлиб ҳисобланадиган технологиялар ва ишлаб чиқариш жараёни орқали моддий бойликларда мужассам бўлган ақлий иш маҳсулидир.

Илмий фаолият методологиясини англаб олиш учун аввал-бошда кириши тартибида айрим назарий жиҳатлар, асосий категориялар ва тушунчалар устида мушоҳада юритиш керак бўлади – ушбу боб шу мавзуга бағишиланади.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ: АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

||| Илмий иш бошқа ҳар қандай ишдан ўзининг мақсади — янги илмий билимни олиши билан фарқ қилади. Айни шу иш жараёнида воқелик ҳақидаги объектив билимлар ишлаб чиқилади ва бир тизимга солинади.

Бироқ фанда қандайдир бир янги илмий фактни аниқлаш камлик қилади, унга фан позициясидан туриб изоҳ бериш, унинг умумий билишга оид, назарий ёки амалий аҳамиятини кўрсатиш, шунингдек илгари маълум бўлмаган янги жараёнлар ва ҳодисаларни олдиндан кўра билиш талаб этилади.


Илмий иш бу аввало қатъий режали фаолиятдир. Гарчи фанда тасодифий кашфиётлар қилиниб турса-да, лекин *фақат режали, замонавий воситалар билан пухта қуролланган илмий тадқиқот табиат ва жамиятдаги объектив қонуниятларни очиши ва теран билишга имкон беради*. Шундан кейин аввал-бошдаги фикрнинг аниқ мақсадни кўзлаб ишланишини давом эттириш, олдиндан мўлжалланган тадқиқот схемасини аниқлаштириш, ўзгартириш, унга қўшимчалар қилиш жараёни кечади.

||| Илмий тадқиқот. Унинг умумий мақсади қуйидаги эҳтиёжларга жавоб берадиган назарияни қуришдан иборат:

- 1) фактларни таҳлил этиш, таснифлаш ва бир тизимга солиш (синтез қилиш);
- 2) реал оламнинг аниқ фактларини талқин қилиш ва англаб олиш;
- 3) янги натижаларни олдиндан айтиб бериш ва ҳодисалар ривожини башорат қилиш.

Назария ва амалиёт.

Назария билан амалиёт ўртасида методология ва услубиёт орқали амал қиласидаги мураккаб муносабатлар қарор топган бўлиб, уларни қўйидаги схема билан ифодалаш мумкин:




|| **Методология** – бу илмий-тадқиқотчилик фаолиятининг илмий тамойиллари ва усуллари тизими ҳақидаги таълимот.

Билиш жараёнида методология тадқиқот обьектига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади ва билиш натижаларини олдиндан белгилаб беради.

|| **Тадқиқот услубиёти (технологияси)** – тадқиқот усулларининг бир тизимли мажмуи, тадқиқот услублари, усуллари, техникаларини қўлланиш ва улар ёрдамида олинган натижаларни талқин қилиш қоидалари тизими.

Услубиёт ўрганиладиган обьект характерига, тадқиқот методологияси, мақсадларига, ишлаб чиқилган услублар, тадқиқотчи малакасининг умумий даражасига боғлик бўлади.

|| **Илмий тадқиқот услуби** бу муайян билиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда муайян билиш вазифаларини ҳал этишга қаратилган ақлий ва (ёки) амалий операциялар (русум-қоидалар) тизимиdir.



Тадқиқот умумий илмий методологиясининг процессуал тузилмаси


- 1** Бундан олдинги тадқиқотчилар тажрибасини ўрганиш
- 2** Муаммоли нуқталарни аниқлаш
- 3** Мушоҳада юритиш
- 4** Ечимни излашнинг етакчи тамойилларини асосли танлаш
- 5** Услубларнинг қўлланилиши
- 6** Ходиса моҳиятига кириб бориш

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ ШАРТЛАРИ

- | | |
|----------------|---|
| Биринчи | Мавзунинг муҳимлиги, уни англаб олиш заруритини идрок этиш, вужудга келадиган саволларга жавоб беришга интилиш |
| Иккинчи | Умумий тайёргарлик – тадқиқот услубларини эгаллаш даражаси |
| Учинчи | Тадқиқот дастурини ишлаб чиқиш маҳорати, предметни аниқлай билиш, «масалага оид адабиётлар» билан ишлаш, фаразларни илгари суриш, мақсадларни қўйиш ва амалга ошириш ва тадқиқотчилик ҳисботини расмийлаштиришгача бўлган ҳоказо ишлар. |

ТАДҚИҚОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТУЗИЛМАСИ

Йўналиш олиш - тадқиқотни амалга оширишнинг предметли соҳасини ажратиш.



Муаммоларни белгилаш – муаммони – ҳозирги вақтда жавоби бўлмаган аниқ масалани аниқлаш ва идрок этиш; тадқиқот мақсадини қўйиш.



Услубларни белгилаш- тадқиқот услублари, услубиётларини танлаш ва асослаш.



Тадқиқот чегараларини аниқлаш ва тадқиқот материалларини танлаш тамойилини белгилаш.



Режалаштириш – тадқиқотнинг изчил вазифаларини ифодалаш; тадқиқотни ўтказиш учун амаллар изчиллигини тақсимлаш.



Материал йиғиш ёки эксперимент ўтказиш - эмпирик материални йиғиш; экспериментни қўйиш ва ўтказиш; олинган маълумотларни дастлабки тизимга келтириш.



Таҳлил – маълумотларнинг умумлаштирилиши, қиёсланиши, таҳлил этилиши, талқин қилиниши.



Рефлексия – ўзининг хulosаларини олинган хulosаларга, тадқиқотни ўтказиш жараёни, илгари мавжуд бўлган билимлар ва маълумотларга муқояса қилиш.

МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИ: УМУМИЙ ТУШУНЧА

Диссертация (лотинчадан таржимаси – тадқиқот, мулоҳаза) - муайян илмий (академик) малакани (даражани) олиш мақсадида махсус тайёрланган, оммавий муҳокамага ва ҳимояга қўйиладиган асар.

Магистрлик диссертацияси – магистрни тайёрлаш бўйича асосий касбий таълим дастурига ўқитишнинг якунловчи босқичида талаба-магистрант томонидан илмий раҳбар раҳбарлигига мустақил бажариладиган илмий йўналишдаги яқуний малака иши.



Магистрлик диссертацияси номзодлик ва докторлик ишидан жиадағы фарқ қиласы. У күпроқ үқувлардың тадқиқотчылық иши бүләди. Иш ҳимоя қилинганидан сүнг магистр деган академик (илмий әмас) даражасы берилади.



Магистрлик диссертациясыга қўйиладиган асосий талаблар

Магистрлик диссертацияси қўйидагида бўлиши керак:

- муаллиф томонидан ҳимояга олиб чиқилаётган натижалар ва илмий қоидалар мажмуини ўз ичиға олиши, ички бирликка эга бўлиши лозим;
- муаллифнинг назарий билимлар ва амалий кўникмаларни қўллаб мустақил тарзда илмий изланиш олиб бориш, касбий муаммоларни кўра олиш, тадқиқот вазифаларини ва уларни ҳал этиш услубларини ифодалаш қобилияти ҳақида далолат бериши керак.
- Назарий тадқиқотлар натижалари, илмий муаммоларни ҳал этишга нисбатан янгича методологик ёндашувларни, шунингдек амалий тусдаги вазифалар ечимини ифодалashi лозим.

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ УСТИДАГИ ИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТУЗИЛМАСИ

1 - босқич

Тадқиқотни ўтказишга тайёргарлик: йўналиш олиш
ва муаммоларни белгилаш

Магистрант амалларининг изчиллиги

- Объект соҳасини, объектни, тадқиқот предметини белгилайди.
- Мавзууни, муаммони танлайди ва ифодалайди, уларнинг долзарблигини асослайди.
- Илмий адабиётларни ўрганади ва мавзууни аниқлаштиради.
- Фаразни (гипотезани) ифодалайди.
- Тадқиқот мақсадлари ва вазифаларини ифодалайди.

2 - босқич

Тадқиқот услубларининг белгиланиши.
Режалаштириш

Магистрант амалларининг изчиллиги

- Тадқиқот услублари, услубиётини танлайди ва асослайди.
- Тадқиқот мавзуининг чегараларини белгилайди.
- Тадқиқотнинг ўтказилишини режалаштиради.

3 - босқич

Тадқиқотнинг ўтказилиши

Магистрант амалларининг изчиллиги

- Тадқиқот материалларини йиғади, экспериментни қўяди ва ўтказади.
- Материалларни бир тизимга солади ва ишлайди.
- Маълумотларни умумлаштиради, таҳлил қиласди, талқин этади, хulosалар чиқаради.
- Тадқиқот жараёнида олган ўз хulosаларини илгари мавжуд бўлган билимлар ва маълумотларга солиштиради

4 - босқич

Тадқиқот натижаларини расмийлаштириш

Магистрант амалларининг изчиллиги

- Магистрлик диссертацияси тузилмаси ва расмийлаштирилишига қўйилган талабларга мувофиқ равища шундай диссертацияни ёзади

5 - босқич

Тадқиқот натижаларининг тақдимоти ва ҳимояси

Магистрант амалларининг изчиллиги

- Формал талабларга мувофиқ равища ўз ишини тақдим этади.

МАГИСТРАНТ ИЛМИЙ ИШИННИГ НАТИЖАЛАРИ, КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Магистрант илмий ишининг натижалари

- Жамиятга номаълум бўлган феномен баёни (ва изоҳи)
- Келгусидаги вазиятларни башорат қилишга имкон берадиган қонуниятларнинг аниқланиши
- Келгусидаги вазиятнинг *башорати*
- Ўрганилган феномен дефиницияси, яъни янги феноменнинг таърифини ва номини ифодалаш (тушунча таърифи)
- Феноменларнинг ўхшаш белгиларини абстрактлаштириш асосида уларни *таснифлаш* (ёки бир тизимга солиш)
- Шунга ўхшаш феноменларни тадқиқ этишга имкон берадиган *услубнинг ишлаб чиқилиши (баёни)*
- Сохта ғоянинг инкор қилинини ёки ҳақиқийлиги шубҳа остида бўлган ғоянинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш
- Объект ҳақидаги билимни предметли нуқтаи назар остида жамлайдиган назариянинг қурилиши.

Магистрант илмий ишининг кўрсаткичлари ва уни баҳолаш мезонлари

<i>Ишининг мавзуи ва муаммони ифодалаши</i>	пухталик
<i>Тадқиқ қилинаётган мавзуу бўйича адабиётлар таҳлили</i>	тўлиқлик
<i>Мавзуу (муаммо) таҳлили</i>	аввало ушбу иш учун зарур тадқиқотчилик услубларининг онгли ва асосли қўлланилиши
<i>Бутун ишининг қурилиши</i>	мантиқийлик
<i>Тадқиқот илмий натижаларининг ифодаланиши</i>	янгилиги ва аҳамиятлилиги
<i>Тадқиқотдан келиб чиқадиган реал амалий тавсияларнинг ифодаланиши</i>	реаллик, амалийлик
<i>Ишининг расмийлаштирилиши</i>	иш тили, ифодалар, шу жумладан диссертация номи, айрим боблар, параграфлар ва шу кабиларнинг аниқлиги

МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИ МАВЗУНИНГ ТАНЛАНИШИ ВА ИФОДАЛАНИШИ

2.2



- ❖ Илмий тадқиқот мавзуини танлаш учун асослар
- ❖ Мавзунинг танланишини белгиловчи омиллар
- ❖ Мавзуни танлаш усуллари ва воситалари
- ❖ Мавзунинг ифодаланишини белгиловчи тамойиллар ва талаблар
- ❖ Магистрик диссертацияси номини ифодалашнинг процессуал тузилиши

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ НОМИНИ ТАНЛАШ ВА ИФОДАЛАШ

✓ Сиз бу бобда «илмий мавзу», «илмий йўналиши» «илмий муаммо» тушунчалари, илмий тадқиқотлар турлари, магистрлик диссертацияси мавзуини танлаш усуллари ва шартлари, уни ифодалаш алгоритми, тадқиқот «объекти» ва «предмети» тушунчалари, илмий тадқиқот мавзуини ифодалашини белгиловчи тамойиллар билан танишасиз.


ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МАВЗУИНИ ТАНЛАШ УЧУН АСОСЛАР

|| **Илмий мавзу** бу ечимини талаб қиласидиган мураккаб вазифадир. Илмий-тадқиқотчилик иши мавзуи мауян илмий йўналишга ёки илмий муаммога тегишли бўлиши мумкин.

|| **Илмий йўналиш деганда** тадқиқот ўтказиш соҳасидаги фан, фанлар ёки илмий муаммолар мажмуи тушунилади.

|| **Илмий муаммо** бу илмий-тадқиқотчилик иши мавзуини белгилайдиган мураккаб назарий ва (ёки) амалий вазифалар мажмуидир.

Муаммо тармоқ, тармоқлараро, глобал бўлиши мумкин.



Тадқиқот мавзуи бутун иши муваффақиятидир.

Диссертация билимларга ҳисса қўшиши ва, одатда, уларни кенгайтириши КЕРАК.



Мавзуни танлашга талаблар

Тадқиқот мавзуи қуйидагича бўлиши керак:

- Фан ёки амалиётнинг шу йўналишига ЯНГИЛИК олиб кириши керак
- Шу соҳа МУАММОСИНИ қўйиши керак
- Тадқиқотнинг қайси аниқ ташкилот мисолида ўтказилганлигини имкони борича кўрсатиши керак

Мавзуни танлаш –диссертация тадқиқоти устидаги ишнинг биринчи босқичи.

Аниқ мавзуни танлашда **олдинига қуйидаги умумий масалаларни ҳал қилиш керак**:

- Тадқиқот қандай *тусга* эга бўлади?
- Магистрант ўз тадқиқоти *натижаларини* қай ҳолатда қўради?
- Магистрант учун *диссертациянинг қандай типи* маъқул келади?
- *Диссертация мақсадларини қай тарзда қўйиш* энг мақбул *хисобланади*?

Сизга қайси вариант кўпроқ маъқул бўлишига қараб ишни қуриш методологиясини тузиш, мавзуни ва унинг **ифодасини** —диссертациянинг номини танлаш керак бўлади.

МАВЗУНИНГ ТАНЛАНИШИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР

Магистрлик
диссертациялари
мавзууни **кафедралар**
белгилайди

Мавзу бу тадқиқотнинг
функционал йўналиши
аксидир

Мавзу магистрантнинг
қобилияти, билимлари,
қизиқишиларининг
очилишига имкон
бериши керак

Тадқиқот характери:

- 1) **Назарий тадқиқот** бу соғ илмий, лекин кўп йиллар учун илмий изланишларнинг истикболли ва самарали назарий-стратегик йўналишидир;
- 2) **Амалий тадқиқот** қасбий фаолиятнинг муайян соҳасида кейинчалик муваффақиятли ишлаш учун унинг қандайдир йирик муаммосини чуқурроқ ўрганишга имкон беради.

Диссертация иши натижаларининг характери:

- 1) Билимнинг тегишли тармоғи учун муҳим аҳамиятга эга вазифанинг янгича ечими берилган;
- 2) Муаллиф бажарган илмий асосланган, муҳим амалий вазифалар ечимини таъминлайдиган иқтисодий ишланмалар баён қилинган

Диссертация иши мақсадларига қараб тадқиқотлар типлари

1. **Умумлаштирувчи** – иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасида тўпланган тажрибани ўрганиш ва илфор амалиётни умумлаштириш, ўрганилаётган ҳодисаларнинг ривожланиш анъаналарини аниқлаш ва турли иқтисодий жараёнларнинг илмий башоратларини илгари суриш.
Ўзига хос хусусиятлари: тадқиқотнинг кўп тарқалган ва мураккаб бўлмаган тури, тадқиқотнинг турли обьектларидан фойдаланиб, бир мавзу доирасида кўплаб вариантлар тузиш мумкин.
2. **Оммалаштирувчи характеридаги** – айрим ташкилотлар (кичик тармоқлар, тармоқлар, миллий иқтисодиётлар ва ҳоказо) тажрибасини бошқа ташкилотларда (кичик тармоқлар, тармоқлар, миллий иқтисодиётлар ва ҳоказо) фойдаланиш имкониятларини ва мақсадга мувофиқлигини кўрсатиш.
Ўзига хос хусусиятлари: сифатли бажариш шарти – амалиётни яхши билиш.
3. **Новаторлик** – амалиётга тегишли тавсияларни бериш мақсадида янги ёки нисбатан янги иқтисодий муаммоларнинг илмий ишлаб чиқилиши.
Ўзига хос хусусиятлари: кўйилган саволларга жавоблар адабиётларда йўқ, амалиёт эса зарур тажрибани энди орттирияпти, бу тадқиқотчидан юксак назарий тайёргарлик, амалиётни яхши билиш, янги ғояларни илгари суришда жасорат талаб қиласди.
4. **Чуқурлаштирувчи характеридаги** - аниқ ижтимоий-иктисодий ва хўжалик категориялари ва жараёнлари ҳақидаги тасаввурларни чуқурлаштириш.
Ўзига хос хусусиятлари: иқтисодий категориялар ва жараёнларнинг адабиётларда етарлича тўла ёритилмаган ва амалиётда лозим даражада ривожлантирилмаган айрим жиҳатларини ишлаб чиқиш. Кўриб чиқилаётган муаммо характери ишнинг мураккаблик даражани белгилайди.

- 5. Назарий-методологик тусдаги** – умумий назарий концепциялар, методологик муаммоларнинг ишлаб чиқилиши.
Ўзига хос хусусиятлари: магистрлик тадқиқоти даражасида кам оммалашган, чунки тадқиқотчи ривожланган назарий тафаккурга эга бўлиши керак.
- 6. Эмпирик тусдаги** - муайян корхоналар, фирмалар, ташкилотларнинг муайян тажрибасининг тадқиқи, таҳлили.
- Ўзига хос хусусиятлари: ташкилотнинг илғор тажрибаси, амалиёти марказий ўринни эгаллайди, унга бу тажрибадан миллий иқтисодиётда фойдаланиш бўйича назарий далиллар ва мулоҳазалар кўшимча қилинади.

МАВЗУНИ ТАНЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

Мавзуни танлаш усуллари

- У ёки бошқа илмий соҳадаги ютуқлар шарҳини синчиклаб кўриб чиқиши тадқиқот мавзуини танлаш ва ифодалаш йўлидаги дастлабки қадамлардан бири бўлади.
- Такрорлаш тамойилига (объект ҳақидаги мавжуд билимларни аниқлаштириш ва кенгайтириш, билимларни текшириш) амал қилиш илмий иш мавзуини танлаш усулининг варианти бўлиши мумкин.
- *Изланувчанлик усули* тадқиқотчининг дастлабки манбалар билан танишувини, мавжуд муаммолар таҳлили асосида мавзунинг ифодаланишини назарда тутади.
- Мавжуд тадқиқотларнинг назарий умумлаштирилиши мавзуни танлашнинг бирмунча юқори босқичидир.
- *Фанда илгари сурилган фаразлар* мавзуни танлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.
- Мавзуни «табиий» шароитларда, ижодий мулоқот жараёнида ҳам топиш мумкин.

Мавзуни танлашдаги амаллар

- **Мавзуни танлашда ёрдам бериши лозим бўлган илмий раҳбар билан маслаҳатлашиш.**
- **Химоя қилинган диссертацияларнинг илмий кутубхонадаги ёки маълумотлар базасидаги каталогини қайта қўриб чиқиши** (диссертация ишлари кутубхонаси).
- **Фан ва техниканинг ўхшаш, қўшни соҳаларидағи тадқиқотларнинг энг янги натижалари билан танишиш:** баъзан иккита илмий фан туташган жойда мавзуу чиқиб қолиши мумкин.
- **Муаммони қўриб чиқишнинг методологик ракурсини алмашлаш.** Баъзан янгича нуқтаи назар бу биринчи илмий ишланма мавзуидир.
- **Ўз илмий ихтисослиги бўйича адабиётларни ўрганиш:** илмий матбуотни, маҳсус нашрларни, Интернет сайтларини қўриб чиқиши, фан классиклари асарлари устида мушоҳада юритиш («шўнғиб кетиши» услуби).
- **Амалиётчи-мутахассислар билан сұхбатлар ва маслаҳатлашиш.**

ИЛМИЙ ИШ МАВЗУИНИ ИФОДАЛАШНИ БЕЛГИЛОВЧИ ТАМОЙИЛЛАР ВА ТАЛАБЛАР

Долзарблик ➡ Янгилик, жамият ҳаёти билан боғлиқлик, етилган зиддият.

Аниқлик ➡ Типик камчиликлари: мавзунинг асоссиз кенглиги, глобал тусдаги мавзуу ифодаланишида мавхумлик. Масалан, агар «Давлат бошқаруви» мавзуи танланадиган бўлса, унда бундай мавзуу иш учун ярамайди, ҳаддан ортиқ мавхум бўлади. Бирмунча торроқ мавзууни танлаган маъқулроқ.

Муаммолилик ➡ «Ўзбекистоннинг солиқ сиёсати» мавзуи ўқув иши (реферат, курс ёки диплом иши) учун бўлиши мумкин, лекин унинг номида муаммо йўқ. Ҳатто ўқув мақсадлари учун ҳам қандайдир аниқ бир жиҳатни олган яхши: «Ўзбекистоннинг солиқ сиёсати давлат бошқаруви

воситаси сифатида». Бунда муаммо яққол қўриниб турибди: давлатнинг солиқларни ўзгартириш ёрдамида ижтимоий жараёнларни бошқариши қандай амалга оширилмоқда. Илмий иш учун ундан ҳам аниқрок мавзуни танлаган маъқул: «Солик сиёсати ёрдамида кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш». Аниқланган мавзуга мувофиқ равишда аниқ-равшан ифодаланган мақсад шакллантирилади.

Тушунчаларнинг аниқлиги  Масалан, «ривожланишинг ўсиши», «маънонинг пасайиши», «муаммо фалсафаси», «жозибадорлик жозибаси» каби ва бошқа икки хил маъноли ва ноаниқ ифодаларни ишлатмаслик керак.

Лўндалик  *«Қорақалпогистон Республикасида транспорт инфратузилмасининг ривожланиши ва минтақада бозор иқтисодиёти шароитида туризмни ривожлантириши истиқболлари»*. Бундай ном тўғри ва ишлатиш мумкин, лекин жуда узун. Уни қисқароқ ифодалаган маъқул: *«Қорақалпогистонда транспорт ва туризмнинг ривожланиши»*. Биринчи ном анча аниқроқ, лекин идрок этиш қийинроқ. Дарвоқе, қисқа номнинг ҳам ўз камчиликлари бўлади, уларни кейин маърузада изоҳлашга тўғри келади, шунинг учун муаллиф аниқлик ёки қисқаликни танлаши керак бўлади, яхиси эса ҳар иккаласини ҳам ўз жойида қўллаган яхши.



Тадқиқот мавзуини ифодалашга талаблар

Мавзу номида одатда қўйидагилар бўлади:

- «тадқиқот бурчаги» - ишнинг йўналиши;
- тадқиқот обьекти;
- тадқиқот предмети (тадқиқот обьекти ҳақидаги янги билим ва магистрантнинг ана шу билимни аниқлашга қаратилган иши бўлиб, у янги амал усулини, ҳисоб-китоб модели, тадқиқот услуби, ўрганиш ёки қуриш методологияси, концепциясини ишлаб чиқишдан иборат бўлади);
- диссертация ишининг диссертация натижалари тусини белгилайдиган малакавий белгиси жиҳати.

Мавзунинг номи кўйида- гиларни ўз ичига олиши мумкин

- **Сизнинг қандайдир янги ишни тадқик қилаёттанингизни тасдиқловчи савол**
 - Қандай табақаловчи омиллар халқаро аутсорсингни муваффақиятли қилиши мумкин?
 - Компаниянинг электрон бошқарилиши: бу харажатларнинг камайишига олиб келиши мумкинми?
 - Тадбиркорларни қизиқтириш учун қандай омиллар энг муҳим ҳисобланади?
 - Доимий трансформация: у ташкилотнинг ривожланишини қўллаб туриши мумкинми?
- **«А ташкилот мисолида» жумласининг давоми**
 - А компанияси қандай қилиб қўшилиш ва ўз ичига киритиш жараёнидан фойда хосил қилди?
 - Психологик шартнома: А банки мисолида
 - Мультимиллий компанияда билимларнинг самарали трансфери, А компанияси мисолида
 - А банки Базель 2 учун ИТ-потенциали юзасидан қанчалик яхши тайёрланган?
- **«Стратегик» характерга кўрсатма, яъни сизнинг ташкилотнинг келажаги билан алоқага кўрсатма ва олий раҳбариятни у билан қизиқтириш**
 - Ижарага берувчи ва истеъмолчи: хусусий секторда ижарани бошқаришнинг янги истиқболлари
 - Ресторан бизнесини ривожлантириш стратегияси: ўз ичига киритиб олиш ёки халқаро ўсиш?
 - СЕО концепцияси: фармацевтик компаниянинг ИТ ва ТКИдан самаранинг камайишига нисбатан жавоби
 - Инсон ресурсларини бошқариш бизнес-жараёнлар реинжирингининг асосий элементи сифатида кўриб чиқилиши керакми?
Активларни бошқаришнинг янгича бошқарувчилик тизимини ривожлантириш.

 *МАВЗУ диссертация номини ва магистрантнинг унинг устидаги иши ўйналишини белгилайди.*

МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИ МАВЗУНИИ ИФОДАЛАШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТУЗИЛМАСИ

1. Тадқиқот объектини белгилаш

||| **Тадқиқотнинг объектли соҳаси** – бу фан ва амалиётнинг тадқиқот объекти жойлашган соҳаси бўлиб, амалиётда у, масалан, математика, биология, иқтисодиётнинг у ёки бошқа илмий ихтинослигига мувофиқ бўлиши мумкин.

||| **Тадқиқот обьекти** – бу муаммоли вазиятни юзага келтирадиган муайян жараён ёки ҳодиса, бу муаммонинг ўзига хос ташувчиси, тадқиқотчилик фаолияти йўналтирилган нарса.

Реал оламнинг олим тадқиқот учун танлаган соҳаси тадқиқот обьекти деб аталади.

Мисоллар.

Ўзбекистоннинг шаклланиб келаётган консалтинг хизматлари бозори **тадқиқот обьекти** ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг қора металлургия саноат корхоналари **тадқиқот обьекти** ҳисобланади.

Осиёнинг янги саноат мамлакатлари ва Ўзбекистон Республикаси **тадқиқот обьекти** ҳисобланади.

2. Тадқиқот предметини белгилаш

||| **Тадқиқот предмети** обьектнинг аниқ бир қисми бўлиб, унинг ичida изланиш олиб борилади. Ҳодисалар, уларнинг айрим томонлари тадқиқот предмети бўлиши мумкин.

||| **Тадқиқот предметини** тадқиқотчи илмий изланишлар натижасида тадқиқот обьекти ҳақида оладиган янги илмий билим сифатида белгилаш мумкин.

Агар тадқиқот обьекти ҳақидаги янги илмий билимни олиш воситаси ҳам янгиликнинг муҳим белгиларига эга бўлса, унда ана шу восита ҳам тадқиқот предмети таркибига кириши мумкин.

Тадқиқот предмети бу магистрант тадқиқот обьектига қараж учун асос қилиб оладиган нуқтаи назардир.

Мисоллар.

Бозор инфратузилмасининг ғоят муҳим тизим ҳосил қилувчи элементи сифатидаги консалтинг фаолиятининг шаклланиши, фаолият юритиши қонуниятлари, унинг ривожланиши жараёнларининг шаклланиши ва бошқариш тенденциялари **тадқиқот предмети** ҳисобланади.

Саноат корхоналарининг фаолият юритиши самарадорлигини ошириш механизми сифатидаги стратегик режалаштириш воситалари **тадқиқот предмети** бўлиб хизмат қиласди.

Саноатлаштириш даврида янги саноат мамлакатларининг иқтисодиётини ривожлантириш жараёнида вужудга келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлар **тадқиқот предмети** ҳисобланади.

Тадқиқот обьекти ва предмети ўзаро бир-бири билан умумий ва хусусий сифатида муносабатда бўлади. Тадқиқот предмети, одатда, тадқиқот обьекти доирасида бўлади. Бошқача айтганда, магистрант иш мавзуси тадқиқот предметини тадқиқот обьекти орқали белгилаши, унинг ажralиб турувчи белгиларини ажратиб кўрсатиши керак.

3. Ишнинг йўналишини («тадқиқот бурчагини») белгилаш



Иш йўналишининг ифодасидаги «клишелашган» иборалар ва сўз бирикмалари:

- «вазифа ечими, ...»
- «ишланма, ...»
- «асослаш, ...»
- «самарадорликнинг ошиши, ...»
- «такомиллаштириш, ...»
- «оптималлаштириш, ...»
- «харажатларнинг камайиши ва х., ...»

4. Иш номининг ифодаланиши



Диссертация ишининг номи тадқиқотнинг обьект соҳаси, обьекти, предмети ва йўналиши асосида **лўнда ва аниқ** ифодаланади. Барча экспертлар ва оппонентларнинг диссертация натижаларининг тузи

қандайлигини иш номига қараб билиб олишига имконият яратиш керак. Диссертация номини шунга қараб ифодалаш лозим.

👉 Мавзу номида қуйидаги сўзларни ишлатмаган маъқул: «масалалари», «муаммолари», «тадқиқ қилининши», «ўрганилиши» ва ҳ., чунки улар пировард натижсани аниқ ифодалай олмайди. Муаммонинг қай даражада ҳал қилинганлиги ёки ўрганиши, тадқиқотнинг нима билан тугаганлиги номаълум.

👉 **Мисоллар.**

«Ўзбекистонда консалтинг хизматлари бозорини такомиллаштириш йўллари».

«Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналарида стратегик режалаштириш самарадорлиги».

«Осиёдаги янги саноат мамлакатларини иқтисодий ривожлантиришнинг рақобатбардошлик стратегиялари ва уларнинг Ўзбекистон шароитига кўниши имкониятлари».



Диссертация учун номақбул мавзулар


- Мен ишлайдиган ташкилот маҳсулотлари учун келгуси бозор салоҳияти.
- Ресторан учун кичик бизнес-режа.
- Молиявий ҳисоб-китоблар учун янги дастурий таъминотнинг жорий этилиши.
- Активлар қийматининг бекарорлигини ўлчаш учун янги алгоритм.
- Фонд бозорида нархлар ўзгаришини башорат қилиш.

Диссертация номининг умумлаштирилган тузилмаси:

Йўналиш
«Вазифа ечими...». «Ишланма...». «Оптималлаштириш...». «Асослаш...». «Яхшилаш...». «Ошириш...» .
Тадқиқот объекти
«...технологиялар ..», «...назариялар ...», «... амалиётлар ...», «...моделлаштирилиши..».
Тадқиқот предмети

ТАДҚИҚОТНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ, ЯНГИЛИГИ ВА АМАЛИЙ АҲАМИЯТИНИ БЕЛГИЛАШ ВА АСОСЛАШ

2.3



- ❖ Тадқиқот долзарблигини белгилаш ва асослаш
- ❖ Тадқиқот янгилигини белгилаш ва асослаш
- ❖ Тадқиқотнинг амалий аҳамиятини белгилаш
ва асослаш

ТАДҚИҚОТНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ, ЯНГИЛИГИ ВА АМАЛИЙ АҲАМИЯТИНИ БЕЛГИЛАШ ВА АСОСЛАШ

✓ Сиз бу бобда «тадқиқотнинг долзарбилиги» тушунчаси, уни асослаш мартиб-қоидалари, илмий натижаларнинг янгилик мезонлари ва диссертация натижаларининг амалий аҳамияти намоён бўладиган ҳоллар билан танишасиз.

ТАДҚИҚОТНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИНИ БЕЛГИЛАШ ВА АСОСЛАШ

Мавзунинг таърифи фанда ҳозирда маълум бўлган ва ҳали тадқиқ қилинмаган ҳолларнинг биргаликда амал қилишини, **яъни илмий билишнинг ривожланиш жараёнини акс эттиради**. Шу сабабга кўра мавзунинг долзарбилигини асослаш тадқиқотни тайёрлашдаги жуда масъулиятли босқич ҳисобланади.



**Диссертациянинг долзарбилиги асосланиши
ва исботланиши керак**

||| **Диссертация мавзунинг долзарбилиги** – бу унинг ижтимоий назария ва амалиёт учун керакли эканлиги бўлиб, фанда қўпинча олдинги назарий тасаввурлар доирасига яққол жойлашмайдиган янги фактларнинг кашф қилиниши натижасида вужудга келадиган вазиятнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Мавзунинг долзарбилиги диссертация тадқиқоти сифатидаги илмий тадқиқотга нисбатан асосий талабдир.

Тадқиқот долзарбилигининг функционал тавсифномалари

- иқтисодий фандаги қандайдир бўш ўринларнинг тўлдирилиши
- муаммонинг замонавий шарт-шароитларга нисбат берib янада ривожлантирилиши
- фикрлар бирлиги бўлмаган масаладаги фикр
- тўпланган тажрибанинг умумлаштирилиши
- йирик масалага оид билимнинг жамланиши ва айни бир вақтда олға сурилиши
- олимлар ва амалиётчилар эътиборини жалб этиш мақсадида янги муаммоларнинг қўйилиши

||| **Долзарбликни асослаш** – илмий билишнинг умумий жараёни соҳасида мазкур мавзуни ўрганиш заруратини изоҳлашни билдиради.



Мавзунинг долзарблаштирилиши – тадқиқотчилик ишидаги муҳим жиҳат

Мавзунинг долзарблигини асослаш

Диссертациянинг КИРИШ матни икки нуқтаи назардан баён қилинади:

- 1) Ушбу мавзуга жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши эҳтиёjlари юзасидан мурожаат қилишнинг долзарблиги – айни шу вақтда айнан шу мавзуга мурожаат этишнинг сабабларини қисқача ёритиш, жамиятнинг бугунги кундаги ҳолатининг мазкур мавзуни тадқиқ қилишни ғоят зарур қилиб қўйган ўзига хос хусусиятларини тавсифлаб бериш.
- 2) Ушбу мавзуга фаннинг ички эҳтиёjlари юзасидан мурожаат қилишнинг долзарблиги – нима учун бу мавзунинг айни шу вақтда бунчалик долзарб бўлиб қолганлиги, унинг шу тарзда очиб берилишига илгари нима халақит қилганлигини изоҳлаш, унга мурожаат қилишнинг фан ривожининг динамикаси, бу муаммо бўйича янги ахборотларнинг тўпланиб қолганлиги, мавжуд тадқиқотларда унинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги, муаммони янгича талқинда, тадқиқотнинг янги услублари ва услубиётларидан фойдаланиб ўрганиш зарурлиги билан боғлиқ эканлигини кўрсатиш.



Илмий тадқиқотнинг долзарблигини белгилашда шундай типик хатога эътибор бериш керак: магистрлик диссертацияларида кўринча магистрантнинг аниқ танлаган мавзуининг эмас, балки бутун бир соҳанинг тадқиқ қилинисиши йўналишининг долзарблиги асосланади.

Мавзунинг долзарблаштирилиши унинг муҳим илмий ва амалий вазифалар билан боғланишини назарда тутади

Илмий жиҳатдан долзарблик – бу мавзунинг фанни ривожлантириш йўналишлари ва фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар вазифаларига мувофиқ ишлаб чиқилиши зарурлиги

Амалий жиҳатдан долзарблиги - бу мавзунинг хўжалик амалиёти, бўлгуси диссертациянинг қоидалари ва хulosаларини амалга ошириш хисобига кадрларни иқтисодий тайёрлаш эҳтиёжларига мувофиқ ишлаб чиқилиши зарурлиги

- *Фундаментал фанлар вазифалари бу мавзунинг янги фактларни изоҳлаш учун ишлаб чиқилишини талаб килади.*
- Диссертация муаммосининг аниклаштирилиши, ривожланиши ва ҳал этилиши ҳозирги шароитда мумкин ва жуда зарур.
- Диссертациянинг назарий қоидалари жараён ёки ҳодисани тушунишдаги мавжуд зиддиятларни олиб ташлашга имкон беради.
- Диссертация ишида илгари сурилган фаразлар ва қонуниятлар илгаридан маълум бўлган ва талабгор олган эмпирик маълумотларни умумлаштиришга имкон беради.

- *Амалий тадқиқотлар вазифалари шу мавзуга доир масалаларнинг ишлаб чиқилишини талаб этади.*
- Жамият, амалиёт ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун диссертация вазифаларини ҳал этиш бўйича катта эҳтиёж бор.
- Бу мавзудаги диссертация илмнинг муайян тармоғидаги ижодий, илмий жамоаларнинг ишланмалари сифатини жиддий оширади;
Диссертация ишида олинган янги билимлар кадрлар малакасини оширишга ёрдам беради ёки талабаларни ўқитиш бўйича ўкув дастурларига киритилиши мумкин.



Мисол.

Ишнинг долзарблиги. Ўзбекистон иқтисодиётининг бозор муносабатлари томонига изчиллик билан илгари бораётганлиги ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда қабул қилинган хўжалик юритиш услубларини жадаллик билан ўзлаштириш заруратини келтириб чиқармоқда. Шу муносабат билан бозор инфратузилманинг яратилиши бизнинг республикамиз учун долзарб вазифа бўлиб, касбий консалтинг хизматлари бозорининг шакллантирилиши бундай инфратузилманинг жуда муҳим элементи бўлиши керак. Консалтинг хизматлари бозори кейинги ўн йил ичida дунёдаги энг тез ривожланиб келаётган бозорлардан биридир: унинг ўсиши йилига 15-20% ни ташкил этадики, бу фанни кўп талаб қиласидаги маҳсулотлар ва истеъмолчилик хизматлари бозорларининг ривожланиши суръатларига қараганда 2-3 баравар юқоридир. Рақобатчилик курашининг кучайиши бозорларнинг кўпчилигига юз бераётган ўзгаришларнинг кескин ошган динамизми билан боғлиқдир. Келгусидаги ноаниқликлар ва таваккалчиликлар жуда катта, қарорлар қабул қилиш учун ахборотлар одатда етарли эмас, уларни олиш харажатлари эҳтимол бўлган заарлар ва ютуқлардан ҳам ошиб кетади. Бундай шароитда фақат менежменти доимий ўзгариб борадиган ташки муҳитга кўникиш усувларини астойдил излайдиган компаниягина омон қолиши мумкин. Бундай шароитда касбий консалтингнинг роли фоят ошиб кетади.



Илмий тадқиқотда ўтказилган иш натижасида олинган янгиликнинг даражаси ва тусини аниқ ифодалаш талаб этилади

ТАДҚИҚОТНИНГ ЯНГИЛИГИНИ БЕЛГИЛАШ ВА АСОСЛАШ



Магистрантларнинг типик хатоси янгилик деб масаланинг қўйилишининг янгилигини кўрсатишидир, лекин бу ҳали етарли эмас.

ИЛМИЙ НАТИЖАЛАР ЯНГИЛИГИ МЕЗОНЛАРИ

- **Масаланинг қўйилишининг янгилиги** – бу янгиликнинг энг паст даражаси бўлиб, бунинг учун ҳозирда мавжуд бўлган, муайян нуқтаи назар остида ўтказилган тадқиқотлар ҳақидаги ахборотларга ва шу предметга бошқача нуқтаи назардан қарашга имкон берадиган муайян тасаввурга эга бўлишнинг ўзи кифоя.
- **Услубиётнинг янгилиги** – гап қўлланиладиган янгича ёндашувлар, услублар, тадқиқот тамойиллари ҳақида бормоқда. Бу янгиликнинг бирмунча юқори даражаси бўлиб, у анча янги натижаларга эришишга йўл очади, лекин методология ҳали янгилик учун кафолат бера олмайди. Айни бир пайтда маълум услубиётларнинг янги шароитда қўлланилиши ҳам унумли натижалар бериши мумкин.
- **Олинган** ижобий ёки салбий **натижанинг янгилиги** (мазмунан янгилиги). Энг асосийси – тадқиқот жараёнида асосий хulosса сифатида олинган, тўғри қўйилган масаладан ва тадқиқ этилган зарурий ва етарли ҳолатлардан мантиқан келиб чиқадиган фикрни қисқача баён қилиш. Бу аниқланган янги *факт, қўйилган масаланинг асосли ечими, илмий муомалага янги маълумотларнинг олиб кирилиши, маълум фактнинг янги шароит учун тасдиқланиши ҳам бўлиши мумкин*. Янгиликни олинган натижани маълум фактлар билан солишириш орқали кўргазмали тарзда кўрсатиш мумкин.

- Мазмунни ифодалаш **шаклининг янгилиги** (формал янгилик) – янги атамаларнинг жорий этилиши. Бироқ қанчалик кўпроқ янги «бурама» атамалар жорий қилинган бўлса, янгилик ҳам шунчалик яққол кўринади, деб ўйламаслик керак. Атамаларнинг янгилиги ишда ана шу ҳеч нарсани англатмайдиган атамалардан бошқа ҳеч қандай янгилик йўклигини яшира олмайди. Янги атама етарлича исботланган ва ишончли асосланган янги билимнинг тўпланган ҳажмини ифодалаш учун жорий этилиши мумкин ва шунда у янгиликни ифодалашнинг муҳим воситаси бўлади.
- Олинган натижанинг **талқин этилишининг янгилиги** (изоҳлаш ва талқин қилиш янгилиги). Бу ерда яхши маълум бўлган қонунлар ва ғояларнинг янгича кўрилишини намоён қилиш учун реал имконият мавжуддир.
- Олинган натижани **амалда қўллашнинг янгилиги** (амалий янгилиги). Одатда бу назарий илмий тадқиқот доирасидан четда бўлади ва амалий илмий-тадқиқотчилик ишлар тоифасига киради, лекин тадқиқот муаллифи олинган натижаларни қўлланиш учун янги соҳаларни таклиф этиши керак.

Мисол.


Тадқиқотнинг илмий янгилиги консалтинг фаолиятининг шаклланиши, ривожланиши ва уни тартибга солиш жараёнларини бозор ислоҳотларининг ҳозирги босқичи талаблари асосида комплекс баҳолашнинг устувор вазифаларини қўйиш ва ҳал этишдан иборат бўлиб, бу миллий иқтисодиётда инфратузилма ушбу элементи фаолият юритишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги тасаввурларни кенгайтиришга имкон яратди.

Тадқиқот жараёнида илмий янгилик белгиларига эга бўлган қуйидаги назарий-методологик, услубий ва амалий натижалар олинди:

- “бозор инфратузилмаси” тушунчаси амалга ошириладиган битимлар воситасида узлуксиз тарзда муомалада бўладиган товарлар, ресурслар ва хизматлар оқимларидан иборат бўлган бозор иқтисодиётининг товар-пул табиати позицияларидан туриб институционал ҳодиса сифатида асослаб берилган;
- миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш даврида шу иқтисодиёт миқёсида консалтинг хизматлари бозорининг шаклланиши ва ривожланишига белгиловчи таъсир кўрсатадиган қонуниятлар ва тамойиллар, шарт-шароитлар ва омиллар аниқланган;
- миллий консалтинг хизматлари бозорларини ташкил этиш ва ривожлантириш борасидаги хорижий тажрибага баҳо берилган, уларнинг Ўзбекистон шароитларига кўнизиши механизмлари белгиланган;
- Ўзбекистон консалтинг хизматлари бозорининг сегментлаштирилиши ва тузилмалаштирилиши ўтказилган, мамлакатдаги консалтинг хизматлари бозорини истиқболда янада ривожлантиришнинг асосий йўллари таклиф этилган;
- Ўзбекистонда консалтинг хизматлари бозори фаолият юритишини такомиллаштиришнинг ташкилий-иктисодий механизми ишлаб чиқилган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИНИ БЕЛГИЛАШ ВА АСОСЛАШ

Диссертациянинг амалий аҳамияти кўп жиҳатдан магистрант бажарадиган тадқиқот характери билан белгиланади: назарий ва методологик тусдаги диссертациялар услубий ёки амалий тусдаги диссертацияларга нисбатан кўпроқ бевосита амалий аҳамиятга эга бўлади.



Мисол.

Ишнинг амалий аҳамияти. Диссертация тадқиқоти натижалари, бир томондан, давлат органлари томонидан мамлакатнинг узоқ муддатли иқтисодий сиёсати мақсадларига мувофиқ равишда консалтинг хизматлари бозорини тартибга солиш мақсадида, бошқа томондан, бозорнинг касбий иштирокчилари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга кўмаклашишга доир хизматларни кўрсатиш жараёнини фаоллаштириш ва такомиллаштириш учун қўлланилиши мумкин.

МИ

Магистрлик диссертациясига муаллифлик аннотациясини танланг, у билан диққат билан танишинг ва қуидаги саволларга жавоб беринг:

1. Мавзунинг ифодаланиши қўйилган талабларга мос келадими? Бу нимада намоён бўлади?

Мавзу номи қандай ахборотни ўз ичига олади?

Ушбу мавзу магистрлик диссертацияси учун яроқлами? Нима учун?

2. Тадқиқотнинг объектли соҳаси қандай? Муаллиф тадқиқот обьекти сифатида нимани танлаган?

3. Тадқиқот предмети тўғри белгиланганми?

4. Тадқиқотнинг долзарблиги асосланган ва далилланганми?

5. Тадқиқотнинг янгилиги аниқ ифодаланганми? Бу нимада намоён бўлади?

6. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тақдим этилганми? У қандай шаклларда намоён бўлади?

МУАММОНИНГ ИЗЛАНИШИ ВА ИФОДАЛАНИШИ

2.4



- ❖ «Илмий тадқиқот муаммоси» тушунчаси мазмуни
- ❖ Илмий адабиётлар таҳлили – муаммонинг қўйилишини асослаш
- ❖ Тадқиқот муаммосини ифодалашнинг процессуал тузилмаси

МУАММОНИНГ ИЗЛАНИШИ ВА ИФОДАЛАНИШИ

✓ Сиз бу бобда «тадқиқот муаммоси» тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий тадқиқот муаммосини ажратиш ва ифодалаши босқичлари, унинг тавсифномалари билан танишасиз.

«ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МУАММОСИ» ТУШУНЧАСИ МАЗМУНИ

Магистрант танлаган тадқиқот соҳасида муаммонинг мавжудлиги тадқиқот долзарбилигининг зарурий кўрсаткичи ҳисобланади.

||| **Муаммо** бу билиш билмаслик ўртасидаги ўзига хос чегарадир. У олдинги билим етарли бўлмаган, янги билим эса ҳозирча ривожланган шаклга эга бўлмаган ҳолатда пайдо бўлади.

Муаммо ҳар доим одамларнинг қандайdir самарали амалий ёки назарий ҳаракатларга эҳтиёжлари ҳақидаги билимлари билан уларни амалга ошириш йўллари ва воситаларини билмаслиги ўртасидаги зиддиятдир.

||| **Илмий маънодаги муаммо** бу билишни ривожлантириш жараёнида объектив тарзда вужудга келадиган масала ёки ечими амалий ёки назарий манфаат касб этадиган масалалар мажмуидир.

У айни шу пайтгача эришилган билимлар даражасининг етарли эмаслигини идрок этиш, қайд қилиш бўлиб, бу янги фактлар, алоқалар, қонунларнинг, мавжуд назариялардаги мантиқий хатоларни аниқлаш оқибати ёки амалиётнинг олинган билимлар доирасидан четга чиқишини талаб этадиган янги эҳтиёжларининг пайдо бўлиши оқибати ҳисобланади.

||| **Муаммони ҳал этиш** янги билимни олиш ёки у ёки бошқа ҳодисани изоҳловчи, ҳодисанинг хоҳлаган йўналишда ривожланишига таъсир кўрсатиш имконини берадиган омилларни аниқлаш демакдир.

||| **Илмий тадқиқот муаммосини ифодалаш** бу, ўз моҳиятига кўра, илмий тадқиқот мазмунининг кристаллаштирилишидир. Шунинг учун муаммонинг тўғри қўйилиши бутун иш муваффақиятининг гаровидир.

Муаммони тўғри қўйиш учун, танланган мавзудаги қўйидаги жиҳатларни билиш зарур:

- *ниманинг ишлаб чиқилганлигини,*
- *ниманинг заиф ишлаб чиқилганлигини,*
- қайси нарса устида ҳеч ким ишламаганлигини, буни факат мавжуд адабиётларни ўрганиш асосида бажариш мумкин.

ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ –МУАММОНИ ҚЎЙИШ УЧУН АСОС

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВАЗИФАЛАРИ

- тадқиқот мавзуи билан умумий ва батафсил танишиш
- тадқиқот мавзуининг янгилиги белгиларини аниқлаш
- тадқиқот муаммосини аниқлаш ва ифодалаш
- мавжуд позицияларни таснифлаш ва тадқиқот муаммоси бўйича нұқтаи назарларни қиёсий таҳлил этиш
- магистрлик диссертацияси мақсадлари ва вазифаларини белгилаш
- мавзунинг айrim жиҳатларини ишлаб чиқиш ёки ишлаб чиқмаслик бўйича кўшимча далилларни топиш (диссертация ишларида обрўли муаллифларга таяниш сезиларли рол ўйнайди)

Манбалар таҳлили кейинчалик диссертациянинг кириш қисмининг «Муаммонинг ўрганилиши даражаси» бўлимига киради. Муайян ахборот заҳирасига эга бўлгач, ҳақиқий муаммони сохта муаммолардан-ноаниқ аҳамиятга эга масалалардан бемалол ажратиш мумкин.

Адабиётлардан олинган ахборот илмий тадқиқот муаммосини кўйиши асослаш учун хизмат қиласди.

ТАДҚИҚОТ МУАММОСИНИ ИФОДАЛАШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТУЗИЛМАСИ



Мавзу – муаммо кўриб чиқиладиган ёндашув.

У ўрганиш обьектини шу иш учун хос бўлган муайян жиҳатда тақдим этади.

Мавзунинг лўнда баёнда долзарблаштирилишида қўйидагилар кўрсатилиди:

- танланган мавзу жиҳатидан олганда илмий фан назарияси ва амалиёти олдида аниқ шароитларда қандай вазифалар турибди;
- олдинги тадқиқотчилар томонидан **нималар бажарилган** (умуман, конспектив баёнда);
- ушбу диссертация тадқиқотида **нималарни бажарии керак бўлади**.

Шу асосда ягона обьект ва унинг ҳолатлари ичida ўзаро бир-бирини истисно этадиган ва ўзаро бир-бирига сингиб кетадиган зиддиятларнинг ўзаро ҳаракати сифатидаги **зиддият ифодаланади**.

Зиддият қўйидагиларда ифодаланиши мумкин:

- бир обьектга нисбатан икки тушунчанинг бир-бирига мос келмаслигига ёки ўзаро бир-бирини истисно қилишида;
- жараённинг кечишини турлича тушунишда ва изоҳлашда;
- қандайдир катталикларнинг муайян омилларга боғлиқлиги ёки боғлиқ эмаслиги ҳақидаги нуқтаги назарларда;
- қандайдир зиддиятлар ўртасидаги албатта бир тадқиқот обьекти юзасидан келишмовчилик, мувофиқ бўлмаслик сифатида.

Шу пайтгача ҳеч ким томонидан ечими аниқланмаган амалий вазифаларга нисбатан ўзгариб турувчи шароитларда **илмий ёндашувнинг зарурлиги асосланади**.

Аниқланган зиддият ва уни ҳал этиш учун илмий ёндашувнинг зарурлигини асослаш асосида диссертация тадқиқоти **муаммоли ифодаланади**.

☝ *Муаммонинг ифодаланиши – муҳим босқич, чунки агар савол нотўғри берилган бўлса, унда янги натижани кутиши беҳуда.*

*Бунда нафақат янгича ифодани излаш, балки масалани **муаммоли тарзда қўйиш** керакки, бунинг учун иш номида иккита марказий категориялар берилиши ва улар ўртасида муаммоли нисбат бўлиши керак.*

Муаммоли турли усувлар, шу жумладан қўйидагича боғловчилар билан **берилади**:

«ва» («...иктисодиёт ва маданият...»),

«сифатида» («солиқ сиёсати кичик бизнесни рағбатлантириш воситаси сифатида) ва ҳоказо.

Мисол.

Илмий тадқиқот муаммоси. Ўзбекистонда ҳозирги вақтда касбий консалтингни ташкил этишга ёрдам берадиган жараёнлар юз бермоқда. Айни бир пайтда, айрим таҳлилчиларнинг баҳолашларига кўра, Ўзбекистондаги касбий консалтинг хизматлари бозорининг камидаги 30% ни хорижий фирмалар банд қилган. Бунда давлат ташкилотлари, шунингдек тижорат банклари ва компаниялар-экспортчилар хорижлик маслаҳатчилар ва аудиторлар билан ишлашга интилишади. Буларнинг ҳаммаси шундан далолат берадики, Ўзбекистонда тўлақонли консалтинг хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантириш ишларини фаоллаштириш зарур. Ўзбекистон иқтисодиётининг Президент И.А.Каримов ташаббуси билан миллий ғоя ва давлат сиёсати сифатида 1991 йилда мустақиллик кўлга киритилганидан сўнг бошлаб юборилган ислоҳотларининг асосий мақсади тўлақонли инфратузилмани ривожлантириш ва қонунчилик ва меъёрий-хуқуқий базани такомиллаштириш воситасида барқарор фаолият юритадиган чинакам бозор муносабатларини яратишдан иборат. Шунингдек бу ислоҳотлар республиканинг халқаро ҳамжамият таркибига интеграциялашув ва глобаллашувнинг обьектив жараёнларининг тўла хуқуқли иштирокчиси сифатида кириб боришига ёрдам бериши керак. Консалтинг соҳасидаги хориждаги методологик ёндашувлар ва маҳаллий ишланмалар асосида корхоналарнинг аниқ бизнес-муаммоларини ҳал этишга нисбатан касбий ва бир тизимили ёндаша оладиган мустақил маслаҳатчиларни жалб қилиш юзасидан ҳамма жойда қўлланилаётган амалиёт ана шу вазифаларнинг ечимига кўмаклашиши керак.

Бироқ обьектив сабабларга кўра Ўзбекистонда консалтинг хизматлари бозорининг равнақи ҳақида гапиришга ҳали эртароқ. Масалан, мавжуд аҳволни баҳолашда бир қатор характерли муаммоларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- консалтингнинг ҳамма йўналишлари ҳам маҳаллий маслаҳатчилар томонидан қамраб олинманган;
- барча маслаҳатчилик фирмалари ҳам аниқ ихтисослашмаган;
- кўрсатилаётган хизматлар сифати баъзан анча паст; хизматларнинг барча турлари бўйича барқарор доиралар йўқ;
- хизматларнинг айрим турлари нархларида катта фарқлар бор. Бундан ташқари, консалтингнинг хизматлар соҳаси сифатидаги ўзига хос хусусиятини, яъни айнан хизматларни тақдим этиш жараёнидаги шаффоғ эмаслик ва муҳлатларнинг ноаниклигини, шунингдек хизматларни кўрсатиш натижалари ва самарадорлигини обьектив баҳолашдаги қийинчиликларни ҳисобга олиб, Ўзбекистонда ташқи маслаҳатчиларни фаол жалб қилиш бизнес-маданияти ва, бинобарин, бундай маслаҳатларга муносиб ҳақ тўлаш анъаналари ҳозирча етарлича ривожланмасдан қолмоқда.

Магистрлик диссертациясининг танланган муаллифлик аннотацияси билан ишлашни давом эттиринг.

Саволларга жавоб беринг:

1. Тадқиқот муаммоси аниқ ифодаланганми? Уни ифодаланг.
2. Муаммо қандай зиддиятнинг оқибати ҳисобланади? Бундай зиддиятни кўрсатинг.
3. Бу муаммо илгари ўрганилганми? Ким томонидан? Диссертация муаммоси бўйича мавжуд муаллифлик позициялари қандай? Қандай вазифалар ҳал этилмаган ва илмий ёндашувни талаб қиласди?

ФАРАЗНИНГ ИЛГАРИ СУРИЛИШИ ВА ИФОДАЛАНИШИ

2.5



- ❖ «Фараз» тушунчаси мазмуни
- ❖ Фаразлар турлари
- ❖ Фаразларни илгари суриш қоидалари
- ❖ Фаразни қуришнинг процессуал тузилмаси

ФАРАЗНИНГ ИЛГАРИ СУРИЛИШИ ВА ИФОДАЛАНИШИ



Сиз бу бобда «фараз» тушунчасининг нима эканлиги, фаразларнинг қандай турлари мавжудлиги, уларнинг аҳамияти ва роли нимадан иборатлигини билиб оласиз, фаразларни илгари сурини, текшириши ва ифодалаши қоидалари билан танишасиз.

«ФАРАЗ» ТУШУНЧАСИ МАЗМУНИ

Биз муаммога дуч келишимиз ҳамон миямиз уни ҳал қилиш усулларини қуришга – ФАРАЗЛАРНИ КАШФ ҚИЛИШГА киришади.

|| **Фараз (гипотеза)** (қадимги грек тилидан - асос, тахмин) — олдиндан ўрганилган фактлар, ҳодисалар, жараёнларнинг муайян мажмуига асосланган, уларни изоҳлаш учун илгари суриладиган ва тасдиқланиши ёки инкор этилиши лозим бўладиган назарий тахмин.


|| **Тадқиқот фарази** – бу бевосита кузатилаётган ҳодиса, ўрганилаётган ҳодисанинг тузилиши ёки унинг таркибий қисмлари ўртасидаги алоқалар хусусияти ҳақидаги илмий асосланган тахминдир.Faразлар мавжуд фактлар асосида ишлаб чиқилади.

|| **Хулоса сифатидаги фараз** объектив воқеликда ўз илдизларига эга бўлади, фикрнинг бевосита кузатилаётган ҳодисалардан уларнинг сабабли изоҳланишигача бўлган ҳаракати ҳисобланади.

Фаразнинг табакалаштирувчи белгилари

- *фаразнинг уни яратиш учун асос бўлган ва асосланиши учун яратилган фактларга мувофиқлиги*
- *текширилувчанлиги*
- *имкони борича кенгрок ҳодисалар доирасига нисбатан нисбат берилиши мумкинлиги*
- *нисбатан соддалиги*
- *мазмунида муаммони ҳал этиши усуллари ва натижалари ҳақидаги тахминнинг мавжудлиги*
- *мантиқан зид келмаслиги*
- *натижага йўналтирилганлиги*

ФАРАЗЛАР ТУРЛАРИ



**Фаразлар тушунчаларнинг назарий талқин этилишини
такрорловчи иерархик тизимларни ҳосил қиласди**

Фаразнинг ифодаланиши – тадқиқотнинг назарий тайёрланишининг якунловчи қисми.

Диссертациянинг назарий бўлимини муайян базавий фараз негизида қурилиши мумкин бўлиб, у мантиқий далиллаш, обрўли муаллифларга таяниш, амалиётга ва масала тарихига мурожаат этиш йўли билан асосланади.

👉 Агар тадқиқотчи **фаразларни ифодалаган бўлса**, унда эмпирик маълумотлар уларни текшириш, тасдиқлаш ёки инкор қилиш учун хизмат қиласди.

Агар аввал-бошидан **фаразлар илгари сурилмаган бўлса**, унда тадқиқотнинг илмий даражаси кескин пасаяди, унинг натижалари ва умумлашмалари эса у ёки бошқа индикаторларнинг фоизли ифодалари баёнлари ва анча жўн тавсиялардан иборат бўлиб қолади.

ФАРАЗЛАРНИ ИЛГАРИ СУРИШ ҚОИДАЛАРИ

- Фараз ўзи тегишли бўлган барча фактлар билан келишган бўлиши ёки, ҳеч бўлмаганда, уларга мувофиқ бўлиши керак.
- Фактлар туркумини изоҳлаш учун илгари сурилган қўплаб бир-бирига зид бўлган фаразлар ичида шу фактларнинг энг қўпини бир хилда изоҳлайдигани мақбулроқдир.
- Фактларнинг боғланган туркумини изоҳлаш учун имкони борича камрок фаразларни илгари суриш керак ва улар имкони борича маҳкамроқ боғланган бўлиши керак.
- Faразларни илгари суришда унинг хulosаларининг эҳтимолли тусини идрок этиш зарур.
- Бир-бирига зид келадиган фаразларга асосланиб иш қилиш мумкин эмас.

ФАРАЗЛАРНИ ҚУРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТУЗИЛМАСИ



Ушбу фактлар доирасини изоҳловчи сабаб ҳақидаги тахмин тузилади

Йўл қўйилган сабабдан оқибатлар ажратилади ва тажрибадаги маълумотлар билан қиёсланади

Унинг фаразнинг тасдиқланиши ёки инкор этилишига олиб борадиган барча қоидалари астойдил текширилади:

- *тасдиқлаш* учун унинг эмпирик маълумотларнинг имкони борича кўпроғи билан келишуви талаб қилинади;
- *инкор қилиши* учун тажрибага мос тушмаган бир фактнинг ўзи етарли.



Фаразнинг ифодаланишидаги «клишелаштирилган» иборалар ва сўз бирикмалари:

- «агар..., унда...»
- «чунки ...»
- «бўлгани ҳолда...»


Улар тадқиқотчининг эътиборини ҳодисанинг моҳиятини очии, сабабли-оқибатли алоқаларни белгилашга қаратади.

МИ

Магистрлик диссертациясининг танланган муаллифлик аннотацияси билан ишлашни давом эттиринг ва ушбу тадқиқот фаразини ифодалашга ҳаракат қилинг.

ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИННИГ БЕЛГИЛАНИШИ ВА ВАЗИФАЛАРИНИНГ ҚЎЙИЛИШИ. ТАДҚИҚОТ УСЛУБЛАРИНИНГ ТАНЛАНИШИ

2.6



- ❖ «Тадқиқот мақсади» тушунчасининг мазмуни
- ❖ «Тадқиқот вазифалари» тушунчасининг мазмуни
- ❖ Диссертация тадқиқоти вазифалари қўйилишининг процесдуал тузилмаси
- ❖ Тадқиқот мақсадлари ва типи, янгилик элементлари асосидаги вазифалар доираси
- ❖ Муаммони ҳал этиш вазифаларининг қўйилиши
- ❖ Илмий тадқиқот услублари

ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИННИГ БЕЛГИЛАНИШИ ВА ВАЗИФАЛАРИНИНГ ҚҮЙИЛИШИ. ТАДҚИҚОТ УСЛУБЛАРИНИНГ ТАНЛАНИШИ

✓ *Сиз бу бобда тадқиқот «мақсадлари» ва «вазифалари» тушунчалари, тадқиқот вазифаларини қўйилиши алгоритми, илмий тадқиқот услублари билан танишасиз.*

«ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ» ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУНИ

Магистрлик диссертацияси мавзуи тадқиқот ўзагини ташкил қилувчи ва янгилик, оригиналликнинг муҳим белгиларига эга масалалар доирасига чиқиб олишни таъминлайди.

||| **Тадқиқот мақсади** бу тадқиқотчи ўз ишини якунлашда эришишни хоҳлаган пировард натижадир.

Муаммо ечими магистрант ишининг мақсади сифатида кўриб чиқилади.

Мақсад тадқиқотнинг характеристи, бориши ва вазифаларини белгиловчи ўзига хос охирги сабабдир.

Шу асосда иш тузилишининг аниқ мақсадга бўйсундирилиши керак бўлган мантиқийлиги келиб чиқади.



**Тадқиқот мақсадини ифодалашдаги «клишелаштирилган»
иборалар ва сўз бирикмалари:**

- «аниқлаш...»
- «белгилаш...»
- «асослаш...»
- «аниқлаштириш...»
- «ишлаб чиқиш...»

Мисоллар.

Тадқиқот мақсади Ўзбекистонда консалтинг хизматлари бозори фаолият юритиши механизмини такомиллаштиришнинг ташкилий-иктисодий чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш асосида консалтинг хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга нисбатан назарий-методологик ёндашувларнинг асосланишидан иборат.

Тадқиқот мақсади бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлаш учун улардаги стратегик режалаштириш самарадорлигини ошириш бўйича илмий-услубий ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилишидан иборат.

Тадқиқот мақсади Осиёнинг янги саноат мамлакатларидаги рақобатбардошлик стратегияларини иқтисодий таҳлил этиш асосида улар ривожланишининг ижобий тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланишининг адаптацион имкониятларини белгилашдан иборат.

«ТАДҚИҚОТ ВАЗИФАЛАРИ» ТУШУНЧАСИ МАЗМУНИ

Тадқиқот вазифалари бу илгари сурилган фаразга мувофик мақсадга эришиш учун йўллар ва воситаларнинг танланишидир.

 *Вазифаларни мақсадга эришиш учун қилиншии зарур бўлган нарсанинг тасдиқланишии шаклида ифодалаши энг маъқул вариантидир.*

Вазифаларнинг қўйилиши тадқиқот мақсадининг кичик мақсадларга бўлинишига асосланади. **Вазифаларнинг санаб ўтилиши** унчалик мураккаб бўлмаган вазифалардан энг мураккаб, қўпроқ меҳнат талаб қиласиган вазифаларга томон юриш тамойили бўйича қурилади, уларнинг сони эса тадқиқотнинг теранлиги билан белгиланади.

 *Вазифаларни жуда синчиклаб ифодалаши зарур, чунки кейинчалик улар ечимларининг баёни боблар мазмунини ташкил этади. Боблар сарлавҳалари айни шу вазифалар ифодаларидан ҳосил бўлади.*

Илмий тадқиқотнинг типик вазифалари

- тадқиқ қилинаётган ҳодисани *баён қилиши*
- сабаблар ва шартларни *аниқлаш*
- сабабларни *изоҳлаш*
- тадқиқ қилинаётган ҳодисаларнинг таснифини *қуриши* қонуниятни *аниқлаш ва асослаш*
- *мазмунни тушуншиш ва изоҳлаш*
- аниқланган, баён қилинган ва изоҳланган ҳодиса учун *ном бериш* (яъни янги атамани илмий муомалага киритиш).

ДИССЕРТАЦИЯ ТАДҚИҚОТИ ВАЗИФАЛАРИ ҚЎЙИЛИШИННИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТУЗИЛМАСИ

1

Аниқ илмий ёки техник вазифани ҳал этишга эҳтиёжнинг аниқланиши. Мавжуд вазиятдаги ҳолатни қандай ўзгартиришни билмаган, бунга ҳеч ким ёрдам бера олмайдиган ҳолда уни ўзгартириш юзасидан кучли хоҳиш-истак пайдо бўлишида ифодаланади (маълум технологиялар хоҳлаган самараага эришишга имкон бермайдиган ҳолда техник ёки маъмурий зиддият даражасида-эмпирик факт ёки таъсир қўрсатиш натижасини башорат қилишни изоҳлаш зарур бўлганида эҳтиёж пайдо бўлади).

2

Илмий тадқиқотни ўтказишга эҳтиёжнинг белгиланиши.

Агар илмий тадқиқот маълум ва ҳамма томонидан қилиниши мумкин бўлса, унда бундай тадқиқотни ўтказиш талаб этилмайди.

Марказий илмий, кўпинча илмий-оммавий нашрлар бўйича батафсил таҳлил ўтказилганидан кейин ва шунга ўхшаш ечимлар топилмаганида олим оригинал ечимни топиш учун тўлиқ илмий тадқиқотни ўтказиш бўйича режа тузиши керак бўлади.

3

Илмий тадқиқот мақсадларининг белгиланиши ва жойжойига қўйилиши.

Мақсад — эҳтиёж маҳсули. Аниқ ифодаланган эҳтиёж кўпинча мақсадни белгилайди. Илмий тадқиқотни ўтказишда асосий мақсад шу асосий мақсаддан келиб чиқадиган, жами бўлиб илмий-техник ишга сингиб кетадиган кичик мақсадларга бўлинниб кетади. Уларни

ўз ўринларига тўғри жойлаштириш зарур, шунда мақсадларнинг жой-жойига тушиши ва илмий изланишдаги муайян изчиллик ҳосил бўлади.

Диссертациянинг предметли соҳасининг бир тизимга солиниши.

Бир тизимлилик — илмийликнинг муҳим белгиларидан бири. Билимнинг илмий тизимга солиниши тўлиқликка интилиш, бир тизимга солишликнинг асослари ва уларнинг зиддиятли эмаслиги ҳақидаги аниқ тасаввур билан тавсифланади. Бир тизимлилик тадқиқот предмети ва обьектини таснифлаш маҳорати орқали амалга оширилади. Таснифлаш тадқиқотни нафақат бир тизимли қиласди, шу билан бирга диссертант ишлаб чиқаётган илмий нуқтани аниқ белгилайди.

Таснифлашга талаблар – предметли соҳани 3 – 6 та муҳим белгиларга қараб бўлиш, равшанлик ва кўргазмалик, бир тизимга солинаётган предметли соҳанинг имкони борича тўлароқ қамраб олинишидир.

Шартлар ва чеклашларнинг белгиланиши илмий вазифани ҳал этиш имкониятлари ва реаллигини баҳолашга имкон беради. Одатда айни шу чеклашлар, шартлар, бошланғич маълумотлар ҳатто фантастик лойиҳани ҳам илмий вазифага айлантиради.

Чеклашлар қуидагиларда бўлади:

- замонда,
- моддий,
- ахборотчилик,
- энергетик.

Бир даражада пастроқ, сизнинг илмий изланишингизнинг энг чуқур мазмунигача етиб бориб, айнан сизнинг нуқтаи назарингиз, услубиётингиз, тузилма, технология, конструкциянгизни бошқаларидан фарқлайдиган ўзига хос хусусиятларни аниқлаш мумкин бўлади.

Илмий тадқиқот вазифаларининг белгиланиши. Бу босқичда илмий тадқиқот вазифаларининг ифодаси берилади, улар макон ва замондаги, моддий воситалар, энергия ва ахборотлардаги айrim бошланғич маълумотлар, чеклашлар ва шартлардаги тадқиқот мақсадларидан иборат бўлади. Бўлғуси диссертация пойдевори материал йигиладиган муаммоларга мувофиқ равишда қисмларга ажралади: таҳлил, назария, синов, амалиёт.


Тадқиқот мақсадлари ва типи, янгилик элементлари асосидаги вазифалар доираси

- Маълум ғояларнинг чуқурлаштирилиши, уларнинг фойдасига мантиқий ва амалий тусдаги қўшимча далилларнинг келтирилиши, янги ҳаётий фактлар ёки ракибларнинг далиллари муносабати билан уларнинг ҳимоя қилиниши;
- масаланинг ривожланган назариясининг яратилиши, унга маълум ғоялар асосида амалий тусдаги фактларнинг қўшилиши;
- янги ғояларнинг илгари суримиши, янги таклифларнинг ишлаб чиқилиши, янги хулосаларнинг олиниши, янги шакллар ва қонуниятларнинг очилиши, эски хулосалар ва қоидаларнинг қайта кўриб чиқилиши, шакллар, категориялар, қонунларнинг янгича талқин қилиниши;
- янги назариялар, концепцияларнинг ифодаланиши.

Адабиётларга мурожаат этиш, уларнинг танланиши, улар устидаги ишнинг мантиқийлиги ва изчиллиги муаммонинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади, сизнинг саъй-ҳаракатларингизнинг аниқлиги ва самарадорлиги эса муаммонинг қўйилишининг аниқлиги ва мантиқан тўғрилигига боғлиқ бўлади.

МУАММОНИ ҲАЛ ЭТИШ ВАЗИФАЛАРИНИНГ ҚЎЙИЛИШИ

Ишда, одатда, тадқиқот УМУМИЙ МУАММОСИНИНГ турли ЖИҲАТЛАРИ билан боғлиқ БИР НЕЧА ВАЗИФАЛАР ифодаланади:



Муаммони ҳал этиш жараёнидаги вазифалар:

- **Назарий тушунчаларнинг ушбу тадқиқотда қўлланиладиган жиҳатларини аниқлаш.**
- **Амалий муаммоларнинг назарий билим даражасидаги таҳлилини ўтказиш ва бу билан унинг натижалари, хуносалари ва тавсияларининг илмий асосланишини таъминлаш.**
- **Ўрганилаётган ҳодисаларнинг миқдорий, статистик кўрсаткичлар ёрдамидаги ўлчаниши ва рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш.**

Кўйилган муаммо диссертациянинг кириш қисмида **тадқиқот мақсадининг ифодасида акс эттирилиши керак**. Ўз навбатида, мақсад тадқиқот тактикасини — аниқ қадамларнинг изчиллигини – муаммони ҳал этишга асос бўладиган **тадқиқотчилик вазифаларини** белгилайди.



Мисоллар.

Тадқиқотнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- консалтинг моҳиятини, унинг бозор муносабатларининг ҳозирги тизимидағи роли ва ўрнини ўрганиш;
- ўтиш иқтисодиёти шароитида консалтинг хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантиришнинг институционал негизларини такомиллаштириш;
- консалтинг фаолиятини тартибга солиш борасидаги хорижий тажрибани қиёсий таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда маслаҳатчилик хизматлари кўрсатиш тажрибасини умумлаштириш;
- консалтинг соҳасидаги бизнес-муҳит ва асосий муаммоларни таҳлил этиш;
- консалтинг лойиҳаларининг натижадорлигини баҳолаш;
- мониторингни ташкил этиш ва консалтинг лойиҳалари самарадорлигини ошириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари. Кўйилган мақсадга мувофиқ ишда қуйидаги вазифалар белгиланган:

- Ўзбекистон иқтисодиётини замонавийлаштириш шароитида саноат корхоналаридаги стратегик режалаштиришни баҳолаш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш;
- саноат корхоналаридаги стратегик режалаштириш бўйича хорижий тажрибани таҳлил этиш ва уни республиканинг хўжалик юритувчи субъектлари учун кўнигириш имкониятларини ўрганиш;
- саноат корхонасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг услугий ёндашувларини асослаш;
- саноат корхоналаридаги стратегик режалаштириш тизимини ташқи муҳитдаги ўзгаришларни хисобга олиб такомиллаштириш;
- металургия комплекси корхоналарини ривожлантириш тенденцияларини белгилаш ва уларнинг хўжалик юритишнинг бозор шароитларига кўнишишини асослаш;
- бозор иқтисодиёти шароитида металургия корхоналаридаги стратегик режалаштириш самарадорлигини баҳолаш услубларини ишлаб чиқиш.


Диссертация мазмунини ташкил этувчи муаммо ечимининг варианти аввал-бошда тадқиқотнинг асосий фарази сифатида кристаллаштирилади (схемага қаранг). Бу диссертация матнида текширилиши ва далиллар билан асосланиши керак бўладиган синовли ечимдир. Пировард натижада адабиётлар билан ишлаш ана шу вазифага хизмат қиласди.



Бу билан диссертациянинг схемаси қурилади. Ҳар бир банд янгилик, фойдалилик, ишончлилик тавсифномаси билан тўлдирилади.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ УСЛУБЛАРИ

Илмий тадқиқот услуби бу муайян билиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда маълум билиш вазифаларини ҳал этишга қаратилган ақлий ва (ёки) амалий операциялар (тартиб-қоидалар) тизимиdir.



Тадқиқотнинг эмпирик услублари:

- **Сұхбат** – Т.У., жавоб берувчи билан шахсий алоқаны назарда тутади.
- **Кузатув** – әңг күп ахборотли Т.У., идрок этиш мүмкін бўлган ўрганилаётган жараёнлар ва ҳодисаларни четдан туриб кўришга имкон беради.
- **Текшириш** – бу тадқиқ қилинаётган объектнинг у ёки бошқа даражадаги теранлик ва деталлаштириш билан ўрганилиши бўлиб, бу тадқиқот мақсадлари ва вазифалари билан белгиланади.
- **Тажриба иши** – жараёнга янада юксак натижаларни олиш мақсадида олдиндан ўзгартиришлар, инновацияларни киритиш услуби.
- **Синов** - умумий эмпирик Т.У., у бошқариладиган шароитда ўрганилаётган объектлар устидан қатъий назорат юритилишига асосланади.



Мисоллар.

Қўйилган вазифаларни ишлаб чиқиш ва ҳал этишда умумилмий **тадқиқот услублари**: тизимли-тузилмавий, сабабли-оқибатли, қиёсий, омилли таҳлиллар, экспертлик баҳолари ва кузатишлари услублари қўлланилди, улар муаллифнинг қўйилган мақсадга эришиш ва тадқиқот вазифаларини ҳал этиш учун илмий изланишни янада тўлароқ ташкил этишига имконият яратди. Консалтинг хизматлари бозори жорий ҳолатининг таҳлили жадваллар, схемалар ва диаграммалардан фойдаланиб бажарилган.

Тадқиқот услублари. Тадқиқот жараёнида илмий билишнинг замонавий услублари, шу жумладан мантиқий, қиёсий ва иқтисодий – статистик таҳлил, тизимли-тузилмавий ёндашув, SWOT- таҳлил ва бошқа услублар қўлланилди.

Тадқиқот услублари. Тадқиқотлар тизимли таҳлил, корреляцион-рефессион, омилли ва қиёсий иқтисодий таҳлил, статистик маълумотларни гурӯхлаш каби ва бошқа умумилмий услубларга асосланди.

МИ

Магистрлик диссертациясининг танланган муаллифлик аннотацияси билан ишлашни давом эттиринг.

Кўйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Муаллиф ифодалаган тадқиқот мақсади тадқиқотнинг хусусияти, бориши ва вазифаларини белгилайдими?

2. Муаллиф қўйган вазифалар тадқиқотнинг умумий муаммосини, мақсадга эришиш йўллари ва воситаларини танлашни акс эттирадими?
3. Сизнингча, тадқиқотнинг қандай услублари фаразни текшириш ва муаллиф қўйган муаммони ҳал этишга имкон беради?

ИЛМИЙ - ТАДҚИҚОТЧИЛИК ИШИННИНГ РЕЖАЛАШТИРИЛИШИ

2.7



- ❖ «Илмий иш режаси» тушунчаси мазмунни
- ❖ Фаолиятни режалаштиришнинг процессуал тузилмаси
- ❖ Магистрлик диссертацияси режасини тузиш
- ❖ Магистрлик диссертацияси режасининг тузилиши ва мазмуний параметрлари
- ❖ Режага талаблар
- ❖ Режалаштириш турлари
- ❖ Илмий тадқиқот (магистрлик иши)нинг намунавий тақвимий режаси

ИЛМИЙ - ТАДҚИҚОТЧИЛИК ИШИННИГ РЕЖАЛАШТИРИЛИШИ

✓ Сиз бу бобда ўзингизнинг илмий-тадқиқотчилик ишингизни қандай режалаштириши кераклигини билиб оласиз.

«ИЛМИЙ ИШ РЕЖАСИ» ТУШУНЧАСИ МАЗМУНИ

||| **Илмий иш режаси** жамулжам ҳолида унинг моҳиятини акс эттиради. Бу муаллиф айтмоқчи бўлган нарсанинг схематик ифодасидир.


Режа тадқиқот жараёнида ўзгариши мумкин, чунки обьектни ўрганиш ва илмий вазифа ечимининг янги жиҳатлари топилиши мумкин.

☞ *Режалаш содда ёки мураккаб бўлиши мумкин. Содда режа асосий масалалар рўйхатини ўз ичига олади. Мураккаб режада ҳар бир боб параграфларга бўлинади.*

Баъзан комбинациялашган режа тузилади, унда айрим боблар параграфларга бўлинади, бошқалари эса қўшимча руқнларсиз қолаверади.

||| **Тадқиқот дастури** бу аниқ мавзу устидаги бўлғуси ишнинг моҳияти ва таркибий қисмлари ҳақидаги аниқ тасаввурдир.

ФАОЛИЯТНИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТУЗИЛМАСИ




Фаолият *мақсадларини* топиш (тактика): аниқ вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши.

4 Фаолият *тамойилларини* белгилаш: тарихийлик, полицентризм, кўп ўлчамлилик, анъаналар ва янгиланишнинг бирлиги, интеграция ва дифференциациянинг ўзаро алоқаси, қадриятлар борасидаги бағрикенглик, диалогчилик, легитимлилик, инсонпарварлик.

5 Фаолият *йўналишларини* танлаш: фаолият обьекти ва предметига қараб танланади ва унга ҳар томонлама таъсир кўрсатишни таъминлаши керак ёки, жуда бўлмагандан, обьектнинг энг муҳим томонларига дахл қилиши лозим.

6 Фаолият *вазифаларини* ифодалаш: фаолият ниҳоясида кутилган натижаларни олиш учун ечилиши лозим бўлган аниқ муаммолар ва масалалар ва фаолиятнинг стратегик мазмунининг тегишли йўналишларда мужассамлаштирилиши.

МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИ РЕЖАСИННИГ ТУЗИЛИШИ



МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИ РЕЖАСИННИГ ТУЗИЛМАСИ ВА МАЗМУНИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ



РЕЖАГА ТАЛАБЛАР:

- масалалар танланган мавзуга мувофиқ бўлиши ваунинг доирасидан четта чиқмаслиги керак;
- мавзу масалалари мантиқий изчилликда жойлашиши керак;
- режага тадқиқотнинг асосий жиҳатларини акс эттирадиган мавзу масалалари киритилиши керак;
- мавзу ҳар томонлама тадқиқ қилиниши лозим.

РЕЖАЛАШТИРИШ ТУРЛАРИ

- **Ишчи режаси** – тадқиқотнинг қоралама нусхаси, у кейинчалик аниқ белгиларга эга бўлади.

⌚ *Изчил бўйимлар ўртасидаги мантиқий боғланиши иичи режасининг яроқлилигининг зарурий шартидир.*

- **Режа-проспект** – мантиқий тартибда жойлашган масалаларнинг рефератив баёни, кейинчалик улар бўйича бутун тўпланган фактик материал бир тизимга солинади.

- **Тақвимий режа** – илмий-тадқиқотчилик ишидаги асосий босқичларнинг тадқиқот режаси (дастури)га, ишларни бажаришнинг тақвимий муддатлар, моддий харажатларига (режа-график) мувофиқ бир тартибда баён қилиниши.

**ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ (МАГИСТРЛИК ИШИ) НИНГ НАМУНАВИЙ
ТАҚВИМИЙ РЕЖАСИ**

№ т\rп	Иш босқичининг асосий мазмуни	Натижалар	Бажарилиши муддати
1	Тадқиқот предметининг белгиланиши	Мавзунинг танланиши	25 сентябрь
2	Кутубхона фондлари ва электрон ресурслар билан танишиш	Библиографик рўйхат тузилган	сентябрь
3	Илмий иш мавзуининг раҳбар томонидан тасдиқланиши	Мавзу тасдиқланган, илмий раҳбар тайинланган	октябрь
4	Манбалар ва хужжатларнинг йиғилиши ва ўрганилиши	Хужжатлар ва манбалар топилган ва ўқиб чиқилган, библиографик рўйхат тўлдирилган, кўчирмалар, конспектлар, рефератлар бажарилган	сентябрь — январь
5	Иш тузилмасининг белгиланиши	Илмий иш режаси тузилган	15 октябргача
6	Айрим қисмларнинг ёзилиши	Манбалар ва адабиётлар шархи ёзилган, ишнинг айрим бўлимларининг қоралама нусхалари бажарилган	тахлил - 1 дек.; 1-боб - 1 янв.; 2-боб - 1 февр.; 3-боб - 1 март
7	Ишнинг умумий хулосаларининг ифодаланиши	Ишнинг ҳар бир қисмининг хулосалари ифодаланган, хулоса ёзилган	15 март
8	Маъруза тезислари матнининг ёзилиши	Тезислар тайёрланган ва раҳбарга топширилган	15 март
9	Иш номи, мақсадлари, асосий вазифаларининг аниқлаштирилиши ва уларнинг хулосаларга мувофиқлиги	Кириш ёзилган, иш номига, иш мақсадлари ва вазифалари ифодаларига ўзgartiriшлар киритилган	30 март
10	Иш матни қоралама нусхасининг тайёрланиши ва раҳбарга тақдим этилиши	Қоралама матнининг ёзма расмийлаштирилиши	1 апрель
11	Тузатишлар киритилиши	Илмий раҳбарнинг фикр-мулоҳазалари хисобга олинган	10 апрель
12	Ишнинг расмийлаштирилиши	Охирги вариант қоғозга туширилган	20 апрель
13	Конференцияда маъруза қилиш	Маъруза қилинди	24-25 апрель
14	Ишнинг топширилиши	Иш топширилди	30 апрель

 *Магистрант ишларни бажарышнинг мантиқий кетма - кетлигини шундай қура билиши керакки, бундай навбатлилик белгиланган муддатларда қўйилган мақсадга эришишига ва илмий вазифанинг ҳал этилишига олиб келиши керак. Ишда шу вақтда диққат-эътибор тўпланиши керак бўлган асосий нарса ажратиб кўрсатилиши керак, лекин шу билан бирга деталлар эътибор доирасидан четда қолиб кетмаслиги лозим.*

**III ҚИСМ.
МАГИСТРИК
ДИССЕРТАЦИЯСИНИ
РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ҲИМОЯ
ҚИЛИШ**

- 3.1 Диссертациянинг тузилиши ва асосий мазмуни**
- 3.2 Расмийлаштиришга нисбатан асосий талаблар**
- 3.3 Диссертацияни ҳимоя қилиш**

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА АСОСИЙ МАЗМУНИ

3.1



- ❖ Диссертация ишининг тузилиши
- ❖ Титул варағи ва мундарижа
- ❖ Кириш
- ❖ Асосий қисм
- ❖ Хулоса
- ❖ Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
- ❖ Иловалар

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА АСОСИЙ МАЗМУНИ

✓ Сиз бу бобда магистрлик диссертациясининг тузилиши ва мазмуний кўрсаткичлари билан танишасиз.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Диссертация ишининг муайян композицион тузилиши анъанавий тарзда қарор топган, унинг асосий элементлари қуидаги тартибда жойлашган бўлади:

1. Титул варафи
2. Мундарижа
3. Кириш
4. Асосий қисм (3 боб)
5. Хулоса
6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
7. Иловалар.


(Қаранг: Магистрлик диссертация ишининг тузилмавий-мантикий схемаси)

ТИТУЛ ВАРАФИ ВА МУНДАРИЖА

Титул варафи диссертация ишининг биринчи саҳифаси ҳисобланади ва қатъий белгиланган қоидалар бўйича тўлдирилади.

Титул варафидан кейин **мундарижа** жойлаштирилади. Боблар ва параграфларнинг шу ерда кўрсатилган номлари, шунингдек, уларнинг изчиллиги диссертация матни ва диссертациянинг мантикий схемасига мутлақо мос бўлиши керак.

Магистрлик диссертация ишининг тузилмавий-мантиқий схемаси



Киришда диссертация тадқиқотининг методологик аппарати ўз аксини топади. У ҳимояга тайёрланган диссертация ишининг кенг аннотацияси шаклида расмийлаштирилади.

Кириш одатда диссертация умумий ҳажмининг 10-15% ни ташкил этади.

Киришда қўйидагилар акс эттирилади:

➤ **Тадқиқот мавзуининг долзарблиги.**

Диссертациянинг композицион тузилиши нуқтаи назаридан олганда мавзуу долзарблигининг асосланиши кириш қисмининг тахминан бир саҳифасини эгаллаши ва ушбу мавзуга нима учун айни ҳозир мурожаат қилишнинг мақсадга мувофиқлиги, илмий ва амалий зарурат нимадан иборатлиги, тадқиқот предмети ҳақидаги ҳозирги илмий тасаввурларнинг қандай ҳолатда эканлиги изоҳлаб берилиши керак.

➤ **Тадқиқот мақсадлари ва вазифалари.**

Бу диссертация тадқиқотининг стратегияси ва тактикасидир. Диссертация тадқиқотининг мақсадини ифодалашда шуни назарда тутиш керакки, диссертация учинчи бобининг номи ва мазмуни мақсадни очиб бериши лозим. Вазифаларнинг санаб ўтилиши имплицит равишда бутун иш матнининг режаси ва ички мантиқини беради.

➤ **Муаммонинг ишлаб чиқилганлик даражаси.**

Бу ерда ушбу муаммонинг турли жиҳатлари билан шуғулланган мамлакатдаги ва чет эллардаги олимларни санаб ўтиш, етарли даражада ёритилмаган масалаларни қайд қилиш керак. Муаллиф мавзуни яхши ўзлаштирганлиги, илмий матнлар ва библиографик материал билан ишлаш услубини эгаллаганлигини намойиш этиши, бундан олдинги тадқиқотчилар ва замондошларнинг бу муаммо ечимига қўшган ҳиссасини тўғри баҳолай олишини тасдиқлаши лозим.

Мабодо бу муаммо етарли даражада яхши ўрганилган бўлса, унда мазкур муаммога мавжуд нуқтаи назарларнинг таснифини таклиф қилиши янада яхши бўлади. Агар муаммо яхши ўрганилмаган, олимларнинг дикқатини ўзига жалб этмаган бўлса, унда буни қайд қилиб ўтиши керак бўлади, чунки бунда ижод қилиши имконияти янада кенгаяди.

Пировард натижада адабиётлар таҳлили айни шу мавзунинг ҳали очиб берилмаганлиги (ёки фақат қисман очиб берилганлиги ёки бошқа жиҳатдан очиб берилганлиги) ва шунинг учун бундан кейин ишлаб чиқилиши зарурлиги тўғрисидаги хулосага олиб келиши керак.

➤ **Тадқиқотнинг илмий янгилиги.**

Бу ерда тадқиқот жараёнида асосий хулоса сифатида олинган, тўғри қўйилган масаладан ва бу масалага жавоб берадиган тадқиқ этилган зарурий ва етарли ҳолатлардан мантиқан келиб чиқадиган фикрлар қисқача баён қилинади. Бу аниқланган янги факт, қўйилган вазифанинг асосли ечими, янги маълумотларнинг илмий муомалага олиб кирилиши, маълум фактнинг янгича шароитлар учун тасдиқлаши бўлиши мумкин.

Янгиликни олинган натижани маълум бўлган натижалар билан солишириш орқали кўргазмали тарзда кўрсатиш ҳам мумкин.

➤ **Тадқиқот обьекти ва предмети.**

Тадқиқот обьекти ва предмети ўзаро бир-бири билан умумий ва хусусий сифатида ўзаро нисбатда бўлади. Объектда унинг тадқиқот предмети бўлиб хизмат қиладиган қисми ажратиб кўрсатилади. Диссертантнинг асосий эътибори айни шу нарсага қаратилади, айнан тадқиқот предмети диссертация ишининг титул варагида сарлавҳа сифатида ифодаланган мавзуини белгилайди.

➤ **Амалий аҳамияти.**

Диссертацияда тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидаги шаклларда ифодаланиши мумкин:

1) Назарий ва методологик тусга эга тадқиқотларда ишнинг амалий аҳамияти – тадқиқот асосий натижаларининг илмий мақолаларда, монографиялар, дарсликларда эълон қилинишида; тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ қилинганлиги ҳақидаги муаллифлик гувоҳномалари, ҳужжатларнинг мавжудлигига; тадқиқот натижаларининг илмий-амалий конференциялар ва симпозиумларда синовдан ўтказилишида; илмий ишланмаларнинг олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларидағи ўқув жараёнида қўлланилишида; ҳалқ ҳўжалигининг у ёки бошқа тармоғини ривожлантиришга доир давлат ва минтақавий дастурларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этишда; тадқиқот натижаларининг янги меъёрий ва услубий ҳужжатларнинг тайёрланишида қўлланилишида.

2) Услубий ёки амалий тусга эга тадқиқотларда – бу ижтимоий-иктисодий, сиёсий, юридик тартибга солиш ва шу каби тизимларини такомиллаштиришга доир таклифлар; иктиносий механизмни, ижтимоий жараёнларни бошқаришни ва шу кабиларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар; вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, бирлашмалар ёки бошқа манфаатдор ташкилотларнинг фойдаланиши учун тасдиқланган ёки тавсия этилган меъёрий ва услубий ҳужжатлар.

➤ **Ишнинг тузилиши.**

Диссертация ишининг кириш, (сони) боб, ... (сони) параграфлар, шунингдек, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, ... (сони) манбалар, ... (сони) иловалардан иборат эканлиги кўрсатилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Диссертация асосий қисмининг бобларида ўрганиладиган ҳодисалар ва фактлар батафсил кўриб чиқилади ва таҳлил қилинади. Асосий қисм боблари ва параграфлари матнида сарлавҳалар имкони борича асосий сўзлардан (яъни асосий маъно юкини ташувчи) иборат бўлиши керак. Бундай сўзлар сўз юритилаётган предметни акс эттиради ёки бу предметнинг умумий тавсифномасини беради. Ушбу сарлавҳалар аниқ, лўнда бўлиши ва параграф мазмунини аниқ акс эттириши керак.

1 боб.

Мавзунинг умумий назарий муаммолари, шунга ўхшаш вазифаларни ҳал этиш назарияси ва амалиёти ҳолатининг таҳлилини, маъқул бўладиган ечимларнинг кўниктирилиши эҳтимоли учун хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш натижаларини ўз ичига олади. Бу бобда диссертант дедукциядан фойдаланиб, умумийдан хусусийга қараб илмий тадқиқот ўтказади, бунда хусусий ҳолларнинг бутун бир туркумидан бундай ҳолларнинг бутун жами учун умумлаштирилган хulosса чиқарилади.

2 боб.

Диссертант бу ерда магистрлик диссертациясини ишлаб чиқиш учун асос қилиб олинган корхона, ташкилот ва бирлашманинг қисқача тавсифномасини беради, нима юз берганлиги, нима учун бошқача эмас, айнан шундай бўлганлиги, қайси омиллар қандай таъсир қилганлигини англаш олишга ҳаракат қиласди. Умумлашмалар, хulosаларни таҳлил, далилларни ишлаб чиқиш жараёнидан ажратиш амалда мумкин бўлмайди. Шунга қарамасдан, таҳлил билан умумлашма ажralиб туради.

Тегишли параграфларда қуйидагилар мантиқий изчилликда жойлаштирилади: тадқиқот обьектининг функциялари, вазифалари ва йўналиши, ташкилий тузилмаси, бошқариш тизими, унинг ташқи ва ички омилларининг ўзига хос хусусиятлари, тадқиқот обьектининг техник-иктисодий кўрсаткичлари. Ўтказилган таҳлил асосида тадқиқот обьектидаги мавжуд камчиликлар ва муаммолар аниқланади.

Шундай қилиб, ўрганиладиган ҳодисалар ва фактлар батафсил кўриб чиқилади ва таҳлил қилинади, тадқиқотнинг услубиёти ва техникаси баён қилинади. Бу ерда фактларни ишлаш ва бир тизимга солишига алоҳида эътибор қаратилади. Факт муайян «фактик билим» сифатида кўриб чиқиладики, унинг функцияларини бутун илмий билишда илмий тадқиқот мантиқи

аниқлаши керак бўлади. Фактлар қўйилган вазифани ҳал этиш учун йиғилади. Шунинг учун йиғилган фактлар сони муайян маънода оптимал бўлиши керак. Фактларни таҳлил этиш жараёни – бу хусусий хулосаларнинг узлуксиз тизими бўлиб, улар бирлашиб, муайян манзарани ҳосил қиласди. Бутунни қисмларга ажратиш, элементларни ўрганиш билан диссертант узлуксиз равиша умумлаштиради. У предмет, вазиятни кўриб чиққанида умумлашма чиқаради, бунинг орқасида нима туришини қайд қиласди. Бобнинг ҳар бир параграфи баён қилинган материал юзасидан умумлашмалар билан якунланиши лозим.

3 боб.

Ўрганилган тизим ва ўтказилган таҳлил асосида қўйилган тадқиқот мақсадига мувофиқ, тегишлича схема бўйича ифодалаш билан тадқиқот объектини ривожлантиришнинг энг оқилона, самарали йўлларини таклиф этиш ва иқтисодий жиҳатдан асослаб бериш, иқтисодий самарани белгилаш керак бўлади.

Ушбу бобда ўтказилган таҳлил асосида таклифларни иқтисодий жиҳатдан асослаш лозим.

Асосий қисм қўйилган вазифаларга мувофиқ бўлиши керак.

Ҳамто асосий қисмни қўйилган вазифалар сонига тенг параграфлар (кичик бўлимлар) сонига бўлиши ҳам мумкин.

Хулосалар қўйилган вазифаларга бевосита мос келиши керак. Агар бундай мувофиқлик бўлмаса, унда ана шундай мувофиқликка эришиши учун киришига яна қайтиши ва вазифаларни қайтадан ифодалаш лозим.

Баъзан иши номини ўзгартиришига ҳам тўғри келади, лекин бундай ҳолда уни (янги номни) раҳбар билан келишиб олиши зарур.

ХУЛОСА

Диссертация иши ўтказилган тадқиқот натижаси акс эттириладиган хулоса билан якунланади. Магистрлик диссертациясининг бу бўлими одатда умумий иш ҳажмининг 10-15% ни ташкил этади.

Диссертация ишида унинг айрим боблари ҳам хулосалар ва таклифлар билан якунланиши мумкин, лекин уларнинг энг муҳимлари бутун ишнинг охирида, «Хулоса» бўлимида акс эттирилиши керак. Олинган натижа бу хулосалар сифатида ифодаланадиган вазифалар ечимиdir.

Хулоса ўтказилган тадқиқот мантиқи билан боғлиқ бўлган хотима ролини бажариб, у асосий қисмда тўпланган илмий ахборотлар синтези

шаклида бўлади. Бундай синтез олингандан якунларнинг изчил, мантиқий текис баёни ва уларнинг киришда қўйилган ва ифодаланган умумий мақсад ва аниқ вазифалар билан ўзаро нисбатидир.

Шундай қилиб, диссертациянинг якунловчи қисми ўтказилган тадқиқотдан олингандан натижаларнинг оддий бир рўйхати эмас, балки уларнинг якуний синтезидир, яъни иш муаллифининг муаммони ўрганиш ва ҳал этишга киритган янгиликнинг ифодасидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ушбу рўйхат диссертациянинг амалдаги қисмларидан бирини ташкил этади ва диссертантнинг мустақил ижодий ишини акс эттиради.

Бундай рўйхатга киритилган ҳар бир адабий манба диссертация қўлёзмасида акс эттирилиши керак. Агар иш муаллифи ўзлаштирилган қандайдир фактларни қайд қилса ёки бошқа муаллифлар асарларидан парча келтирса, унда у албатта келтирилган материалларнинг қаердан олинганилигини сатр остида кўрсатиб ўтиши керак.

Диссертация матнида қайд қилинмаган ва амалда ишлатилмаган ишларни библиографик рўйхатга киритмаслик керак. Бундай рўйхатга энциклопедиялар, билдиригичлар, илмий-оммавий китоблар ва газеталарни киритиш ҳам тавсия қилинмайди. Бундай нашрлардан фойдаланишга зарурат бўлса, унда уларни диссертация ишининг матнида сатрлар остидаги кўчирмаларда кўрсатиш керак.


ИЛОВАЛАР

Диссертация асосий қисми матнини шишириб юборадиган ёрдамчи ёки қўшимча материалларни ўз ичига олади.

МИ


Мустақил иш учун вазифалар:

1. ИТнинг тузилмавий схемаси билан танишинг.
2. Тақдим этилган материалдан фойдаланиб, схемани тўлдиринг.



ИШНИ РАСМИЙЛАШТИРИШГА АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

3.2



- ❖ Диссертацияни ёзиш ва расмийлаштиришнинг асосий қоидалари
- ❖ Боблар ва сарлавҳалар номларини расмийлаштириш
- ❖ Титул варагини расмийлаштириш
- ❖ Матндаги қайдлар, кўчирмалар ва ўзлаштирилган парчаларни расмийлаштириш
- ❖ Иловаларни расмийлаштириш
- ❖ Фойдаланилган манбаларни баён қилиш қоидалари

РАСМИЙЛАШТИРИШГА АСОСИЙ ТАЛАБЛАР



Сиз бу бобда магистрлик диссертациясини расмийлаштириши ва уни ёзии қоидалари, фойдаланилган манбаларни баён қилиши қоидалари, расмларга нисбатан асосий талаблар, матнданың қайdlар ва күчирмаларни расмийлаштириши қоидалари билан танишасиз.

ДИССЕРТАЦИЯНИ ЁЗИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

Магистрлик диссертациясига қўйиладиган асосий талаблардан бири-бу унинг тўғри расмийлаштирилиши бўлиб, бу нафақат иш сифатини яхшилайди, шу билан бирга унинг муваффақиятини ҳам таъминлайди.

Магистрлик диссертацияси ўзбек, рус ва инглиз тилларida тайёрланиши мумкин.

Магистрлик диссертацияси илмий иш ҳисобланади, шунинг учун унинг ёзилиши ва расмийлаштирилишига асосий талаблар номзодлик диссертациясига талабларга яқинлаштирилиши керак.

- Материалнинг аниқ ва изчил баён қилиниши диссертацияни ёзишнинг асосий тамойилидир.
- Янги фикрни бошлайдиган иборалар хат бошидан бошлаб ёзилади.
- Матннинг тугалланмаган қисмларини бошқа саҳифаларга ўтказишга йўл қўйилмайди.
- Агар матнда бошқа манбалардан олинган материаллар ишлатилса, унда кўчирмачиликда айбланмаслик учун улар манбани албатта матнда қайд қилиш керак.
- Кўчирмалар саҳифа тагида хат боши билан ёки қизил сатр билан терилади. Агар бир неча манба қайд қилинса, унда улар изчил тартибда рақамланади.

Магистрлик диссертациясининг умумий ҳажми компьютерда 1,5 интервал билан терилган, оқ қофозга (A4, 210-297 мм) туширилган 60 дан 80 саҳифагача (камида 10000 сўз) бўлиши керак.

Диссертация тадқиқоти **матни ҳошиялари ўлчамлари**:

юқориси - 20 мм,
пасткиси - 20 мм,
ўнг - 10 мм,
чап - 25 мм.

Саҳифанинг тартиб рақами юқоридаги ўнг бурчакда қўйилади.

Магистрлик диссертацияси стандартларга мувофиқ келадиган босмахона усулида муқоваланган бўлиши керак.

БОБЛАР ВА САРЛАВҲАЛАР НОМЛАРИНИНГ РАСМИЙЛАШТИРИЛИШИ

Диссертация тадқиқотининг ҳар бир боби янги саҳифадан бошлаб ёзилади.

Бобнинг номидан кейин параграфнинг сарлавҳаси қўйилади.

Боб ёки сарлавҳаларнинг номи асосий матндан қўшимча интервал билан ажратиб ёзилади.

Боблар ва параграфлар номлари хатбошисидан ёзилади, нуқта қўйилмайди, тагига чизиб, таъкидланмайди ва бошқа бетга кўчирилмайди. Агар бундай номлар икки ёки ундан кўпроқ гаплардан иборат бўлса, унда уларнинг ўртасига нуқта қўйилади.

Боб номи билан матн ўртасидаги интервал 15 мм бўлиши керак, боб билан параграф номлари ўртасидаги интервал - 8 мм бўлади.

Параграфлар арабча рақамлар билан рақамланади. Параграф рақами олдидан боб рақами ёзилади, сўнгра параграф рақами ва номи қўйилади. Рақамлар охирида нуқта қўйилмайди (1.1).

ТИТУЛ ВАРАГИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Диссертация титул варағини расмийлаштириш қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

- диссертация номи - шрифт 16;
- муаллифнинг фамилияси, исми - шрифт 14;
- малака - шрифт 14.

Диссертация иши мавзуининг номи, магистрантнинг фамилияси, исми, отасининг исми, «магистрлик диссертацияси» ибораси ва йил катта ҳарфлар билан ёзилади.

Шрифтни танлашда факат Times New Roman ёки Arial шрифтларидан фойдаланиш мақбулдир.

Матндан қайдлар, кўчирмалар ва ўзлаштирилган парчаларни расмийлаштириш

Ишнинг баёни жараёнида магистрант мазмун шартларига мувофиқ жойлаштирилган жадваллар, расмлар, мисоллар, схемалар, формулалар ва бошқа элементларни қайд қилиб ўтиши мумкин, бундай қисмлар ўzlари тегишли бўлган матн билан ёнма-ён қўйилмаслиги ҳам мумкин.

Бошқа манбалардан ўзлаштирилган маълумотлар саҳифа остида изоҳ тарзида кўрсатиб ўтилади. Изоҳ асосий матндан узун чизик билан ажратилади ва арабча^{1,2,3} рақамлари билан рақамланади ёки *** каби юлдузчалар билан қайд қилинади.

Диссертация матнida қўпинча бошқа муаллифлар аниқлаган фактларни қайд қилиш ёки ўзлаштирилган материални матнга киритишга тўғри келади. Ўзлаштирилган парчаларни баён ичида расмийлаштириш шакллари хилма-хил, лекин нутқдаги академик этикет бир қатор барқарор нутқ штампларини ишлаб чиқканки, улар ўзлаштирилган материал манбани аниқроқ ва қисқароқ тарзда кўрсатишга ёрдам беради.

Бошқа манбалардан олинган барча материалларни изоҳда кўрсатиш керак. Масалан: (5. 42-бет).



Мисоллар.

Президент И.А. Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида» асарида шундай қайд қиласди: «Ўзбекистон суверен давлат сифатида очик иқтисодиётни шакллантиришга доир ишларни фаол олиб бормоқда.»¹

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон. 1995, 97-бет.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов «Ўзбекистон, бизнинг халқимиз, иқтисодий мустақилликка эришиш учун донга бўлган эҳтиёжларни ўз кучимиз билан қондиришнинг аҳамияти ҳақида гапириб ўтириш ортиқчадир»², деб қайд қилган эди.

² И. Каримов. Бизнинг мақсадимиз – озод ва фаровон Ватандир. Т.: Ўзбекистон, 1996, 304-бет.

Баённинг давомида тижоратчилик музокараларини юритиш техникаси АҚШнинг Гарвард университети психологлари ишлаб чиқсан услугуб бўйича ифодаланади...³.

³ Фишер Р., Юри У. Келишув йўли ёки мағлубиятсиз музокаралар: Инглизчадан таржима. — М.: Наука, 1992.

Статистик материаллар, таҳлилий ва ишчи жадвалларини расмийлаштириш

Магистрлик диссертациясида статистик материаллар, таҳлилий ва ишчи жадваллари берилади.


Статистик материаллар матнда баён қилинган ахборотни қайд қилиш учун ишлатилади.

Таҳлилий жадваллар умумлаштирувчи хulosалар ва изоҳларни талаб қиласиди. Маълумотлари илгари матбуотда эълон қилинган жадваллардан фойдаланишда ушбу ўзлаштирилган материалнинг айни қайси манбаида келтирилганлигини изоҳда албатта қўрсатиш керак. Агар матнда хорижий тиллардаги таклифлар, қўшимчалар ёки сўзлар мавжуд бўлса, унда улар тўлиқ ёзилиши керак.

Ишлатилган графиклар, схемалар, диаграммалар, расмлар расм остидаги ёзув билан тўлдирилиши лозим (4-мисол).



Мисол.



2.3-расм. Уяли алоқа операторлари бозорининг Тошкентдаги улуси.
Манба: <http://www.cer.uz>.



Мисол.

1-жадвал.

Дунёнинг турли мамлакатларидағи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони

Мамлакат	Кичик ва ўрта фирмалар сони		Кичик ва ўрта фирмалар улуши (%-ларда)	
	Минг бирлик	1000 кишига хисоблаганда	Иш билан банд бўлганларнинг умумий сонида	Мамлакат ИЯМИ
ЕИ мамлакатлари	15777	45	372	50-52
АҚШ	19300	74,2	54	63-67
Япония	6450	49,6	78	52-55
Россия	836,2	5,65	9,6	19-11
Ўзбекистон	51,8	2,1	2,5	12,6

Манба: «Экономика Узбекистана». Информационно - аналитический бюллетень за 2005 год, Ташкент, Узбекистан, 2006.

Агар жадвал жуда катта бўлса, унда у навбатдаги саҳифага кўчирилади, бунда жадвал сарлавҳаси такрор ёзилмайди, ўнгдаги юқори бурчагида «Жадвалнинг давоми» деган ёзув ёзилади. Жадваллар номи фақат биринчи қисмида ёзилади. Жадвал сарлавҳаси навбатдаги саҳифада ҳам такрорланади ва рақамланади.

Агар жадвалда келтирилган сонлар бир хилдаги кўрсаткичга эга бўлса, унда бундай кўрсаткич жадвалнинг ўнгдаги юқори бурчагида кўйилади, масалан, %. Агар бундай сонлар турлича кўрсаткичларга эга бўлса, унда жадвалнинг ҳар бир устунида кўрсатилади.

Жадвалдан кейин албатта таҳлил берилади.

Ишда келтирилган формулалар алоҳида сатрдан ёзилади ва ўнг томонидан қавс ичида арабча рақамлар билан рақамланади. Формуланинг пастида “бунда” деган сўз билан бошланадиган белгилар ифодаси ёзилади. Схемалар ва графиклар арабча рақамлар билан ифодаланади.

Кўшимча тусдаги расмлар, схемалар ва графиклар иловада келтирилади. Ҳар бир илова янги саҳифадан бошланади ва 1-илова, 2-илова ва шу каби тарзда ифодаланади. Сўнгра илова номи ёзилади. Иловаларни А, Б, В,... ҳарфлари билан ҳам ифодалаш мумкин.

ИЛОВАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Иловалар диссертациянинг охирида библиографик изоҳдан кейин акс эттирилади, ахборот манбалари албатта жадваллар ва суратлар тагида кўрсатилади, варакларда саҳифалар рақамлари қўйилмайди.



Мисол.

1-илюстрация.

БХИ экспортининг товарли таркиби (%)

Йил	Жами, млн. долл.	Жами	Пахта толаси	Озик-овқатлар	Кимёвий махсуслоплар	Энергия ташувчиликлар	Қора ва ранги металлар	Машиналар ва ускуналар	Хизматлар	Бошқалар
1998	342,9	100	0	2,2	2,7	0,1	0,3	34,1	4,7	55,9
1999	371,5	100	0	8,3	1,4	3,3	0,3	17,8	5,1	63,8
2000	451,6	100	4,8	7,4	1,5	3,7	0,3	16,0	3,9	62,4
2001	416,9	100	2,4	4,4	2,6	4,7	0,2	21,1	4,4	60,2
2002	442,9	100	1,0	4,1	2,1	2,9	0,5	16,5	3,8	69,1
2003	564,4	100	3,3	4,2	2,3	3,4	0,7	19,4	4,4	62,3
03/I	123,5	100	4,0	4,8	1,6	2,1	0,2	11,0	3,3	73,0
03/II	145,3	100	2,9	3,5	2,1	3,7	0,6	21,9	3,9	61,4
04/I	164,3	100	1,4	5,7	3,0	2,5	1,5	22,7	3,8	59,4
04/II	211,3	100	3,7	3,5	2,3	3,4	0,7	26,0	3,4	57,1

Манба: ЎзР статистика бўйича давлат қўмитаси.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАРНИ БАЁН ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Ишда фойдаланилган адабиётларнинг библиографик рўйхати ишнинг охирида жойлаштирилади. Адабиётлар библиографик баёнда қўидаги изчилликда жойлаштирилади:

- қонунлар, меъёрий-услубий хужжатлар ва материаллар;
- мамлакатимизда ва чет элларда босилган илмий адабиётлар (дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар, илмий мақолалар, илмий брошюралар ва ҳоказо);
- статистик, йўриқномавий материаллар ва ташкилотлар ва корхоналар ҳисоботлари;
- интернет – ресурслар.

Ҳар бир бошланғич манбалар бўйича қўидагилар кўрсатилиади:

- муаллиф фамилияси, сўнгра унинг исми-шарифи;
- китоб номи;
- шаҳар номи;
- нашриёт номи;
- босилган йили.

Агар китоб муаллифлари уч ва ундан ортиқ кишилардан иборат бўлса, унда биринчи муаллифнинг фамилияси, исми-шарифини кўрсатиб, сўнгра “ва бошқалар” деб қўйиш ҳам мумкин.

Шаҳарлар номлари қисқартирмасдан бош келишикда ёзилади. Москва, Ленинград, Санкт-Петербург ва Тошкент каби шаҳарлар номларини қисқартириб ёзиш мумкин: Москва - М., Ленинград - Л., Санкт-Петербург - СП., Тошкент - Т. Агар китоб икки шаҳарда босилган бўлса, унда иккаласи ҳам ёзилади, масалан, М., Л.

Агар китобни икки нашриёт чиқарган бўлса, унда ҳар иккала нашриёт номи ҳам ёзилади, масалан: Т.: «Фан», «Экономика».

Даврий матбуот ҳақидаги маълумотларда қуидагилар кўрсатилади:

- муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи;
- мақола номи;
- журнал ёки газета номи;
- серия номи;
- журнал ёки газетанинг босилган йили;
- журнал ёки газета жилди ва рақами;
- саҳифа рақами.

Илмий изланиш ҳисоботларини баён қилишда қуидагилар кўрсатилади: ҳисобот номи (сўнгра, қавс ичидаги «ҳисобот» сўзи ёзилади); ҳисоботни чиқарган ташкилотнинг шифри, инвентар рақами, номи, илмий раҳбарнинг фамилияси, исми-шарифи, ҳисоботнинг чиқарилган жойи, йили ва саҳифалари сони.



Мисол.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бевосита соф хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Тошкент, 2005 йил 15 апрель. – www.press-service.uz.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси - Т.: Юридик адабиётлар, 1997.

Березин И. Маркетинговый анализ.- М.: ООО «Журнал «Управление персоналом», 2004.

Мировая экономика: Учебник / Под ред. А.С. Булатова. – М.: Юристъ, 2006.

Смирнова Е.В. Рейтинг конкурентоспособности стран мира в 2002 году. // Внешнеэкономический бюллетень, 2003. – № 5. – С. 3-9.

Лизинговые операции: Потребность превышает предложение// БВВ от 24 марта 2005 г. №12, с.8.

www.uzbekleasing.com

Мустақил иши учун топшириқлар:

1. *Битта илмий ишини – магистрлик диссертациясини танланг, унинг тузилишини ўрганинг.*
2. *Диссертациянинг мазмуни ва тузилиши бўйича таҳлил тайёрланг.*
3. *Диссертациянинг расмийлаштирилишини таҳлил қилинг. Таҳлилда расмийлаштириши бўйича қўйидаги қоидаларнинг бажарилишини акс эттиринг:*
 - *диссертациянинг титул вараги;*
 - *фойдаланилган манбалар баёни;*
 - *матнидаги қайдлар, кўчирмалар ва ўзлаштиришлар;*
 - *статистик материал;*
 - *иловалар.*

ДИССЕРТАЦИЯ ҲИМОЯСИ

3.3



- ❖ **Магистрлик диссертациясини ҳимояга тайёрлаш тартиби**
- ❖ **Магистрлик диссертациясига тақриз ва баҳоларга талаблар**
- ❖ **Магистрлик диссертациясининг оммавий ҳимоясини ўтказиш тартиб-қоидалари**

ДИССЕРТАЦИЯ ҲИМОЯСИ



Сиз бу бобда магистрлик диссертациясини ҳимояга тайёрлаштартиби, магистрлик диссертациясига тақриз ва баҳоларга талаблар, магистрлик диссертациясининг оммавий ҳимоясини ўтказиши тартиб-қоидалари билан танишасиз.

Магистрлик диссертациясини ҳимояга тайёрлаштартиби

Диссертацияни техник расмийлаштириш иши тугалланганидан кейин магистрант магистратурадаги таълим олишнинг охирги ва ҳал қилувчи босқичи - магистрлик диссертациясини ҳимояга тайёрлашга лозим даражада эътибор бериши керак. Бундай тайёргарлик, аввало, ҳимоя билан боғлиқ ҳужжатлар ва материалларнинг расмийлаштирилишини ўз ичига олади.

Муаллифлик аннотацияси.



Мисол.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Факультет: Магистратура

Магистр:

Кафедра: Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ

Илмий раҳбар: _____

Ўқув йили: 2005/2006

Магистрлик диссертацияси мавзуи:

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ
ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАРИ**

МУАЛЛИФЛИК АННОТАЦИЯСИ

Жаҳон бозори тобора кўпроқ интеграциялашиб бормоқда. Кейинги ўн йил давомида жаҳон савдоси жаҳондаги ишлаб чиқаришнинг ўсишига нисбатан анча тез ривожланди. Бунда ривожланаётган бевосита хорижий инвестицияларнинг (БХИ) умумий оқими сўнгги ўн йил ичida олти баравар ошиб кетди. Иқтисодиёти кейинги пайтда анча очик бўлиб бораётган ривожланаётган мамлакатлар жаҳон хўжалик тизимида бирмунча фаолроқ роль ўйнашмоқда. Бу мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотида экспорт ва импортнинг умумий улуши бугунги кунда ўртacha 43% га етади, ўн йил илгари эса бундай кўрсаткич 33% дан иборат эди. Ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон, агар ташки иқтисодий фаолиятни либераллаштириш билан боғлиқ иқтисодий устунликларни амалга ошира олишса, ҳалқаро интеграциядан ютиши мумкин. Мамлакатлар ўртасидаги капитал, товарлар ва ғоялар ҳаракати меҳнат унумдорлигининг ўсиши, савдо ҳажми ва миллий даромаднинг ошишининг жадаллашувини рағбатлантиради. Бошқа томондан, интеграция

мамлакатларни бирмунча очиқ савдога йўналтиришга ёрдам беради, халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кириш эса мамлакат ичидаги тегишли институтларнинг ташкил этилишига кўмаклашади.

Тадқиқот мавзуининг долзарблиги. Ушбу ишнинг Ўзбекистон учун амалий жиҳатдан долзарблиги, биринчидан, тобора чукурлашиб бораётган, бутун дунёда юз бераётган халқаро интеграция ва глобаллашув жараёнлари билан боғлиқдир. Ўзбекистон ана шундай жараёнларнинг таркибий қисми бўлиши, жаҳон бозорида ўзининг муносабиб ўрнини эгаллаши керак.

Муаммонинг илмий ишлаб чиқилиши даражаси. Ривожланган бозор иқтисодиётига эга чет мамлакатларнинг қўйидаги каби бир қатор иқтисодчилари ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларнинг ташки иқтисодий сиёсати муаммолари билан шуғулланишмоқда: П.Линдерт, Р.Помфret, М.Порттер, Дж.Деверюкс, Б.Роберте, П.Ромер, Д.Сакс ва бошқалар. МДҲга аъзо мамлакатларда бундай муаммоларнинг айрим жиҳатлари устида В.Дерманов, С.Дубинин, А.Терехов, Н.Шмелев, С.Жуков ва бошқалар иш олиб боришишмоқда. Ўзбекистонда ташки иқтисодий фаолият, ташки савдони ривожлантириш ва республиканинг халқаро ҳамжамиятга интеграциясига бағищланган тадқиқотлар А.Алимов, А.Бедринцев, А.Бекмуродов, Д.Жалолов, Г.Назарова, Т.Нуруллаев, А.Расулов, Н.Сирожиддинов, З.Адилова, А.Юсупов ва бошқа олимлар ва амалиётчиларнинг илмий асарларида ўз аксини топган.

Тадқиқот обьекти. Ушбу ишда жаҳон бозорларига фаол кириб бораётган Ўзбекистон Республикасининг ташки иқтисодий фаолияти тадқиқот обьекти қилиб олинган.

Тадқиқотнинг мақсадлари ва вазифалари. Жаҳон иқтисодиётининг тобора кучайиб бораётган глобаллашуви ва Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалигига интеграцияси шароитида халқаро савдода юз бераётган тенденциялар ва жорий жараёнлар таҳлили тадқиқот мақсадини ташкил этади. Тадқиқотнинг вазифаси умуман республика бўйича ва минтақавий ҳамда тармоқлар бўйича ташки савдо соҳасидаги жорий вазият таҳлили, шунингдек, Ўзбекистоннинг минтақавий ташки иқтисодий сиёсатини шакллантиришнинг стратегик жиҳатларини белгилашдан иборат.

Тақдим этилган ишнинг **илмий янгилиги** Ўзбекистон Республикасининг ташки иқтисодий ва интеграцион алоқаларидағи минтақавий-мамлакатларга оид устувор йўналишларни, экспортни кенгайтириш, мамлакатда сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг роли ва ўрнини белгилашдан иборат.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқотнинг ташки савдо соҳасидаги бошқарувни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари юзасидан аниқ тавсияларнинг ишлаб чиқилиши ЎзРТИА ва СВ, Хорижий инвестициялар бўйича агентлик ва бошқалар томонидан амалда кўлланилиши мумкин.

Статистик, таҳлилий материал республиканинг тегишли олий ўкув юртларида «Жаҳон иқтисодиёти», «Халқаро иқтисодий муносабатлар», «Халқаро савдо» курсларини ўқитишда қўлланилиши мумкин.

Ишнинг таркиби кириш, З та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Ишнинг хулоса қисмида хулосалар чиқарилган ва тавсиялар берилган.

Илмий раҳбар _____

Талаба _____

Тақризлар ва баҳоларнинг олиниши

Магистрлик диссертацияси мажбурий тартибда тақриз қилинади. Оппонент диссертация тадқиқоти бажарилган илм соҳаси мутахассислари ичидан тайинланади. Оппонент тақриз қилинаётган диссертациянинг моҳияти ва асосий қоидаларининг малакали таҳлилини ўтказиши, шунингдек, танланган мавзунинг долзарблиги, унинг очиб берилишига ёндашувнинг мустақиллиги, ўзининг нуқтаи назари борлиги, илмий тадқиқ қилиш услубларидан фойдаланиш маҳорати, хулосалар ва тавсияларнинг аниқлиги даражаси, олинган натижаларнинг ишончлилиги, уларнинг янгилиги ва амалий аҳамиятини баҳолаши керак.

Ишнинг ижобий томонлари билан бир қаторда унинг камчиликлари, жумладан, фактик хатолари ва шу кабилар ҳам қайд қилинади. Тақриз ҳажми одатда компьютерда терилган икки саҳифадан беш саҳифагача матндан иборат бўлади.

Магистрлик диссертациясини ҳимоя қилишга кафедра мудирининг рухсатини олиш.

Лозим даражада расмийлаштирилган магистрлик диссертацияси тақризлар билан бирга (икки нусхада) кафедрага тақдим этилади. Кафедра бу ишни кўриб чиқиб, олдиндан ҳимоя қилиш куни ва вақтини тайинлайди. Олдиндан ҳимоядан ўтган магистрлик диссертациялари кафедранинг мажлиси баённомаси билан расмийлаштирилади ва оммавий ҳимояга тавсия этилади.

10-15 минутлик маъruzанинг тайёрланиши.

Магистрант илмий раҳбар ва ташқи оппонентнинг тақризларини, шунингдек, кафедра мудирининг магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш учун рухсатини олганидан сўнг 10-15 минутлик маъruzani тайёрлашга киришади.

Магистрлик диссертациясига тақриз ва баҳоларга талаблар

Магистрлик диссертациясига илмий раҳбарнинг тақризи ва оппонентнинг ташқи тақризи берилади.

Илмий раҳбар ва оппонентнинг тақризларида бир қатор масалаларнинг мажбурий тартибда ёритилиши назарда тутилади.

Илмий раҳбар тақризининг мазмуни:

- Диссертация мавзуининг долзарбилиги
- Магистрлик диссертацияси мавзуининг магистрантнинг асосий иши билан боғлиқлиги даражаси
- Муаллифнинг магистрлик диссертацияси мақсадлари ва вазифаларини ёритиши даражаси
- Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги
- Ўтказилган тадқиқот натижаларининг асосланганлиги
- Тадқиқотчининг илмий таҳлил қилиш қобилиятининг қисқача тавсифномаси
- Магистрант хulosалари ва тавсияларининг сифати
- Диссертациянинг магистрлик диссертациясига қўйиладиган талабларга мувофиқлиги

Оппонент тақризи қўйидагиларни акс эттириши керак:

1. Диссертация мавзуининг долзарбилиги.
2. Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги.
3. Тайёрланган диссертациянинг амалиёт учун аҳамияти.
4. Магистрлик диссертацияси мазмуни ва тугалланганлигининг баҳоси.
5. Материални баён қилиш услуби ва тили.
6. Ўтказилган тадқиқотнинг илмий ва амалий қиммати.
7. Диссертациянинг магистрлик диссертациясига қўйиладиган талабларга мувофиқлиги.

Тақризларда ишнинг ижобий томонлари билан бир қаторда ундаги хатолар ва камчиликлар ҳам қайд қилинади.

Тақризнинг ҳажми одатда компьютерда терилган икки саҳифадан беш саҳифагача матн бўлади. Диссертациянинг устунликлари ва камчиликларининг далилланган танқидий таҳлилини ўз ичига оладиган ушбу ҳужжат Давлат аттестация комиссиясининг ишнинг ҳимоя қилиниши натижалари муҳокама қилинадиган мажлисида эълон қилинади.

Магистрлик диссертациясининг оммавий ҳимоясини ўтказиш русум-қоидалари

Магистрлик диссертациясининг ҳимояси оммавий шаклда ўтади, илмий мунозара тусида бўлади ва юксак талабчанлик, принципиаллик ва илмий этикага риоя қилиш вазиятида ўтади.

Диссертациянинг ҳимояси пайтида Давлат аттестация Комиссияси раиси диссертациянинг номини эълон қилади, унинг муаллифининг фамилияси, исми-шарифини маълум қилади, шунингдек ишда зарур ҳужжатларнинг мавжудлигини билдиради, магистрантнинг «таълимий ва илмий таржимаи ҳолини», унинг ўзлаштириши, мабодо мавжуд бўлса, эълон қилган мақолаларини қисқача тавсифлайди.

Сўз магистрантнинг илмий раҳбарига берилади. Илмий раҳбар ўз нутқида магистрантнинг диссертация устида олиб борган ишга муносабатини очиб беради, шунингдек аттестация комиссияси, илмий раҳбарнинг берган саволлари хусусида ўз фикрини билдиради, раислик қилувчи илмий раҳбарнинг диссертация иши ҳақидаги ёзма хулосасини давлат аттестация комиссияси аъзоларига ўқиб беради.

Сўнгра магистрантнинг ўзига сўз берилади. Магистрант нутқини олдиндан тайёрлаган маъруzasи асосида қуради (имкони борича уни ёдан айтиб бергани маъқул). Тадқиқот натижаларини маълум қилиш учун унга 15 минутгacha вакт берилади.

Маъруза тадқиқотнинг методологик базасини, қўйилган вазифалар ечими натижалари ва диссертация мавзуи бўйича тавсияларни ўз ичига олади. Магистрант асосий диққат-эътиборини ўтказилган тадқиқотнинг асосий якунлари, ўзи шахсан ишлаб чиқсан янги назарий ва амалий қоидаларга қаратади. Зарур бўлганида тайёрланган слайдлар, жадваллар ва графиклар намойиш қилиниши мумкин.

Нафақат магистрант нутқи матнининг мазмуни, шу билан бирга нутқнинг ўзи ҳам ҳимоя муваффақиятини олдиндан белгилаб беради. Магистрант нутқи аниқ, имловий жиҳатдан тўғри, тушунарли ва ифодали бўлиши керак. У ҳамма саволларга ишонч билан, илмий далиллар асосида жавоб бериши, эркин нутқ қоидаларига амал қилиши керак.

Магистрантнинг нутқидан кейин раислик қилувчи бажарилган диссертацияга расмий оппонентнинг тақризини ўқиб беради ва оппонет билдирган фикрларга ўз жавобини айтиши ва оппонентнинг хулосалари ҳамда тавсиялари юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён қилиши учун магистрантга сўз беради.

Шундан сўнг муҳокама ва илмий мунозара жараёни бошланади. Давлат аттестация комиссияси аъзолари диссертацияда кўтарилиган муаммолар, тадқиқот услублари бўйича ҳар қандай саволларни бериши, тадқиқ этиш тартиб-қоидаларини ва тажриба иши натижаларини аниклаштириши мумкин.

Бундай саволларга жавоб беришда фақат иш моҳиятига дахл қилиниши лозим. Магистрант ўзининг илмий натижаларини баҳолашда камтаринлик ва Давлат аттестация комиссияси аъзолариға нисбатан эҳтиромли муносабат намоён қилиши зарур.

Жавоб беришдан олдин саволни диққат билан тинглаш ва зарур бўлганида саволни ёзиб олиши керак. Ҳар бир берилаётган саволга имкони борича изчиллик билан жавоб қайтариш лозим, саволларнинг ҳаммасини эшлиб бўлиб, фақат шундан кейин бирданига жавоб бериш ярамайди.

Мунозара тугаганидан сўнг магистрантга якунловчи сўз берилиши ҳам мумкин.

Давлат аттестация комиссияси аъзоларининг ёпиқ мажлисида ҳимояга якун ясалади. Бундай қарор комиссия аъзолари овозларининг оддий кўпчилиги билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлиб қолганида раиснинг овози ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади. Сўнгра раис мажлисда иштирок этувчиларга диссертациясини ҳимоя қилган тадқиқотчиларга магистрлик академик даражасининг берилишини билдиради ва комиссия мажлисини ёпиқ, деб эълон қиласди.

ГЛОССАРИЙ

ГЛОССАРИЙ

Абстрактлаштириш – бошқа барча параметрларни ҳисобга олмасдан битта ажратилған параметрни алоҳида ҳолида кўриб чиқадиган тадқиқотчилик услуби.

Долзарблик – ушбу муаммонинг ҳозирги фан ва амалиёт учун ўрганилишининг муҳимлиги; долзарблик даражаси глобал тусда (фан, жамият эҳтиёжлари, умуман амалиётни қамраб олиши) ёки локал тусда (фаннынг алоҳида тармоғи, алоҳида минтақа, муайян тусдаги ижтимоий институтларни ва шу кабиларни қамраб олиши) бўлиши мумкин.

Диссертация мавзуининг долзарблиги – бу унинг ижтимоий назария ва амалиёт учун керакли эканлиги бўлиб, фанда кўпинча олдинги назарий тасаввурлар доирасига яққол жойлашмайдиган янги фактларнинг кашф қилиниши натижасида вужудга келадиган вазиятнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Тадқиқот долзарблигини асослаш - илмий билишнинг умумий жараёни соҳасида мазкур мавзуни ўрганиш заруратини изоҳлашни билдиради.

Таҳлил – бу тадқиқотнинг назарий услуби бўлиб, тадқиқ қилинаётган жараён ёки ҳодисани маҳсус ва теран мустақил ўрганиш учун уни таркибий қисмларга ажратишни назарда тутадиган фикрий операциядир.

Аналогия – ўхшашлиги, прототипи танланадиган фикрий операция.

Аннотация - титул варагининг орқасида жойлашган, қандайдир нашр ҳақидаги қисқача ахборот; хужжат, унинг бир қисми ёки ҳужжатлар гуруҳининг вазифаси, мазмuni, шакли ва бошқа хусусиятлари нуқтаи назаридан тавсифномаси.

Сұхбат – эмпирик услуб бўлиб, жавоб берувчи билан шахсий алоқани назарда тутади.

Илмий мавзулар турлари: амалий, аралаш, назарий.

- Амалий мавзулар хўжалик амалиётини ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқлади.
- Аралаш мавзулар тадқиқотнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради.
- Назарий мавзулар асосан адабий манбалардан фойдаланиб ишлаб чиқлади.

Фараз (гипотеза) (қадимги грек тилидан - асос, тахмин) — олдиндан ўрганилган фактлар, ҳодисалар, жараёнларнинг муайян мажмууга асосланган, уларни изоҳлаш учун илгари суриладиган ва тасдиқланиши ёки инкор этилиши лозим бўладиган назарий тахмин.

Тадқиқот фарази - бу бевосита кузатилаётган ҳодиса, ўрганилаётган ҳодисанинг тузилиши ёки унинг таркибий қисмлари ўртасидаги алоқалар тузи ҳақидаги илмий асосланган тахминдир. Фаразлар мавжуд фактлар асосида ишлаб чиқлади. Хулоса сифатидаги фараз объектив воқеликда ўз

илдизларига эга бўлади, фикрнинг бевосита кузатилаётган ҳодисалардан уларнинг сабабли изохланишигача бўлган ҳаракати ҳисобланади.

Дедукция - фикрлашнинг умумий қонуниятлардан хусусий фактларга томон ривожланишини назарда тутадиган фикрий операция.

Диссертация (лотинчадан таржимаси - тадқиқот, мушоҳада) - муайян илмий (академик) малакани (даражани) олиш мақсадида маҳсус тайёрланган, оммавий муҳокамага ва ҳимояга қўйиладиган асар.

Магистрлик диссертацияси - магистрни тайёрлаш бўйича асосий касбий таълим дастурига ўқитишнинг якунловчи босқичида талаба-магистрант томонидан илмий раҳбар раҳбарлигида мустақил бажариладиган илмий йўналишдаги тугатиш малака иши.

Сарлавҳа: илмий адабиётда мавзуни билдиради.

Тадқиқот вазифаси - бу илгари сурилган фаразга мувофиқ мақсадга эришиш учун йўллар ва воситаларнинг танланишидир.

Идеаллаштириш – тадқиқотчининг нуқтаи назарида ҳодиса ёки жараённинг идеал образини, яъни назарий моделнинг яратилиши; фаразларни ишлаб чиқишида қўлланилади.

Индукция - хусусий фактларни умумлаштириш мантиқига асосланган фикрий операция.

Таснифлаш - ўрганиладиган обьектлар, фактларни ўрганишнинг назарий услуби; ҳодисаларни бир-бирига нисбатан тартибга солишга асосланади.

Аникилаштириш - абстрактлаштиришга тескари жараён, яхлит, ўзаро боғлиқ, кўп томонлама обьектнинг топилишини назарда тутади.

Конспект - асосий хulosалар ва қоидалар, фактлар, далиллар, усулларни ўз ичига олади; тузувчининг материалга нисбатан муносабатини акс эттиради. Конспектлар турлари: *Режали* - олдиндан тайёрланган режа ёрдамида тузилади: унинг ҳар бир бандига конспектнинг тегишли қисми мос келади. *Таҳлилий* - кўпинча бир неча манбадан фойдаланиб аниқ мавзуни очиб беради *Эркин* - кўчирмалар, баъзан тезислар аралашмасидан иборат бўлади. *Матнли* - кўпинча мантиқий ўтишлар билан боғланган кўчирмалардан ташкил топади. *Тематик* - матннинг бутун мазмунини акс эттирмайди, фақат муайян, аниқ мавзуни ишлайди, қўйилган саволга жавоб беради. *Хронологик* - ҳодисаларнинг ўзини кўрсатиш асосида уларнинг хронологик изчиллигини акс эттиради.

Иқтисодиёт магистри - бу кенг билимли мутахассис бўлиб, у илмий ижод методологияси ва услубиётини, замонавий ахборот технологияларини эгаллаган; турли хил иқтисодий ахборотларни таҳлил этиш ва синтез қилиш малакасига эга бўлади.

Магистратура - магистрларни, яъни илмий-тадқиқотчилик ва илмий-педагогик фаолиятга тайёрланган мутахассисларни тайёрлаш шаклидир.

Илмий тадқиқот услуби – бу муайян билиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда муайян билиш вазифаларини ҳал этишга қаратилған ақлий ва (ёки) амалий операциялар (русум-қоидалар) тизимиdir.

Тадқиқот услубиети (технологияси) – тадқиқот усууларининг бир тизимли мажмуи, тадқиқот услублари, усуулари, техникаларини қўлланиш ва улар ёрдамида олинган натижаларни талқин қилиш қоидалари тизими. Услубиёт ўрганиладиган объект характерига, тадқиқот методологияси, мақсадларига, ишлаб чиқилған услублар, тадқиқотчи малакасининг умумий даражасига боғлиқ бўлади.

Методология - бу илмий-тадқиқотчилик фаолиятининг илмий тамойиллари ва усуулари тизими ҳақидаги таълимот.

Моделлаштириш — тадқиқотчиликнинг моделнинг қурилишини назарда тутадиган назарий услуби.

Мониторинг — бу тадқиқот натижаларининг доимий назорат қилиниши, мунтазам кузатиб борилиши.

Кузатиш - энг кўп ахборотли тадқиқот услуби бўлиб, у бўлган ва ўрганилаётган жараёнлар ва ҳодисаларни четдан туриб қўришга имкон беради.

Илмий муаммо – бу илмий-тадқиқотчилик иши мавзуини белгилайдиган мураккаб назарий ва (ёки) амалий вазифалар мажмуидир. Муаммо тармоқ, тармоқлараро, глобал бўлиши мумкин.

Илмий иш - бошқа ҳар қандай ишдан ўзининг мақсади янги илмий билимни олиши билан фарқ қиласди. Айни шу иш жараёнида воқелик ҳақидаги объектив билимлар ишлаб чиқилади ва бир тизимга солинади.

Илмий мавзу – бу ечимини талаб қиласиган мураккаб вазифадир. Илмий-тадқиқотчилик иши мавзуи мауйян илмий йўналишга ёки илмий муаммога тегишли бўлиши мумкин.

Илмий йўналиш - деганда тадқиқот ўтказиш соҳасидаги фан, фанлар ёки илмий муаммолар мажмуи тушунилади.

Янгилик – фаннинг шу тармоғига ёки умуман фанга улуш даражаси; натижалар ҳар хил тусда бўлиши мумкин –натижалар ёки уларнинг бир қисми янги бўлиши мумкин, шунингдек натижаларнинг катта қисми янгилик сифатида қайд қилинmasлиги ҳам мумкин.

Текшириш - бу тадқиқ қилинаётган объектнинг у ёки бошқа даражадаги теранлик ва деталлаштириш билан ўрганилиши бўлиб, бу тадқиқот мақсадлари ва вазифалари билан белгиланади.

Умумлаштириш - муҳим фикрий операциялардан бири бўлиб, унинг натижасида объектлар ва улар муносабатларининг нисбатан барқарор хусусиятлари ажратилади ва қайд қилинади.

Тадқиқот обьекти - бу муаммоли вазиятни юзага келтирадиган муайян жараён ёки ҳодиса, бу муаммонинг ўзига хос ташувчиси, тадқиқотчилик фаолияти йўналтирилган нарса.

Тадқиқотнинг обьектли соҳаси – бу фан ва амалиётнинг тадқиқот обьекти жойлашган соҳаси бўлиб, амалиётда у, масалан, математика,

биология, иқтисодиётнинг у ёки бошқа илмий ихтисослигига мувофиқ бўлиши мумкин.

Мундарижа: мавзу баёнининг режаси, китобнинг кўрсаткичи.

Тажриба иши – бирмунча юксак натижаларни олишни кўзлаб жараёнга олдиндан белгиланган ўзгаришлар, инновацияларни киритиш услуби.

Режа – энг қисқа ёзув бўлиб, у фикр баёнининг изчиллигини акс эттиради ва умумлаштиради; матнинг мазмунини очиб беради; манбанинг мазмунини хотирада қайта тиклади; конспект ва тезислар ўрнини босади; ҳар хил ёзувларни (маъруза, ахборот, ҳисобот) тузишга ёрдам беради; бажарилган ёзувни яхшилайди; ўзини ўзи назорат қилишни тезлаштиради; эътиборни жамлайди; яхши таниш бўлган матнни хотирада жонлантириш учун ишлатилади.

Илмий иш режаси - жамулжам ҳолида унинг моҳиятини акс эттиради. Бу муаллиф айтмоқчи бўлган нарсанинг схематик ифодасидир.

Амалий аҳамияти (қиммати) – мазкур тадқиқотчилик иши натижаларидан амалиётда фойдаланиш туси.

Сўзбоши - муаллиф қўйган вазифалар баёни; нашр ёки қайта нашрнинг заруратини асослайди.

Тадқиқот предмети - обьектнинг аниқ бир қисми бўлиб, унинг ичида изланиш олиб борилади. Ҳодисалар, уларнинг айрим томонлари тадқиқот предмети бўлиши мумкин. Тадқиқотчи илмий изланишлар натижасида тадқиқот обьекти ҳақида оладиган янги илмий билим сифатида белгилаш мумкин.

Сўнгсўз (хотима): якун, қисқача хulosалар.

Тақдимот – ўқув (илмий) иш якунлари ҳақидаги оғзаки ахборот.

Муаммо бу билим билан билмаслик ўртасидаги ўзига хос чегарадир. У олдинги билим етарли бўлмаган, янги билим эса ҳозирча ривожланган шаклга эг бўлмаган ҳолатда пайдо бўлади.

Илмий муаммо бу билишни ривожлантириш жараёнида обьектив тарзда вужудга келадиган масала ёки ечими амалий ёки назарий манфаат касб этадиган масалалар мажмуидир. У айни шу пайтгача эришилган билимлар даражасининг етарли эмаслигини идрок этиш, қайд қилиш бўлиб, бу янги фактлар, алоқалар, қонунларнинг, мавжуд назариялардаги мантиқий хатоларни аниқлаш оқибати ёки амалиётнинг олинган билимлар доирасидан четга чиқиши талаб этадиган янги эҳтиёжларининг пайдо бўлиши оқибати ҳисобланади.

Тадқиқот дастури бу аниқ мавзу устидаги бўлгуси ишнинг моҳияти ва таркибий қисмлари ҳақидаги аниқ тасаввурдир.

Резюмелаш бу якун ясашдир. Резюме қилувчи ибора – бу нотиқнинг «ёпилган» тусдаги нутқи, унинг бош ғояси.

Муаммони ҳал этиш янги билимни олиш ёки у ёки бошқа ҳодисани изоҳловчи, ҳодисанинг хоҳлаган йўналишда ривожланишига таъсир кўрсатиш имконини берадиган омилларни аниқлаш демакдир.

Реферат – бир ёки бир неча манбаларда мавжуд бўлган ғояларнинг қисқача ёзуви, у ҳар хил нуқтаи назарларни қиёслаш ва таҳлил қилиш маҳоратини тақозо этади. Рефератлар турлари: ахборотчилик (реферат – конспектлар), индикатив (реферат – резюме), монографик, таҳлилий.

Рефератлаш: қандайдир масаланинг бир ёки бир неча манбаларнинг таснифланиши, умумлаштирилиши, таҳлили ва синтези асосида баён қилинишини назарда тутади.

Синтез - фикрий операция, унинг жараёнида аниқланган элементлар ва фактлардан яхлит манзара қайта тикланади.

Билдиргичли аппарат: тушунтирилиши лозим бўлган тушунчалар, атамалар, фактлар ва шу кабиларга изоҳлар.

Қиёслаш - обьектларнинг ўхшашлиги ва фарқларини, умумийлиги ва алоҳидалигини аниқлаш мақсадида обьектларнинг қиёсланишини назарда тутади.

Мақола – бу мустақил илмий тадқиқот бўлиб, у долзарб илмий муаммо бўйича ўз фикрларини баён қилишдир.

Тезислар: ўқиб чиқилган (ёки оғзаки баён қилинган) парчани тақрорлайди, лўнда ифодалайди ва хулосалайди; ҳар доим далилларга эга бўлади, мазмун моҳиятини аниқлайди; материални умумлаштириш имконини беради; мақола, маъруза, диссертацияни танқидий таҳлил этишда қимматлидир.

Тезислар турлари:

оддий – кўпинча кўчирмалардан иборат бўлади, *асосий* – одатда муаллиф томонидан мустақил ифодаланади, *мураккаб* – ўзида икки турдаги ёзувни чатиштиради.

Назарий асос – мазкур тадқиқот таянадиган концептуал қоидалар (ғоялар, тамойиллар).

Муаммонинг ифодаланиши — бу, ўз моҳиятига кўра, илмий тадқиқот мазмунининг кристаллаштиришидир. Шунинг учун муаммонинг тўғри қўйилиши — бутун иш муваффақиятининг гаровидир.

Тадқиқот мақсади - бу тадқиқотчи ўз ишини яқунлашда эришишни хоҳлаган пировард натижадир. Фараз асосида ифодаланади.

Мутолаа – бу нутқий фаолиятнинг мураккаб тури бўлиб, соф техник жиҳати – мутолаа қилиш ва тез ўқиш малакаларини орттириш ва ижодий жиҳати – матндан зарур ахборотларни олишдан иборат.

Ўрганиш учун мутолаа – мутолаанинг фаол тури. Сиз асарни дикқат билан, айрим жойлари устида бироз тўхталиб ва ахборотларни мушоҳададан ўтказиб ўқиш ҳолларида бундай тур ишлатилади.

Матн билан танишиб (танланган жойларни ўқиш) - неча манбалардан айрим масалаларни ажратиб олиш, шунингдек мазкур масала бўйича ўзининг нуқтаи назарини хосил қилиш мақсадида олинган ахборотларни қиёслаш ва солишириш учун қўлланилади.

Кўздан кечириш учун мутолаа - Матн билан танишиб чиқиш ва ўрганишдан олдин одатда китобга кўз югуртириб чиқилади. Китобнинг

мазмуни, боблар ёки параграфлар номлари, аспр муаллифи билан танишиб олиш шундай қилинади.

Тажриба - умумий эмпирик тадқиқот услуги бўлиб, у бошқариладиган шароитда ўрганилаётган объектлар устидан қатъий назорат юритилишига асосланади.

Эссе – бу муаллифнинг алоҳида индивидуал позициясига эга эркин шаклдаги баён бўлиб, қандайдир буюм ёки қандайдир сабаб бўйича умумий ёки олдиндан билдирилган фикр-мулоҳазалардан иборатdir.

Далилланган эссе – бу қўйилган саволга далилланган жавоб мавжуд бўлган ёзма ишдир. Муаллиф муайян позицияга эга ва уни ҳимоя қиласди, ўз позициясини қувватлаш учун бир қатор далилларни тақдим этади. Мақсад – муаллиф ўзи қўллайдиган нуқтаи назарга бошқаларни ҳам ишонтиришни хоҳлайди.

Баҳодир Юнусович Ходиев, Адҳам Шарипович Бекмуродов, Махмуд Рустамович Болтабаев, Людмила Владимировна Голиш, Ольга Борисовна Гимранова. Илмий-тадқиқотчилик фаолиятига тайёргарлик асослари: Ўқув-услубий қўлланма - Тошкент: Экономика, 2010 йил. 138-бет.

Муҳаррир Н.Т.Каттаев.
Компьютерда Ш.Ш.Якубов терган.

Заказ № 460 от 13.04.2010 Тираж 100шт.
Отпечатанно в ООО «QWERT PRINT»
г. Ташкент, ул. А. Навои, 21